

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ

А К А Д Е М И Я

В. АЛЕМАСОВ, Ш. МАМАДАЛИЕВ

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ:  
МЕТОДОЛОГИЯ, МЕТОДИКА, ИЖОДИЁТ

*Катта илмий ходимлар-изланувчилар  
ва мустақил изланувчилар учун ўқув қўлланма*

Тошкент – 2015

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг  
Таҳририят-ноширлик кенгашида маъқулланган*

**Тақризчилар:**

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессори,  
тариҳ фанлари доктори **Р.Ф.Фармонов**;

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ички ишлар идоралари  
офицерларининг малакасини ошириш факультети маҳсус фанлар  
кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори **А.А.Хамдамов**

**Алемасов В., Мамадалиев Ш.О.**

A-50      «Илмий тадқиқот: методология, методика, ижодиёт» курсидан  
катта илмий ходимлар-изланувчилар ва мустақил изланувчилар учун  
ўкув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,  
2015. – 102 б.

Мазкур қўлланмада илмий изланишлар олиб боришда қўлланиладиган тадқиқот  
усуллари ва улардан фойдаланиш технологиялари ёритилган бўлиб, улар илмий  
изланишларни рационал ташкил этишга ёрдам беради.

Қўлланма катта илмий ходим-изланувчилар ва мустақил изланувчиларга, шунинг-  
дек, илмий тадқиқот методологиясига қизиқувчи мутахассисларга мўлжалланган.

**ББК 72.4 (5 Ў)я 73**

*Биз дунёдаги тараққий топған давлат сафига кириши мақсад қилар эканмиз, аввалимбор, олимларимиз, уларнинг илми, обрўси оламда машҳур бўлиши, жаҳон илм-фанининг юксак мезонларига мос бўлиши даркор.*

**Ислом Каримов**

## СЎЗБОШИ

Илмий тадқиқот ўтказиш рационал ташкил этиладиган, ўзига хос методика ва методларга эга ижодий фаолиятдир. Унинг рационаллиги инсон ақлу идроки ва реал ҳаётин талабларни билан боғлиқлигига, методикаси ва методлари эса, илм-фанда қабул қилинган, ижодий фаолиятни самарали ўтказишга ёрдам берадиган усуллар ва механизмлардан фойдаланганидадир.

Илмий изланиш мураккаб, серқирра ва зиддиятли кечадиган жараёндир. Тадқиқотчи ички (сенситив-когнитив, маънавий, ақлий) ва ташқи (объектив олам, ижтимоий муносабатлар, социум) таъсирлари остида изланиш олиб боради, мазкур таъсирларни илмий мақсадга йўналтириш осон эмас. Илмий тадқиқот ўтказиш методикасини эгаллаган, илмий методлардан яхши хабардор ва уларни қўллай оладиган шахс кўзлаган мақсадига эришади, илм-фан соҳасида бирор эътиборли фикр айта олади.

Илмий тадқиқот ўтказиш методикасини яратиш борасида катта тажриба тўпланган, ҳар бир тадқиқот унига нимадир қўшган. Ушбу тажрибани тўплаш, унга яхлитлик, маълум бир шакл бериш эҳтиёжи мавжуддир. Мазкур ўқув-методик қўлланма ана шу эҳтиёж маҳсулидир.

Илмий тадқиқот ўтказишнинг асосий мақсади объект (предмет)-нинг реал ҳолатини идеал ҳолатга кўтариш ҳисобланади. Мазкур мақсадга етишнинг самарали йўлларини, механизмларини топиш ва жамиятга таклиф этиш олимнинг вазифасидир. Муаллифлар ёш тадқиқотчиларни ўз бурчини объектив бажаришга, бунинг учун эса илм-фанда шаклланган методларга таянган ҳолда ижодий креатив позицияда туришга даъват этадилар.

Мазкур қўлланма илмий тадқиқот соҳасидаги мавжуд тажрибларни, усулларини умумлаштириш орқали ёш тадқиқотчиларда илмий изланишлар олиб бориш кўникмаларини шакллантиришга ёрдам беради.

## **1-мавзу. Илмий тадқиқот мавзусини танлаш ва унинг долзарбилигини асослаш**

Илмий тадқиқот мавзусини танлашгача бўлган жараёнларни тадқиқотчининг «ўзини ўзи излаш», «ўзлигини топиш» даври деб аташ мумкин. Бу даврда тадқиқотчи ҳали бирор-бир мавзуни танлашдан, уни бирор муаммо билан боғлашдан узоқ бўлади. Тажриба кўрсатадики, илм соҳасига биринчи қадам ташлаганидаёқ мавзу топиб, уни бирор муаммо билан боғлай олган тадқиқотчи деярли учрамайди. Демак, мавзу танлашда илм соҳасидан, мавзуга оид изланишлар ва муаммолардан яхши хабардор мутахассиснинг ёрдами, маслаҳати зарур. Бундай мутахассис мавзу танлашга таъсир этувчи объектив омиллардан хабардор бўлгани учун ҳам «илмий раҳбар», «илмий маслаҳатчи», тадқиқотни рационал олиб боришни ўргатувчи «устоз» деб аталади.

Мавзуни танлашга ундовчи объектив омиллар қуидагилардан иборат:

- ижтимоий тараққиёт талаби;
- илмий-техник тараққиёт талаби;
- ижтимоий-сиёсий тузум эҳтиёжи;
- иқтисодий ривожланиш омили;
- маданий юксалиш эҳтиёжи.

Илм-фаннынг ижтимоий тараққиётга хизмат қилиши аксиомадир. Шунинг учун танланадиган мавзу ижтимоий тараққиёт мақсадлари ва вазифалари билан боғлиқ бўлиши зарур.

Ижтимоий тараққиёт деганда умуминсоний ривожланиш, умумбашарий қадриятларни асрар ва кўпайтириш, ижтимоий ҳаётни янада инсонийлаштириш, глобал муаммоларни ҳал этиш, инсоният эришган ютуқларни, позитив тажрибаларни янада кўпайтириш назарда тутилади. Мазкур мақсад ва вазифаларга хизмат қилиш орқалигина илм-фан, ўтказиладиган тадқиқот, танланадиган мавзу позитив аҳамият касб этади.

Ижтимоий тараққиётни бугун илмий-техник кашфиётларсиз, ихтиrolарсиз тасаввур этиб бўлмайди. Инсон меҳнатини енгиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, ижодий салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш имкониятини берувчи воситалар, механизмлар ва шарт-шароитлар яратиш илмий-техник тараққиётнинг бош вазифасидир. Бугун жон-жаҳд ва фидойилик билан меҳнат қилиш етарли эмас, меҳнатни, фаолиятни рационал ташкил этиш, самарадорлигини

ошириш йўлларини излаш муҳимдир. Жамиятга илмий ақлий қувватларига таяниб, меҳнатни, фаолиятни оқилона уюштиришга, ижтимоий эҳтиёжларни тўла қондиришга қаратилган усулларга, воситаларга таянадиган, ушбу усулларни ва воситаларни кашф этадиган шахслар керак. Шунинг учун ҳам тадқиқот мавзусини илмий-техник ривожланиш мақсадидан келиб чиқиб танлаш талаб этилади.

Илм-фан олдига ижтимоий-сиёсий тузум ҳам ўз талабини қўяди. Ижтимоий-сиёсий тузум ички институтларини ўз мақсадига мувофиқ фаолият олиб боришини истайди, акс ҳолда тузум билан институтлар ўртасида бегоналашув юзага келади. Аниқ стратегик мақсади ва ривожланиш дастурига, моделига эга ижтимоий-сиёсий тузум барча соҳаларни институтларни, шу жумладан илм-фанни ҳам ана шу стратегик мақсад ва ривожланиш дастурига, моделига хизмат қилишга йўналтиради. Ушбу объектив, ижтимоий талабга хизмат қилишга тайёр тадқиқотгина сиёсий тузум томонидан қўллаб-қувватланади.

Иқтисодий ривожланиш барча давларда, барча давлатларда илм-фан ривожланишига таъсир этувчи объектив омил бўлиб келган. Инсон ва жамиятнинг моддий эҳтиёжларини қондириш орқалигина илм-фан, илмий изланишлар ўзининг ижтимоий фойдали машғулот, фаолият эканини исботлаган. Демак, илмий тадқиқот мавзусини танлашда иқтисодий ривожланиш омили унутилмаслиги керак. Ҳатто соф илмий-назарий, диний-трансцендентал, априори мавжудлигини асослашга қаратилган изланишлар ҳам пировард натижада амалиёт, дунёни мукаммаллаштириш, инсоннинг руҳий оламини юксалишига оид ўзининг эмпирик тавсияларини беришини эсдан чиқариб бўлмайди.

Ижтимоий тараққиёт инсонни ўраб турган «сунъий олам», артефактлар, «маданият» деб аталувчи моддий ва маънавий бойликлар орқали идрок этилади, ўлчанади. Илм-фаннынг ўзи маданиятга оид соҳадир, шу боис маданий юксалишга хизмат қилиш унинг имманент хусусиятидир.

Танланадиган мавзуғайримаданий бўлмаслиги, яъни инсоният томонидан яратилган моддий ва маънавий бойликларнинг позитив ҳодиса эканлигини инкор қиласлиги, ҳатто шубҳа остига олиши мумкин эмас. Танланадиган мавзуғайримаданий позитив ҳодисалигини тасдиқлаши, моддий ва маънавий бойликларни янада кўпайтириш технологиясини ишлаб чиқиши, аниқ, илмий асосланган йўлларни кўрсатиши зарур.

Тадқиқот мавзусини танлашда объектив омилларни ҳисобга олиш қанчалик муҳим бўлмасин, улар субъектив омиллар борлигини инкор қилолмайди. Ижод, шу жумладан, илмий ижод ҳам тадқиқотчининг қизиқиши, майли, онги, билими, дунёқараши, эътиқоди, сенситив кечинмалари, рефлексив ва гносеологик тажрибаларининг маҳсулидир.

Тадқиқотчининг илмий қизиқишини ҳисобга олмасдан мавзу бериш ноўрин. Қизиқишига зид бўлган мавзу тадқиқотчини илмий янгилик, кашфиёт қилишга етакламайди. Ваҳоланки, илмий тадқиқотдан мақсад илм-фанга бирор янгилик олиб кириш, бетакрор ғоялар, фикр-хулосалар билан илмий меросни бойитишдир.

Тўғри, илмий қизиқиши ижтимоий эҳтиёжларга мувофиқ келмаслиги, ҳатто уларга зид келиши мумкин. Бундай тақдирда, тадқиқотчининг шахсий, илмий қизиқиши билан ижтимоий талабларни мувофиқлаштириш тавсия этилади. Бироқ, буни алоҳида эсда тутиш даркор, ижтимоий талаблар байроғи остида тадқиқотчининг қизиқишини унутиш унинг илм-фанга ҳақиқий содиқ мутахассис, мустақил, эркин фикрловчи олим сифатида шаклланишига ёрдам бермайди.

Билим ва илмий тафаккурга эга шахс тадқиқот мавзусини ўзи, мустақил танлаш имконига эга бўлади. Олий таълим тизими ана шундай билим ва илмий тафаккурнинг асосини шакллантиради. Аммо илмий изланишлар учун ушбу асос етарли эмас, тадқиқотчи мавзуга ва унинг муаммоларига оид маҳсус билим ва илмий тафаккурга эга бўлиши зарур. Ушбу билим ва тафаккурни у магистратура, катта илмий ходим-изланувчилар институтида ва илмий давралар, сухбатлар, конференцияларда қатнашиш орқали олади. Энг муҳими, тадқиқотчи танлаган мавзуси ва муаммоси борасида илмий изланишлар олиб борган, классик деб тан олинган йирик олимлар меросидан яхши хабардор бўлиши даркор. Ушбу меросни яхши билмай, ўзлаштирмай, илм-фанда бирор янги фикр айтиш қийин. «Сиз нисбийлик назариясидек буюк кашфиётга қандай эришдингиз?», – деган саволга буюк физик Алберт Эйнштейн: «Чунки мен буюклар елкасида ўтиргандим», – дея жавоб берган экан.

Мавзу танлашга таъсир этувчи субъектив омиллардан бири тадқиқотчининг маънавий-ахлоқий тажрибаси ва диний-трансцендентал қарашларидир.

Тадқиқотчининг мақсад ва вазифалари шахснинг маънавий-ахлоқий фазилатлари, ҳатто диний-трансцендентал қарашлари шаклланмайди. Мавзу танлашда шахс ўзининг маънавий-ахлоқий тажрибасини, диний-трансцендентал қарашларини ифода этади. Мавзу

шунчаки номланиш, ҳатто тадқиқот натижасигина эмас, у тадқиқотчининг маънавий-ахлоқий позицияси, диний-трансцендентал қарашларининг ифодаси ҳамdir. Шунинг учун мавзу танланаётганда, у маънавий-ахлоқий қадриятларга, диний-трансцендентал қарашларни рад этувчи йўналишга эга бўлмаслигини унутмаслик керак. Тўғри, тадқиқот мавзуси баъзан атеистик йўналишда бўлиши мумкин, илмий плюрализм бунга йўл қўяди. Аммо атеистик тадқиқот диний-трансцендентал қарашлар негизидаги позитив маънавий-ахлоқий тажрибалар ҳам ётишини инкор қилолмайди. Агар атеистик мавзу танланган бўлса, дин, трансцендентал қарашлар асосидаги инсон қалбини ва руҳини юксалтирувчи, унинг маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантирувчи императивларни асоссиз тарзда, нигилистча рад этиш ноўриндир.

Мавзунинг долзарблигини асослаш орқали тадқиқотчи муаммонинг давр, тараққиёт, илм-фан учун қанчалик муҳимлигини исботлайди. Мавзунинг долзарблигини юқоридаги объектив ва субъектив омиллар орқали асослаш мумкин. Мавзунинг ўрганилмаганлиги ёки кам ўрганилгани, муаммога оид зиддиятли ёндашувлир, концепциялар ёки паствулатлар илгари сурилаётгани, у ёки бу ҳодисанинг позитив натижаларига олиб келмаётгани, тараққиётга тўсиқ бўлаётгани, шахс ва жамият муносабатларида «бегоналашув» ҳолларининг пайдо бўлаётгани, хуқуқий нормаларни девиант хулқатворга самарали таъсир этолмаётгани долзарб мавзулар сифатида тадқиқ этилиши мумкин. Бироқ мавзу долзарблигини асослашда илмий изланишлардан келиб чиқарилган битта паствулатга таяниш даркор. У – тадқиқот объекти (предмети)нинг реал ҳолати билан идеал ҳолати ўртасидаги қарама-қаршиликлардан келиб чиқишидир. Масалан, объект (инсон) бугун, реал ҳолатида иккита – ўзбек ва рус тилларини билади. Лекин у идеал ҳолатида қирқта тилни билиши, ўрганиши ва уларда bemalol гаплашиши мумкин. Тадқиқот қандай сабаблар, омиллар инсоннинг идеал ҳолатга етишига тўсиқ бўлмоқда, нималар қилганда инсонни идеал ҳолатга етказиш, тарбиялаш мумкин, деган саволларга жавоб излаши даркор. Тадқиқот мавзусининг долзарблигини асослаётганда объект (предмет)нинг идеал ҳолатга кетишига ғов бўлаётган асосий сабаблар, омиллар кўрсатилиши зарур.

Тадқиқот объекти (предмети)нинг реал ҳолати билан идеал ҳолати ўртасидаги фундаментал муштараклик унинг (объект ёки предметнинг) макон ва замонда мавжудлигидир. Тадқиқот объекти

(предмети) изланишдан олдин ҳам макон ва замонда мавжуд эди, у изланишдан кейин ҳам макон ва замонда мавжуд бўлиши зарур. Лекин у реал ҳолатдан идеал ҳолатга ўтганида сифатан ўзгариши, яъни реал ҳолатида йўқ хислатлар, қарашлар, қўникмалар ва алоқаларни ўзида шакллантириши мумкин.

Реал ҳолат идеал ҳолатнинг антогонисти эмас, у идеал ҳолатнинг такомиллаштирилиши зарур бўлган кўринишидир. Идеал ҳолат ҳам реал ҳолатнинг антогонисти эмас, у реал ҳолатнинг такомиллаштирилган кўринишидир. Бироқ ижтимоий тараққиёт реал ҳолатни борича, мавжудлигича қолдиролмайди, уни такомиллаштирмай, ижтимоий тараққиёт амалга ошмайди. Ижтимоий тараққиётнинг имманент қонуни реал ҳолатдаги ғов, тўсиқ, консерватив қарашларни идеал ҳолатнинг зидди, ҳатто рақибига айлантириши мумкин. Шунинг учун ҳам жамият бир ижтимоий-тарихий босқичидан иккинчи, кўпинча илгариги босқичга зид, қарама-қарши босқичга ўтаётганида реал ҳолатдаги мавжуд тўсиқларни куч билан бартараф этади.

Кўпинча тадқиқотчилар мавзу долзарблигини асослашда констатация (тасдиқлаш) усулидан фойдаланадилар. Аслида муаммо мавжудлигини таъкидлаш ҳам констатация усулидир. Аммо, бизнинг фикримизча, мавзу долзарблигини асослашда нафақат констатация, шунингдек, зиддиятларни келтириш, реал ҳолатдаги тўсиқларни санаш, идеал ҳолатга етишишнинг ижтимоий зарурият эканини таъкидлаш усулидан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, ижтимоий ҳаётнинг социодинамик хусусияти мавзу долзарблигини реал ҳолатдан идеал ҳолатга бориш йўлларини излаш орқали асослашга ундейди. Констатация усули кўпинча барқарор, турғун нарсаларни, амалга оширилган ҳодисаларни қайд этиш билан чегараланади. Тадқиқот обьекти (предмети)нинг реал ҳолатидан идеал ҳолатига бориши эса ижтимоий тараққиётнинг социодинамик хусусиятига мувофиқдир, шунинг учун мавзу долзарблигини асослашга социодинамик ёндашиш даркор.

Мавзу танлаш ва унинг долзарблигини асослаш баъзан «соф илм» учун ҳам бўлиши мумкин. Илмий изланишларнинг барчаси ҳам эмпирик, прагматик, утилитар вазифаларни ҳал этишга қаратилавермайди. Ҳар бир илм соҳасида мавжуд эмпирик тажрибаларни, гносеологик изланишлар натижаларини жамлаш, умумлаштиришга зарурият мавжуддир. Бундай илмий изланиш фундаментал аҳамиятга эга бўлиб, у илм соҳасининг реал ҳолатини, у дуч келаётган назарий,

фалсафий, методологик муаммолар нималардан иборат эканини ва унинг ривожланиш йўлларини, идеал ҳолатга етиш босқичларини аниқлаб олишга ёрдам беради. Илм соҳасининг бундай хусусий муаммоларини ўрганиш тадқиқотчидан катта гносеологик тажриба ва илм-фаннинг фалсафий методологик муаммоларидан яхши хабардорликни талаб этади.

## **2-мавзу. Мавзу (муаммо)нинг ишланганлик (ўрганилганлик) даражасини аниқлаш**

Тадқиқот мавзусини танлаш мавзу (муаммо)нинг ишланганлик даражасини аниқлашдан бошланади. Мантиқан шундай. Аммо ушбу даражани энди илм соҳасига кириб келаётган, мавзу танлаётган, ҳатто ўз мавзуси бўйича у ёки бу мақолалар эълон қилган изланувчи ёритиб беролмайди. Бу ўринда тадқиқот якунланган, изланувчи маълум бир концептуал аҳамиятга эга пастулатлар ва хulosаларга келган бўлиши лозим. Бироқ диссертация авторефератида ушбу ишланганлик (ўрганилганлик) даражасини кўрсатиш талаб этилади. Демак, автореферат илмий тадқиқот натижаси бўлиши даркор.

«Мавзу (муаммо)нинг ишланганлик даражаси» тушунчасини қисқача таърифда ифодалаш мушкул. Бу илмий изланишларнинг плюралистик хусусияти билангина эмас, илмий ижоднинг имманент хусусиятлари билан боғлиқдир. Қисқа айтганда, «мавзу (муаммо)нинг ишланганлик даражаси» деганда, мавзуни тасдиқлашгacha бўлган даврда олиб борилган гносеологик ва эмпирик-илмий изланишлар, уларнинг мавзу (муаммо)нинг реал ёки идеал ҳолати ҳақидаги назарий, фалсафий-методологик ва прагматик пастулат (хulosal)ар, тавсиялар назарда тутилади.

Тадқиқотларда мавзу (муаммо)нинг ишланганлик даражасини аниқлашда маълум бир илмий мезонлар амал қиласди. Улар объективлик, тўлалик, кенг қамровлилик (комплекслик), замонавийлик, интенсивлик, мобиллик ва ишончлилик кабилардир. Ушбу «даражалар»дан маълум бўладики, ҳеч бир меъёр, ўлчов илмий изланишга «мутлақ ҳак» бўлолмайди, улар икки томонлама бирбирига мувофиқ, уйғун тарзда қаралиши даркор. Биринчиси, мавзунинг танлангани ва ўрганилгани позитив ҳодисадир. Мавзуни ўрганиш жараённида тадқиқотчи анъанавий ёндашувлардан қочиб, бошқача ёндашувга таянган ва ноанъанавий пастулатларга, хulosаларга келган бўлиши мумкин. Бу илмий изланишга салбий баҳо

беришга асос бўлолмайди. Иккинчиси, ижтимоий тараққиёт динамика, ҳаракатчан хусусиятга эга. Унинг ушбу имманент қонуни ҳеч бир меъёрни, ўлчовни мутлақ ҳақ сифатида қабул қилишга имкон бермайди. Ҳатто бугун тан олинган объективлик эртага ёки индинга нообъектив нарса сифатида қабул қилиниши мумкин. Демак, мавзу, муаммонинг ишланганлик даражасини аниқлаш баҳслидир.

Илмий тадқиқот маълум бир концепция, қараш ва мақсад билан ўзини чегаралashi даркор. Акс ҳолда, у чексиз-чегарасиз, охир-натижада янада чигал ва мураккаб муаммоларни келтириб чиқаради, улар ижтимоий тараққиётга ҳеч қандай фойда бермайдиган схоластик, такрор хуносалар билан якунланади.

Объективликни шу давр, шу ҳаёт, шу тузум, шу ижтимоий бирлик талабига мувофиқлик деб тушуниш ўринлидир. Объективлик ижтимоий борлиқдан айрича намоён бўладиган ҳолат эмас, у илмий ижоднинг ижтимоий тараққиёт талабларига мувофиқлигини ифодаловчи мезондир.

Тадқиқот концептуал моҳиятига ва илмий изланишлар кўламини илғашига нисбатан ҳеч қачон тўлиқ бўлолмайди. Ҳар қандай тадқиқотда ўрганилмаган ёки эътибордан четда қолган мавзу, масала, жиҳат бўлади. Бироқ ижтимоий-гуманитар соҳадаги изланишлар тўлаликка, барча муаммоларни илғаш ва кўрсатиб беришга интилиши билан тор, маҳсус (кимёвий, физиковий, биологик, математик ва бошқалар) изланишлардан кенгdir. Шунинг учун ҳам тўлаликка, кенг қамровликка, пастулат ва хуносаларида уларга интилиш ижтимоий-гуманитар соҳалардаги илмий изланишларни бошқа, маҳсус соҳалардаги илмий изланишлардан фарқлаб туради.

Тадқиқотнинг замон талаблари ва муаммолари билан боғлиқ бўлиши икки бир-бирига қарама-қарши ёндашувларни келтириб чиқариши мумкин. *Биринчиси*, барча муаммолар, мавзулар ҳам замон талабларига жавоб беришга қодир, мойил эмас. Масалан, Марказий Осиёда IX–XII асрларда рўй берган Уйғониш даври Ўзбекистоннинг ҳозирги миллий Уйғониш даврига оид муаммоларга тўла жавоб бера оладими? IX–XII асрлар тарихидан яхши хабардор мутахассис, тадқиқотчи, албатта, йўқ, деб жавоб беради. Чунки ижтимоий ҳаёт, ҳатто муқаддас ҳисобланган ақидалар ҳам трансформацияга учрашга (ўзгаришга) мойилдир. Агар илмий тадқиқотлар ижтимоий тараққиётга хизмат қилишни ўзининг туб мақсади сифатида қабул қилган экан, у ижтимоий ҳаётнинг социодинамик хусусиятига мувофиқ ўзгараётган давр, замон, жамият талабларига мос келиши шарт. Яъни

замонавийлик – илмий тадқиқотлар олдига қўйиладиган объектив талаб, ижтимоий заруриятдир.

Илмий тадқиқотлар тасодиф, кутилмаганда пайдо бўладиган фикрлар чиқариладиган хulosалар натижаси эмас. Улар интенсив, бир-бирига боғлиқ тарзда, изчил давом эттирилиши зарур. Буни илм аҳлининг истак ва хоҳишлири эмас, балки ижтимоий тараққиётнинг узлуксизлиги, давомийлиги талаб этади.

Интенсивлик (доимий ўз устида ишлаш, ўзидан қониқмаслик, ички салоҳиятни ишга солиш) тадқиқотларнинг бир-бирига боғлиқлигини, илмий изланишларни чуқурлаштириш йўлидан боришини тақозо этади. Умумий, ижтимоий-фалсафий хulosалар чиқариш қанчалик муҳим бўлмасин, XX–XXI асрлардаги илмий изланишлар шуни қўрсатадики, илм-фан энди интенсив изланишлар туфайли ривожланиши мумкин. Шунинг учун интенсив изланишга эътибор бермай, бирор янги фикрга, пастулатга келиш мушкулдир.

Интенсив ёндашиш:

- танланган соҳадаги ички муаммоларни;
- шу соҳага оид илмий, назарий-фалсафий ва интеграцион алоқаларни чуқур билишни тақозо этади.

Тадқиқотчи қуйидагиларни эсида тутиши зарур:

- назарий-фалсафий ёндашиш илмий изланишнинг ижтимоий аҳамиятини оширади;
- ҳар бир илм соҳасининг ўзига хос ижтимоий-фалсафий муаммоларини тараққиёт нуқтаи назаридан ўрганади;
- соҳа бўйича чуқур, интенсив изланишларни амалга оширмай, мавзуга оид ички муаммоларнинг имманент хусусиятлари ва перманент алоқаларини очиб беролмайди.

Интенсивлик (доимий ўз устида ишлаш, ўзидан қониқмаслик, ички салоҳиятни ишга солиш) соҳанинг талаби, инжиқлиги эмас, балки ўз соҳасига оид таълимотлар ва қарашлардан яхши хабардор бўлмаган «олим»дан бирор янги фикр, ғоя кутиш қийин.

Илм-фан мобил, ҳаракатчан бўлиши шарт. Гарб илмий тафаккуридан ўтган ушбу тамойил илмий изланишларни мобил, ҳаракатчан бўлишини талаб этади.

Илм-фаннынг мобиллиги, ҳаракатчанлиги илмий изланишларнинг жаҳонда рўй бераётган ўзгаришларга, илмий-техник янгиликларга мувофиқ келишини назарда тутади. Жаҳон ҳамжамияти интеграцияга интилаётган экан, илмий изланишлар ҳам ушбу интеграциядан туртки олади. Мобиллик ўзига хос тарзда ҳаракат-

чанлик эмас, умуминсоний илмий қадриятларни шакллантиришга қаратилгани боис, аҳамиятлидир.

Илмий тадқиқот ишончлилиги туфайли қимматлидир. Ишончлилик эса маҳсус синовга, кузатишларга, зиддиятларни кузатиш ва таҳлил қилишга асосланади. Синов, кузатув ва ақлий, рационал таҳлилга асосланмаган пастулат, хулоса ғайриҳаётӣ, диний-трансцензал хусусиятга эгадир.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси, энг аввало, муаммога объектив ёндашиш орқали аниқланади. Объектив ёндашиш қотган, стагнацияга мойил усуслар эмас, ҳар бир тараққиёт босқичи ўз мезонларига эга. Объектив ёндашиш – социодинамик ёндашувдир. Давр, тараққиёт, жамият манфаатларига мувофиқлик объектив ёндашишнинг белгиларидир.

Мавзунинг ўрганилганлик даражасини аниқлаш тадқиқот ишига:

- давр, жамият, социум талабларини акс эттиришида;
- объект (предмет)нинг ҳолати билан идеал ҳолати ўртасидаги зиддиятларни, қарама-қаршиликларни объектив очиб беришида;
- илмий-назарий мақсад ва фалсафий-методологик ғояни изчил ҳимоя қилиш ва объектив талабларни илмий асослашда;
- шахсий илмий қарашлар ва манфаатлар объектив талабларга зид бўлса-да, уларнинг реал ҳолат сифатида қарашида намоён бўлади.

Ишончлилик далилларга, ҳаётӣ мисолларга, реал шахслар берган хабарларга мувофиқлиkdir. Ушбу далиллар, мисоллар, хабарлар баъзан умумий ижтимоий тараққиёт талабларига зид келиши мумкин, бу ўринда тадқиқотчи фалсификацияга, «сохталашибтириш»га ён босади, айрим фактларни ижтимоий тараққиёт мезони сифатида талқин қиласди. Ижтимоий-сиёсий тузум ҳар доим ўзига маъқул мисоллар ва ғояларни қўллаб-қувватлаган, бу билан фалсификацияга йўл очиб берган. Ишончлилик эса, ушбу фалсификациянинг ғайриҳаётӣ, ғайриилмий эканини исботлашга қаратилгандир. Демак, илмий тадқиқот учун ижтимоий-сиёсий тузум талабларига бўйсуниш эмас, балки ижтимоий-тариҳий ривожланиши келтириб чиқарган объектив омилларга, факт ва далилларга, тажрибага асосланиш муҳимдир.

Мавзу (муаммо)нинг ўрганилганлик даражасини аниқлашда қуйидагиларга эътибор бериш зарур:

- мавзунинг нафақат ўтмишда ўрганилгани, шунингдек, унинг тарихий-маданий мерос сифатида, проектив хусусиятини;

- тадқиқот обьекти(предмети)нинг реал ҳолати билан идеал ҳолати ўртасидаги зиддиятлар, қарама-қаршиликларнинг очиб берилганини;
- мавзуга обьектив ва субъектив ёндашишлар татбиқ этилганини;
- тадқиқотчининг шахсий қизиқишлари билан ижтимоий тараққиёт талабларининг мувофиқлиги;
- ҳақиқат излашдек фидойиликнинг илм-фаннынг рационал талабларига жавоб беришини.

Бугун илм-фан соҳасидаги изланишлар интеграцияга қурилган, турли соҳалар орасида ўзаро яқинлашув, бир-бирини тўлдириш, интенсив ва экстенсив алоқаларнинг қучайиши кечмоқда. Шундай экан, ҳар қайси илм соҳаси бошқа соҳалардаги прогрессив, инновацион ёндашишлардан фойдаланиши мумкин. Ҳатто XX асрнинг иккинчи ярмигача назарий, метафизик таълимотлар сифатида ривожланиб келган фалсафа, айниқса, социология ва ижтимоий психология кейинги даврда математик моделлаштириш, герменевтика, математик логика усулларидан фойдаланмоқда. Демак, илмий тадқиқот илм соҳаларидаги, айниқса, турли мамлакатлардаги илмий изланишлардан хабардор бўлиши даркор. Илм соҳасидаги халқаро интеграция – тадқиқотнинг ишончлилигини оширади. Илм-фан ўзининг ижтимоий моҳиятига кўра интернационал (умуминсоний) ҳодисадир, бу эса тадқиқотни халқаро миқёсда эришилган илмий натижалар билан қиёслаб боришни тақозо этади.

### **3-мавзу. Тадқиқотнинг концепцияси, мақсади ва вазифаларини шакллантириш**

Тадқиқотнинг илмий-назарий концепцияси, мақсади ва вазифалари билан мавзуни танлаш ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Илмий концепция, мақсад ва вазифалар мавзуни белгилаб келганидек, мавзу, муаммо ҳам илмий тадқиқот концепцияси, мақсади ва вазифаларини аниқлаштириб боришни талаб этади.

Илмий-назарий концепция тадқиқотда асосланиши зарур бўлган илмий янгиликлар чиқариладиган пастулатлар, илгари суриладиган назарларнинг умумий-фалсафий ифодасидир, концепциянинг умумий-фалсафий хусусияти тадқиқотнинг фундаментал, аниқ ва бошқа илмий соҳалардаги изланишлардан фарқловчи белгисидир. Илмий концепция тадқиқотнинг қайси соҳага – фалсафа, педагогика, физика ёки кимёга тааллуқли эканини намоён этади. Илмий концепция

баъзан илм соҳаларининг уйғунлашуви, биргаликда келиши маҳсули ҳам бўлиши мумкин. Бундай концепция турли илм соҳалари ўртасидаги интеграциянинг чуқурлашувига хизмат қиласди.

Илмий-назарий концепция тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ва усуллари билан чамбарчас боғлиқ бўлса-да, у мазкур йўналишларга хос усулларни айнан такрорламайди. Концепция тадқиқотнинг умумий фалсафий ифодаси сифатида мақсад, вазифалар ва усуллардан кенгдир. Бу концепцияга хос хусусиятлар (талаблар): илмийлик, тадқиқот моҳиятига мувофиқлик, тушунарлилик, бетакрорлик кабиларда акс этади.

Илмийлик концепциянинг бош белгисидир. Илмийлик, ўз навбатида, мантиқийлик, далиллик, тажрибага асосланиш, қайта-қайта синовлар (экспериментлар)дан ўтказиш, ўзини ўзи танқид ёки ўзини ўзи тўлдириш, фалсификация каби усуллар орқали шаклланади. Илмийлик догманинг аксиdir, у ўзини ўзи рад, танқид этишдан тўхтамайди, шу туфайли плюрализмга йўл очиб беради. Концепциянинг мудом очиқлиги, баҳс, мунозара ва фалсификацияга мойиллиги илм соҳасини қизиқарли, мафтункор қиласди, аклу идрокни тинмай изланишларга ундейди.

Концепция тадқиқот моҳиятига зид келмаслиги керак, акс ҳолда у тадқиқотни, унинг натижаларини рад этишга олиб келади. Концепция илмий фараз, гипотеза эмас. Илмий фараз, гипотеза тадқиқот натижаларини тасдиқлашга хизмат қилмаслиги, ҳатто улар тадқиқот моҳиятига акс таъсир этиши мумкин. (аммо бу тадқиқот қимматини камайтиrmайди), аммо концепция тадқиқотнинг позитив аҳамиятини тасдиқлашга қаратилиши шарт. Тўғри, баъзан, айниқса, аниқ фанларда, концепция тадқиқотнинг моҳиятига, мақсад ва вазифаларига зид келиши мумкин. Аммо ижтимоий-гуманитар фанларда концепция тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ келади, ҳатто мақсад ва вазифаларнинг умумий фалсафий ифодаси концепция сифатида қаралади.

Концепция илмий тадқиқотнинг ўзи каби тушунарли, натижаларни амалиётга татбиқ этиш мумкин бўлиши лозим. Тушунарлилик ўта соддалик, етарли асосга эга бўлмаган қараш, фикр эмас, у соғлом фикрловчи, илмий тасаввурларга эга ҳар бир шахснинг ақлий қувватларига мувофиқ келадиган тасвир, ифода, баёндир. Шундай белгиларга эга бўлмаган изланиш илмга зид схоластика (сафсата) ёки агностицизмга (билишни инкор) мойил бўлади.

Концепция бетакрор, инновацион ғояларнинг ифодаси бўлиши зарур. Санохонлик, компиляциялар тўкиш ва авторнияга таянадиган концепциялар илм-фанга деярли ҳеч қандай янги ғоя, назар, пастулат олиб кирмайди, мавжуд муаммоларни ҳал этишга хизмат қилмайди. Бетакрор ғояларни, қарашларни илгари суриш тадқиқотлар олдига қўйиладиган бош талаблардан биридир.

Концепция догма эмас. Илмий изланишлар жараённида у янада аниқлаштирилиши, тўлдирилиши ёки бошқача ифодаланиши мумкин. Гоҳо илмий изланиш жараёнлари концепцияни шакллантириши мумкин. Шунинг учун концепция билан илмий изланиш жараёнлари диалектик боғлиқдир.

Тадқиқот натижалари баъзан концепциянинг тўғрилигини тасдиқламаслиги мумкин. Бу ўринда концепциянинг нотўғри, ғайриҳаётый белгиланганига ёки тадқиқот объективининг ҳолатидаги ўзгаришлар етарлича ҳисобга олинмаганлигига дуч келамиз. Шунинг учун илмий концепцияни белгилаётганда тадқиқот обьекти (предмети)нинг социодинамик хусусиятини ҳисобга олиш лозим.

Тадқиқотнинг мақсади назарий, амалий ва гносеологик тажрибаларни таҳлил қилиш, умумлаштиришдан иборат бўлиши мумкин. Назарий мақсад у ёки бу ғояни, назарни асослашга, исботлашга қаратилади. Назарий мақсадсиз илмий тадқиқот йўқ, ҳар қандай изланишнинг натижалари пастулат, хулоса тарзидаги назарияларга айланади.

Баъзан тадқиқотларда назарий мақсад концепция билан айнанлаштирилади. Тўғри, концепция билан мақсад бир-бирига яқин, улар бир-бирига хизмат қиласи. Лекин концепция тадқиқотнинг умумий фалсафий ифодаси, мақсад эса мудом аниқ, у тадқиқотчининг «қаерга» бораётганини, қандай муаммоларга эътиборини қаратиши зарурлигини кўрсатиб туради. Ушбу талаб бузилган заҳоти, тадқиқот моҳият мантиғига путур етади, эклектика ёндашув пайдо бўлади. Тадқиқотдаги схоластика (сафсата), тавтолология (эзмалик) шундандир.

Назарий мақсадни мутлақлаштирумаслик керак. Ҳа, илм соҳаларининг фалсафий-методологик масалалари назарий мақсад сифатида қўйилади, аммо бутун соҳа, шу соҳада изланишлар олиб бораётгандарнинг барчаси фақат назарий мақсадни тадқиқ этиш билан шуғулланавермайди. Ҳар қандай назарий мақсаднинг амалий, прагматик томони мавжуддир. «Қуруқ гапдир ҳар қандай ғоя, мангу тирик ҳаёт дарахти» (Гёте). Демак, назарий мақсадни амалий мақсадга йўналтириш «ҳаёт дарахти» талабидир.

Амалий мақсад ижтимоий ҳаётни такомиллаштиришга, қундалик ҳаётда дуч келинаётган муаммоларни ҳал этишнинг илмий асосланган, рационал, самарали йўлларини топишга қаратилади. Амалий мақсад объект (предмет)ни кузатиш, у дуч келаётган муаммоларни, ушбу муаммоларни ҳал этишда қатнашадиган акторларни (иштирокчиларни), институтларни аниқлаш, зарур бўлганида, эксперимент ўтказиш орқали маълум бир назарий моделлар яратиш каби жараёнларни ўз ичига олади.

Амалий мақсад ҳам назария тарзида ифодаланади ва эришилган мақсад ҳам назарий хуносалардан иборатдир. Демак, соф «амалий мақсад» йўқ, назарий асоси туфайли ҳар қандай илмий тадқиқот қимматлидир.

Тадқиқотда кўзланган назарий ёки амалий мақсад гипотетик хусусиятга эга. Илмий изланиш жараённида гоҳ унга етиш мумкин, гоҳо эса у бошқа муаммоларни келтириб чиқариши туфайли орқага сурилиши, ҳатто ўрганилмай қолиши мумкин. Мақсадга етиш жараённида шаклланган тавсияларни ижтимоий ҳаётга жорий этиш жамият, давлат, буюртмачилар ихтиёридадир.

Гносеологик тажрибаларни ўрганиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш ҳам илмий тадқиқот мақсади бўлиши мумкин. Кўпинча, тарихий-фалсафий, этнографик изланишларда шундай мақсад етакчилик қиласди.

Тадқиқотнинг мақсади яхлит, аниқ бўлиши зарур. Битта тадқиқотда юқоридаги учта мақсад ҳам қатнашиши мумкин, лекин улардан бири қолган мақсадларни ўз атрофида бирлаштириши, уларни ўзига хизмат қилдириши лозим.

Мақсадни шакллантирувчи буюртмачи жамият ва ижтимоий тараққиёт манфаатларидир. Ҳатто мақсад «соф илм» учун бўлганида ҳам, жамият ва ижтимоий тараққиёт манфаатларига зид келиши мумкин эмас. Тўғри, баъзи ижодкорлар жамият ва ижтимоий тараққиёт манфаатларига зид ғояларни илгари сурадилар. Масалан, Фр. Ницше Европа маданияти, фани ва ахлоқини менсимасдан, рад этиб, мутлақ янги қадриятлар яратмоқчи бўлган, фаранг ёзувчиси де Сад эса, ғайриахлоқий, ғайриижтимоий асарлар ёзиб, садизмни тарғиб этган. Бундай бадиий-фалсафий асарларнинг ёзилмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Аммо биз маҳсус ташкил этиладиган, рационал мақсадларга қурилган, ижтимоий тараққиёт манфаатларига хизмат қиласдиган илмий фаолият, тадқиқот ҳақида сўз юритмоқдамиз.

Одатда тадқиқот мақсади ва вазифалари уйғунликда, яхлит қаралади. Вазифаларни мақсаддан келтириб чиқариш аńянага айланган.

Мақсад битта, иккита – ёки учта – саноқли бўлади, вазифалар эса ушбу мақсадга етишга қаратилади, уларнинг сони кўпроқдир. Вазифаларнинг сони параграфлар сонига мувофиқ келгани маъқул. Ҳар қайси параграфда тадқиқ этилаётган муаммо, мавзу бир вазифа сифатида қаралиши мумкин. Аммо баъзи ҳолларда битта параграф икки, уч муаммо, мавзу ҳам муҳокама қилиниши, ўрганилиши учрайди. Бу ҳолда қайси муаммони, мавзуни вазифалар қаторига киритиши тадқиқотчининг ўзи ҳал этади.

Вазифаларни жуда майдалаштириб, сонсиз-саноқсиз қилиб юбор-маслик керак. Ҳар бир вазифа аввалги ва ўзидан кейинги вазифалар билан узвий боғланиб келиши мақсадга хизмат қилиши даркор.

Тадқиқотнинг яхлитлиги қисмлари (боблар, параграфлар, хулоса ва концептуал ғоялар) ўртасидаги узвий боғлиқлик мақсад ва вазифаларнинг уйғунлиги орқали таъминланади.

Мақсад ва вазифаларни аниқ белгилаб олиш тадқиқотни рационал, режали олиб боришнинг кафолатидир. Аммо мақсад ва вазифалар илмий изланишлар жараёнида қайта кўриб чиқилиши, аниқлаштирилиши, тўлдирилиши, ҳатто ўзгартирилиши мумкин. Мақсад ва вазифаларни шакллантириш, аниқлаштириш тадқиқотга сўнгги нуқта қўйгунча давом этади.

Концепция, мақсад ва вазифаларнинг уйғунлиги улар ўртасида маълум бир зиддиятлар сақланиб қолишини рад қилмайди. Бу зиддиятлар уларнинг илмий моҳиятида эмас (моҳиятдаги зиддият тадқиқот яхлитлигига заарар етказади, рационаллик ўрнини эклектика, долзарблиқ ўрнини саёзлик эгаллайди), балки тадқиқот ўтказиш усуllibаридир.

Концепция учун хаёл, тасаввур, универсал тушунчаларни қўллаш илмий билиш усулидир. У тадқиқот мағзининг умумфалсафий ифодаси сифатида аниқ мақсад ва вазифалардан кенгдир. Унинг ушбу кенглигини мақсад ва вазифалар мудом ўзларига бўйсундиришга интилади. Концепциянинг ўз «мени» бор, у ўз ҳукмини мақсад ва вазифаларга ўтказиш пайида бўлади. Улар ўртасида ушбу зиддиятни тадқиқотчи мақсадни концепция тарзида баён қилиш, шакллантириш орқали ҳал этмоқчи бўлади. Аксарият тадқиқотларда шундай қилинади ҳам, бунга эксперталар эътибор бермайдилар. Аслида эса концепция, мақсад ва вазифалар ўртасида фарқлар мавжуддир. Концепцияни

тўғри шакллантира олмаслик тадқиқотнинг фалсафий-методологик моҳиятини билмаслик ёки уни асосли тарзда ифодалай олмаслик, мақсад ва вазифаларни мавҳумлаштириш, чалкаштириш эса тадқиқотга қўйилаётган талабни билмаслик ёки уларни (мақсад ва вазифаларни) илмий асослай олмаслик белгисидир.

Концепцияда мақсад ва илмий янгиликлар умумий фалсафий ғоя, гипотеза (фараз) сифатида келтирилгани маъқул. Концепция, бизнинг фикримизча, тадқиқотнинг методологик асослари қисмида берилиши керак. Ана шунда концепциянинг фалсафий-методологик аҳамияти тўғри тушунилади.

Концепция мақсад ва илмий янгиликларнинг умумий фалсафий ифодаси сифатида тадқиқот ўтказиш режалаштирилаётганда шакллантирилади, аммо у изланишлар яқунлангач, аниқлаштирилиши мумкин. Чиқариладиган хulosалар концепцияга таъсир этмай қолмайди, демак, концепция ўзгармас мутлақ (догма) эмас. Умуман олганда, илмий изланишларда фақат битта догма мавжуд, у – объект (предмет)нинг реал ҳолати билан идеал ҳолати ўртасидаги муаммоларни излашдир. Қолган барча жараёнлар – мақсад ва вазифалар, тадқиқот усуллари, гипотеза ва хulosалар, мавзу ва унинг долзарбилигини асослаш ўзгариши, аниқлаштирилиши ва ўзgartирилиши мумкин. Чунки «инсон билимларининг барчаси ноаниқ, нисбий, ўзгарувчандир» (Р.Рассел).

#### **4-мавзу. Илмий тадқиқотнинг обьекти ва предметини белгилаш**

Тадқиқотнинг обьектини аниқлаш концепция, мақсад ва вазифалардан олдин келади, у муаммони келтириб чикаради. Объектни аниқламай тадқиқот ўтказиш ҳақида қарорга келиб бўлмайди.

Объект нима? Унинг хусусият ва белгилари нималардан иборат? Ушбу саволларга аниқ жавоб топмай туриб, нимани ўрганиш ҳақида бирор хulosага келиб бўлмайди. Демак, илмий тадқиқот обьектни аниқлашдан бошланади.

Инсон ҳаёти ва ижтимоий тараққиётга оид ҳар қандай масала, муаммо, борлик тадқиқот обьекти бўлиши мумкин. Нима илмий изланишни қизиқтирса, нима ижтимоий тараққиёт нуқтаи назаридан такомиллаштиришга муҳтож бўлса, нима илмий-назарий муаммо сифатида ўрганишни тақозо этса, ўша тадқиқот обьектидир.

Тадқиқот обьекти реал воқелик, кишилар, жамият ҳаётидаги ҳодисаларнинг аниқ кўринишлари бўлиши шарт эмас, гоҳо трансцендентал, когнитив, субъектив тушунчалар билан боғлиқ ҳодисалар ҳам тадқиқот обьекти бўла олади. Тажриба қўрсатадики, гоҳо ушбу обьектлар рационал изланишларни моҳиятган бойитади, ақл-идрокни ягона, мутлақ ҳақ мезонлар сифатида қарашнинг ғайриҳаётнийлигини кўрсатади.

Тадқиқот обьектининг хусусиятлари ва белгилари қўйидагиларда акс этади:

- обьект ижтимоий тараққиёт манфаатларига хизмат қилиши;
- рационал бошқариш ва ташкил этиш хусусиятларига эга бўлиши;
- илмий тадқиқот ўтказиш талаблари ва технологиясига мувофиқ келиши;
- ижтимоий ҳаётнинг социодинамик хусусиятига зид келмаслиги;
- ўзини ўзи танқид қилиш орқали ривожланиш, ўзгаришга очик бўлиши даркор.

Тадқиқотчи дуч келган нарсани обьект қилиб олавермайди, у (обьект) ижтимоий тараққиёт манфаатларини ифода этиши, функционал нуқтаи назардан ижтимоий тараққиётга хизмат қилиши лозим. Аввал бошда асоциал хусусиятга эга обьект тадқиқот натижасида ёки рационал бошқариш, таъсир остида позитив ижтимоий хусусият касб этиши зарур. Демак, обьектнинг позитив ёки негатив хусусиятлари баб-баробар тадқиқот обьекти бўла олади. Шунинг учун обьект позитив (социал) ёки негатив (асоциал) белгиларига қараб эмас, балки унинг ижтимоий тараққиёт манфаатларига хизмат қилиш имкониятларини ошириш, кўпайтириш нуқтаи назаридан, мақсадидан келиб чиқиб танланади.

Обьект рационал бошқариш ва ташкил этиш хусусиятларига эга бўлиши зарур. Тўғри, гоҳо тадқиқот обьекти (масалан, психотерапевтик йўналишдаги изланишлар обьектлари) ушбу талабга жавоб бермайди, уни жамиятнинг онгли аъзосига айлантириш, хулқатворини шакллантириш, бошқариш имкони йўқ. Аммо бу мазкур обьектни ўрганиш, тадқиқ этиш мумкин эмас, деган фикрга олиб келмайди. Бу мисолда тадқиқотчи обьектининг реал ҳолатини ўрганишга асосий эътиборини қаратса туриб, гипотетик тарзда ундаги негатив хусусиятларни, белгиларни камайтириш ёки уларни позитив томонга (идеал ҳолати) ўзгарттириш йўлларини излайди. Ҳукуқшунослик ҳам шахс (обьект)даги девиант хулқ-атворни ўргана туриб, уни

позитив томонга ўзгартериш технологиясини ишлаб чықади, яъни шахс (объект)нинг идеал ҳолати (модели)ни яратади. Объект реал ҳолатида рационал бошқариш ва ташкил этиш хусусиятига эга бўлмаслиги (бундай ҳоллар қўпинча истиснодир) мумкин, аммо тадқиқотчи уни идеал ҳолатга етаклаётганда рационал бошқариш ва ташкил этиш механизмларини, усулларини яратиши шарт.

Тадқиқот обьекти илмий изланишлар ўтказиш талаблари ва технологиясига мувофиқ келиши зарур. Яъни шундай обьект тадқиқот обьекти қилиб танланиши керакки, у тадқиқотчига яқин, таниш, унинг мақсадига мувофиқ, илмий изланишга қарши, тўсиқ бўлмайдиган, имкониятлари кўламида тадқиқотчи билан ҳамкорлик қилмоғи зарур. Масалан, тарихий-жуғрофий ёки математик таҳлил муаммолари билан қизиқувчи тадқиқотчи кутилмагандан девинант хулқатворни тузатиш ёки нейрохирургия соҳасида тадқиқот ўтказишга жазм қиласа, таажжубли ҳолдир. Тўғри, Марс сайёраси ҳақида илмий изланишлар олиб бориш учун Марсда яшаш шарт эмас. Аммо ижтимоий-гуманитар соҳада тадқиқот обьектига бевосита яқинлик талаб этилади. Тўғри, шу пайтгача идеал жамият, идеал давлат бўлмаган, аммо кишилар улар ҳақида фикрлашдан, асарлар ёзишдан тўхтамаганлар. Бу ўринда тадқиқотчининг обьектга яқинлиги унинг жамият билан муносабатлари, давлат билан алоқаларидадир.

Тадқиқот обьекти ижтимоий ҳаётнинг социодинамик хусусиятини, ҳатто энг кам фоизда бўлса-да, ўзида акс эттириши даркор. Ўзгаришга, ривожланишга мойил бўлмаган обьектни танлаш, у қанчалик фидойилик ва олижаноб иш бўлмасин, кутилган муддатда кутилган натижа беравермайди. Кўп ҳолларда у ҳеч қандай натижа бермайди. Шунинг учун ўзининг вақти ва имкониятларига мувофиқ келадиган обьектни танлаш мақсадга мувофиқдир. Тўғри, баъзи муаммолар тадқиқотчининг бутун умрини талаб этади, у бор кучи ва имкониятларини уларни ўрганишга сарфлайди. Бундай тадқиқотчи ҳавас уйғотади, аммо ҳозир гап муддати чегараланган изланишлар, тадқиқотчилар тўғрисида кетмоқда.

Ижтимоий-гуманитар соҳадаги изланишларда қўпинча инсон ва унинг фаолияти тадқиқот обьекти бўлади. Мазкур тадқиқотлар инсон ҳаёти ва фаолиятини янада юксалтириш (идеал ҳолат)га қаратилади. Инсон ҳаёти ва фаолияти реал ҳолатда қололмайди, илм, тафаккур уларнинг янада самарали кечиши ҳақида қайғуради. Ҳатто тадқиқотчи ғор ичидаги ёки денгиз тубидаги жониворлар ҳаётини ўрганганида ҳам инсон ақлу идрокининг нималарга қодирлигини намоён этади.

Бугун инсон ҳаёти ва фаолияти муаммолари билан 200 дан зиёд илм соҳалари шуғулланади, баъзи давлатларда эса маҳсус «Инсон институт»лари мавжуд. Шундай бўлса-да инсон ҳаёти ва фаолияти-нинг идеал ҳолатини, моделини яратиш яқунланмаган.

Ижтимоий муносабатлар ва жамият энг мураккаб, шу билан бирга қизиқарли обьектлар сирасига киради. Илм-фаннынг қиммати ҳам ушбу обьектнинг реал ва идеал ҳолатларини ўрганиши билан белгиланади.

«Ижтимоий муносабатлар» ва «жамият» фалсафа ва социологияга оид тушунчалардир. Шунинг учун уни кенг маънода ва кўламда фалсафий-социологик тадқиқотлар, қолган илм соҳалари эса унинг айрим, тор, аниқ йўналишларини ўрганиди.

Давлат ва ҳуқуқ тадқиқот обьектлари сифатида қаралганида, энг аввало, уларнинг тарихий ҳодисалар эканидан келиб чиқиш зарур. Негатив муносабатлар, давлат ва ҳуқуқни обьектив ўрганишга ёрдам бермайди.

Давлат ва ҳуқуқнинг социодинамик хусусияти уларнинг реал ҳолатига танқидий ёндашишга ундейди. Тўғри, идеал ҳолатга етган давлат ва ҳуқуқ йўқ, шунинг учун ҳам уларга мудом идеал ҳолат нуқтаи назардан ёндашиш талаб этилади.

Давлат ва ҳуқуқнинг реал ҳолати билангина чекланиш уларга компиляциялар (шарҳлар) тўқишига олиб келади, бундай ёндашиш обьектлар ҳолатини ҳам, улар дуч келаётган муаммоларни ҳам тўғри очиб беришга, таҳлил қилишга ёрдам бермайди.

Сиёсий партиялар ва фуқаролик институтларини ўрганиш уларнинг функционал хусусиятларини, ижтимоий борлик, социумдаги ўрнини ёритишига, очиб беришга қаратилгандир. Уларнинг бош функцияси ижтимоий муносабатлар акторларини (иштирокчиларини) жамият ва давлат ишларини бошқаришга жалб этишdir. Ушбу функциянинг реал ҳолатини обьектив баҳолаш қанчалик мураккаб ва зиддиятли бўлмасин, уни идеал ҳолатга кўтариш муаммоларини ўрганишдан тўхтамаслик керак. Шуни эсда тутиш керакки, обьектлар ҳеч қачон ўзига ўзи мадҳ тўқишидан тўхтамайди, ютуқларини мудом ошириб кўрсатишга мойил. Фақат обьектив таҳлил уларни ўз фаолиятига танқидий ёндашишга ўргатади. Шунинг учун уларни ижтимоий ҳаётдаги зиддиятлар ва социодинамик ўзгаришлар доирасида, улар билан узвий боғлиқликда тадқиқ этиш лозим.

Бугун халқаро алоқаларнинг акторлари бутун жамият ва фуқаролардир. Инсониятнинг умумсайёра миқёсда интеграция-

лашуви, халқаро алоқаларнинг экстентив кенгаяётгани тадқиқотчидан узоқ йиллар изчил изланишлар олиб боришни талаб этади. Буни учтўрт йил ичида амалга ошириш қийин, шунинг учун бундай тадқиқотга халқаро алоқаларда бевосита иштирок этган, бу соҳада амалий тажрибага эга мутахассисни жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир соҳаси, илмий изланишларга мавзу берадиган ҳар бир қирраси тадқиқот обьекти қилиб олиниши мумкин. Иқтисод, маданият, маънавият мудом қизиқиши уйғотиб, тадқиқотчилар диққатини жалб этиб келган. Тўғри, барча даврларда ҳам улар teng даражада қизиқиши уйғотавермаган, гоҳ иқтисодий, гоҳ маданий, баъзан эса маънавий муаммоларни ўрганиш етакчилик қилган. Агар жамият ва давлат илм-фанга ижтимоий тараққиётнинг шарти сифатида қараса, барча соҳаларда тадқиқотлар олиб борилишини қўллаб-қувватлаши даркор.

Тадқиқот обьекти ва предмети ҳар доим узвий қаралган. Объект кенг, предмет – унинг бир томони, хислати, белгиси. Масалан, жамият обьект бўлса, ундаги ижтимоий, иқтисодий, халқаро, этно-социал муносабатлар предмети, агар ижтимоий муносабатлар обьект қилиб олинса, жамият ва давлат, шахс ва социум, сиёсий партиялар ва давлат ўртасидаги муносабатлар унинг предметидир.

Объект ва предмет ўртасидаги фарқлар уларнинг фақат кенг ва тор йўналишлари билангина ифодаланмайди. Объект бугунга интилади, бутун (яхлитлик, бирлик, умумлик)нинг талабларига итоат этиш, бўйсуниш предмет (қисм, бўлак, тор йўналиш)нинг вазифасидир, акс ҳолда улар ўртасида узвий алоқа шаклланмайди.

Объект ва предмет ўртасида функционал фарқлар мавжуд. Масалан, обьект кенг ижтимоий, умумий-фалсафий ёндашишга мойил, уни ушбу хусусиятдан маҳрум қилиш предметга хос тор, хусусий белгиларни унга ёпиширишдир. Предмет тор, хусусий белгиларига эга обьектдир, у, функционал вазифасига кўра, обьектнинг бир томонини, тор жиҳатлари ва масалаларини ифода этади. Объект қанчалик кенг бўлса, предмет ҳам шунчалик кенг, обьект қанчалик тор, аниқ бўлса, предмет ундан ҳам тор, аниқ бўлади. Шунуктаи назардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, обьект ва предмет алоҳида-алоҳида мавжуд бўлолмайди, обьектни билмаслик предметни чалкаштиришга, предметни билмаслик тадқиқот обьектини сохталаштиришга олиб келади.

Илмий изланишларнинг маълум бир босқичлари ёки жараёнларида обьект ва предмет ўртасида зиддиятлар пайдо бўлиши

мумкин. Масалан, жамият тадқиқот обьекти қилиб олинганида давлат ва ҳуқук унинг предмети бўйолмайди, чунки улар тенг ҳаракат қилувчи институтлардир. Бу ўринда уларни узвий бирлиқда, диалектик алоқада қарап зарур бўлади. Агар жамият ушбу сиёсий-ҳуқуқий институтларсиз ёки уларга зид келувчи обьект сифатида қаралса, тадқиқотнинг моҳиятида, концепциясида қарама-қаршилик юзага келади. Объект билан предмет ўртасидаги бу зиддият охир натижада тадқиқотнинг қимматига акс таъсир этади. Шунинг учун тадқиқот обьекти билан предмети ўртасида уйғунлик топиш, уларни концепция ва мақсадга мувофиқлаштириш йўлини танлаш тавсия этилади.

Тадқиқот обьекти ва предмети илмий изланиш бошида ёк аниқлаштирилиши керак, аммо уларнинг имманент белгилари, парманент таъсирлар остида функционал вазифаларидағи ўзгаришлар, трансформация илмий изланиш жараёнининг охирги босқичигача давом этиши мумкин.

Тадқиқотнинг концепцияси, мақсади ва вазифалари обьект ва предметга нисбатан бирламчидир. Тўғри, баъзан тадқиқот обьекти ва предметини аниқлаш бирламчи вазифани бажаради. Бироқ бутун тадқиқот жараёнида улар илмий концепция, илмий мақсад ва вазифаларга мувофиқ ўрганилади, улар талабларига бўйсунади. Бу тадқиқот обьекти илмий концепцияга, мақсад ва вазифаларга мутлақ бўйсуниши зарур, деган хулоса чиқаришга олиб келмаслиги лозим. Объектни обьектив тадқиқ қилиш концепция, мақсад ва вазифаларнинг шаклланишига таъсир этишига кўп мисоллар келтириш мумкин. Илмий қизиқишлиар обьектни эмас, балки, обьект илмий қизиқишлиар доирасини белгилайди. Объект тадқиқотчининг эмас, балки тадқиқотчи обьектнинг хизматкори, «чўриси»дир. Агар тадқиқотчи обьект (предмет)нинг бирламчи эканини тан олмаса, ўзининг назарий концепциясини унга тиқиширишга, обьектнинг назарий концепцияга мос жиҳатларини ўрганишга ҳаракат қиласди. Бу обьектив ёндашиш эмас, у обьектнинг имманент хусусиятлари ва перманент алоқаларини сунъий тарзда чегаралаш, сохталаштириш, аввал тайёрланган фикр, модел, назарияга обьектни бўйсундиришdir.

Демак, обьект (предмет)ни белгилашда икки йўл мавжуд: 1) обьект (предмет)ни илмий концепция, мақсад ва вазифалар нуқтаи назаридан ўрганиш; 2) обьект (предмет)нинг реал ҳолатини борича, барча позитив ва негатив томонлари билан бирга ўрганишdir.

## **5-мавзу. Илмий тадқиқот методлари. Анализ ва синтез**

Илмий изланишларда кўп кўлланиладиган методлардан бири анализ ва синтездир. Ҳозирги замон фанларида, илмий-назарий изланишларда объект (предмет)ни анализ ва синтез қилиш анъанага айланган.

Анализни қисм, бўлак ва йўналишлар таҳлилидир. Объект (предмет)ни маълум бир қисм, бўлак ва йўналишларга ажратиш уларнинг бутун, система (тизим), яхлит билан боғлиқликларини аниқлашга ёрдам беради. Шундай объект (предмет)лар борки, ички қисмларга ажратмай уларни англаш, билиш мушкул. Масалан, жамиятни олайлик. Жамиятнинг қандай сифатларга, имманент белгиларга эга эканини билиш учун уни сиёсий, иқтисодий, маданий каби соҳаларга ажратишга (классификация ва дифференциация) тўғри келади. Ушбу соҳаларнинг имманент хусусиятлари ва перманент алоқаларини таҳлил қилгач, жамият ҳақида фикр юритиш мумкин.

Анализ объект (предмет) қисмларини классификация ёки дифференциация қилиш билангина шуғулланмайди, унинг мақсади бутунга хос бўлган хусусиятлар, белгилар, қонунларни топишdir. Шу нуқтаи назардан унга синтезнинг дастлабки босқичи, синтезга ўтишнинг шарти сифатида қарашади.

Анализ илмий мақсадга мувофиқ амалга оширилсагина объект (предмет)нинг номаълум хусусиятлари, белгилари ва қонуниятларини топишга ёрдам беради. Илмий мақсад эса объект (предмет)ни тўлалигича ўрганиш, унинг идеал ҳолатга кўтарилиши учун яширин имкониятларини аниқлашdir. Илмий мақсад учун объект (предмет)-нинг реал ҳолатини ўрганиш етарли эмас, ҳатто бу борада бетакрор назарий кашфиётлар қилинса ҳам идеал ҳолат томон бориш йўлларини, имкониятларини излаш зарур. Анализнинг мақсади қисмларни бутун орқали идеал ҳолатга этиш имкониятларини излашdir. Факат шу тарзда анализ илмий мақсадга хизмат қилиши мумкин.

Илмий мақсад методларга ғоя, установка (кўрсатма) бермайди, у методларга йўналиш беради, холос. Агар илмий мақсад ғоя, установка берса, у олдиндан шаклланган ғоя, установка, яъни шаблон доирасида изланади, холос. Ваҳоланки, объект (предмет) ҳар қандай ғоя, установкадан кенгdir. Анализ олдиндан шаклланган ғоя, установкага эмас, балки объект (предмет)ни объектив тадқиқ этишга хизмат қиласди.

Анализ методи классификация ва дифференциация усулларига таянади. Бу ўринда классификация ва дифференциация анализ методининг воситалари сифатида келади.

Классификация бутуннинг ичидаги имманент белгилари ёки перманент алоқалари бир-бирига муштарак, яқин қисмларни, бўлакларни синфларга, гуруҳларга ажратиш усулидир. Масалан, ҳуқуқни бутун, система (тизим) деб олсан, у конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, молия ҳуқуқи, халқаро ҳуқуқ кабиларга классификация қилиниб, ушбу ҳуқуқларнинг ҳар бири ўз навбатида, функционал хусусиятларига мувофиқ йўналишларга ажратилади. Конституциявий ҳуқуқ давлатни шакллантириш ва бошқариш принциплари, вазирликлар фаолиятини ташкил этиш, ижро ҳокимиятининг ваколатлари, парламент ҳуқуқи каби йўналишларга ажратилиб ўрганилиши мумкин. Маъмурий ҳуқуқ давлат органлари фаолият юритишини, маъмурий бошқариш принципларини, давлат органлари билан нодавлат ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни, маъмурий жавобгарликни ўрганиш каби йўналишларга ажратилиши мумкин.

Классификация объект (предмет) қисмларини, бўлакларини иириклиштириш, яъни бир-бирига функционал яқинларини бирлаштириш орқали ўрганишга ёрдам беради. Классификациялашган объект (предмет) пастдаги йўналишлар билан юқоридаги бутун ўртасида турадиган объект (предмет)дир. Унда бутуннинг ҳам, йўналишларнинг ҳам хусусиятлари мужассам бўлади.

Дифференциациялаш бугунга қарашли, аммо функционал бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳар хил қисмлар, бўлакларни ўрганиш усулидир. Бундай ҳар хил қисмлар, бўлакларнинг мавжудлиги бутуннинг, системанинг қонуниятга бўйсунишидан далолат беради.

Бутун, система (тизим) бир-бирига муштарак, яқин қисмлардан, бўлаклардан иборат бўлавермайди, уларда классификация талабларига мувофиқ келмайдиган, ҳатто бутунни, системани безовта қилиб турадиган хатти-харакатлари ноодатий, ҳар хил қисмлар, бўлаклар бўлиши табиий ҳолдир. Айниқса, жонли системаларда бундай қисмлар кўплаб учрайди.

Дифференциация ҳар хил қисмларнинг нафақат ички белгиларини, имманент хусусиятларини аниқлаш, шунингдек, синтез орқали бутун, система билан боғлиқликларини аниқлаш имконини ҳам беради. Дифференциациялаш ноодатийлик, девиантлик, ҳатто деструктивлик орқали эмас, балки бутун, система ичидаги мавжудлик, уларнинг маълум бир вазифасини бажариб келаётгани орқали амалга

оширилади. Ноодатийлик, девиантлик, деструктивлик ҳар хил қисмлар ва бўлакларнинг асосий хусусияти эмас, улар бутун, система тасаввуридаги тартиблар, нормалар, анъаналарга ҳар доим ҳам мувофиқ келавермайдиган хатти-ҳаракатлар содир этадиган объект (предмет)лардир холос. Масалан, инсон фаолиятини маълум бир онгли система сифатида олсак, шахснинг тартибларга зид тарзда кўчани кесиб ўтиши, сотувчисидан сўрамай мева-чевалардан татиб кўриши (бу сотувчининг хусусий мулкига, молига қарши ноқонуний хатти-ҳаракатдир) кабилар онгли системага мувофиқ келмайдиган ҳоллардир.

Биз бундай шахсни жамият – системага қарши қўя олмаймиз, у жамият – системанинг қисми, бўлаги, аммо, баъзан ноодатий, тартибларга зид хатти-ҳаракатлар содир этиб туради.

Синтез анализ методи эришган, етган фикр, хulosаларни умумлаштирувчи тадқиқот методидир. У бутун, системанинг мақсад ва вазифаларини қисмлар ва бўлакларга татбиқ этади, уларнинг реал ҳолатини бутун, система реал ҳолатига таққослаш имконини беради. Шунинг учун синтез илмий тадқиқотнинг концепцияси, мақсади ва вазифалари билан чамбарчас боғлиқдир.

Синтез тадқиқот обьекти (предмети)нинг қисмларига, бўлакларига хос бўлган хусусиятларни, белгиларни тадқиқ қилганида икки нарсани ҳисобга олади: биринчиси, қисмнинг, бўлакнинг бутун, система хусусиятларини, вазифаларини ўзида қанчалик акс эттирганини; иккинчиси, бутун, система ўзининг стратегик мақсадини қисмлар, бўлакларга қанчалик сингдирганини. Бутун, система билан қисмлар, бўлаклар ўртасидаги узвийлик вақтинча ҳодиса бўлиши мумкин эмас, акс ҳолда бутунда, системада хаос, бошбошдоқлик юзага келади. Ҳатто ноодатий, девиант, деструктив хатти-ҳаракатлар ҳам бутунни, системани мутлақ рад этолмайди, ҳар қандай бутунда, системада келгуси ижтимоий ўзгаришлар, ислоҳотлар, тараққиёт куртаги яшайди. Буни унутиш мумкин эмас.

Синтез методи анализ методи эришган ютуқларга таяниб, уларни бутун, системанинг идеал ҳолати билан боғлади, шу тариқа анализ ва синтез яхлит илмий метод сифатида намоён бўлади.

Синтез методи умумфалсафий хulosалар чиқаришга хизмат қилиши билан қимматлидир. Синтез методидан ўтмаган хulosалар илмий изланишлар жараёнида эришилган натижалар талқинларини саёзлаштиради, тадқиқотчининг илмий тадқиқотлар ўтказиш методикасидан яхши хабардор эмаслигини кўрсатади. Фалсафий метод-

логик масалаларни аниқ билмай, ўзлаштиrmай, илмий изланишлар ўтказиш ўрмонда адашиб қолган шахс ҳолатини эслатади. Тўғри, фалсафий методологик билимга тадқиқот жараённида. Аксарият ҳолларда, охирида эга бўлинади. Бироқ бу илк фалсафий-методологик билимга эга бўлишни инкор қилмайди.

Анализ ва синтез методларининг бирлиги, энг аввало, уларнинг тадқиқот обьекти (предмети)ни идеал ҳолатга етказиш йўлларини излашидадир. Бу эса обьект (предмет)нинг реал ҳолатини, кейин потенциал имкониятини, унга позитив таъсир қиласиган акторларни, институтлар, қисмлар ва бўлакларнинг таъсир даражаларини ўрганишни тақозо этади.

Анализ ва синтез методларининг биринчи тадқиқот обьект (предмет)ларининг ўз имманент хусусиятлари ва перманент алоқаларига эга мустақил, тадқиқот мақсади, концепцияси ва вазифаларидан мутлақ бехабар, ўрни келганида уларга зид хатти-харакатлар содир этувчи эркин обьект (предмет)лар эканини тан олганидадир.

Тадқиқот обьект (предмет)ларини гуруҳларга (классификация) ва турли қисмларга ажратиш (дифференциация) классик фалсафада эътироф этилган индукция ва дедукция методларини эсга солади. Индукция қисмдан, бўлакдан бутунга, системага боришидир. Бу ўринда анализ методи деярли индукция методи сифатида келади. Улар тўғрисида турли назарий фалсафий фикрлар мавжуд, ушбу гносеологик муаммони таҳлил этиш бизнинг вазифамизга кирмайди. Энг муҳими, анализ мудом индуктив билишга таянади. Буни эсда сақлаб қолиш ёш тадқиқотчи учун етарлидир.

Дедукция методи дейилганда бутун, системадан хусусийга – қисм, бўлакларга бориладиган билиш усули тушунилади. Бутунга, системага хос хусусиятларни, белгиларни қисмлардан, бўлаклардан излаш, шу тариқа бутун система билан қисмлар, бўлаклар ўртасидаги умунийликни аниқлаш дедукция устига юқлатилган вазифадир. Бунинг синтез усулига яқинлигини пайқаш қийин эмас.

Индукция ва дедукция анализ ва синтезнинг методларининг айнан ўзи бўлмаса-да, аммо уларнинг илмий методлар сифатида шаклланишига хизмат қилишини унутмаслик керак. Шунинг учун деярли барча тадқиқотларда индукция ва дедукция анализ ва синтез методларининг хусусиятлари сифатида қайд этилади, гоҳо улар тўла айнанлаштирилади. Бизнинг фикримизча, бу ўринда тадқиқотчининг фикрига қулоқ солиш, индукция, дедукция билан анализ, синтез методлари ўртасидаги яқинлик, муштаракликдан келиб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Синтез ва синкетизмни айнанлаштиришга интилиш анъанага, одатга айланган. Синтез, юқорида айтганимиздек, қисмлар, бўлаклар хусусиятлари ва белгиларини бутун, система билан уйғунлаштирувчи, яъни бутунга, системага хос умумий қарашларни шакллантирувчи билиш методидир. Синкетизм эса нарсаларнинг, ҳодисаларнинг ички хусусиятларини, имманент белгиларини ҳисобга олмай уларни яхлит тизим, система сифатида қараш усулидир. Синтез ички, имманент хусусиятларнинг, белгиларнинг бирлигига, яқинлигига таянади, синкетизм учун улар шарт эмас, у объект (предмет)ларнинг макон ва замонда борлиги, мавжудлиги билан қаноатланади. Бу гоҳо эклектик ёндашишни келтириб чиқаради.

Анализ методининг ички қисмларни, бўлакларни ўрганиши унга эклектик ёндашиш хослигини ҳам кўрсатади. Ҳар бир қисм, бўлак ўзига хос хусусиятларни ўрганишни шарт қилиб қўяди, бу эса охир натижада, ҳар бир қисмда, бўлакда ўзига хос, ҳатто бир-бирига мувофиқ келмайдиган хусусиятлар мавжудлигини тан олишга ундайди. Агар шундай қисмларни, бўлаларни маълум бир бутун, система сифатида қараш зарурияти пайдо бўлса, тадқиқотчи бир-бирига функционал мувофиқ келмаган қисмларни, бўлакларни бутун, система сифатида қарашга мажбурдир. Бу ўринда қузатишлардан маълумки, тадқиқотчи файриҳаётӣ, асоссиз даъватларга эргашади, уларни объект (предмет)га сунъий тарзда ёпишиди. У объект (предмет) илмий изланиш мақсадидан кенг, ҳатто ўзининг имманент хусусиятлари билан унга қарши туриши мумкинлигини хаёлига келтирмайди.

Анализ ва синтез моҳиятан ижтимоий-фалсафий тадқиқот методидир, чунки у чиқарган ҳар қандай пастулат, хулоса, факат айрим, тор соҳаларга тааллуқли бўлмай, умумий-фалсафий аҳамиятга эгадир. Тор, айрим соҳалардаги илмий изланишларни натижалари ушбу соҳаларнинг ривожланишига қанчалик ҳисса қўшмасин, агар улар мавзунинг ижтимоий-фалсафий аҳамиятини очиб беролмаса, инсон ва жамият тараққиётiga даҳлдор эканини асослай олмаса, уларнинг муҳимлиги, долзарблиги шубҳа уйғотаверади. Ҳа, илм-фанда интенсификация (чуқурлаштириш) зарур, аммо у инсоннинг ақлу идрокини, ижтимоий-ижодий имкониятларини кенгайтириши даркор. Тадқиқот тадқиқот учун эмас, тадқиқот инсон ва ижтимоий тараққиёт йўлини излаш, топиш учундир.

Анализ ва синтез методи илмий муаммоларнинг барчасини ҳал қила олмайди, уларнинг инструментал имкониятлари чеклангандир:

*биринчидан*, тадқиқот объекті (предмети) ҳар қандай илмий билиш методидан көнгірдір;

*иккінчидан*, тадқиқот объекті (предмети)нинг реал ҳолатини ўрганиш илмий изланишларнинг бир босқичидір холос;

*учинчидан*, объект (предмет) социодинамик хусусиятига мувофиқ мудом үзгаришга, транформацияға мойилдір;

*түртінчидан*, инсоннинг билиш имкони чекланғандыр;

*бешинчидан*, илм-фан үзини үзи танқид қилиш, рад этиш, фалсификацияға берилувчандыр. Билимларнинг нисбийлиги анализ ва синтез методининг чекланғанлығыдан далолат беради.

## **6-мавзу. Комплекс өндешуів**

Бугун илм-фантар интеграцияси реал воқеиқіздір. Ижтимоий-гуманитар соқалардаги изланишлар тадқиқот объекті (предмети)нинг күпкірралы, мураккаб ва ранг-бараптұн хусусияттарға, сифаттарға әғалиғи туғайли бошқа илм-фан соқаларига мурожаат этмоқда. Натижада тадқиқот объекті (предмети)ни комплекс үрганиш давр талабига айланған.

Комплекс өндешуів тадқиқот объекті (предмети) ичидегі қисмлар, бүлаклар, хусусияттар үртасидегі алоқаларни, үзаро боғлиқтарни үрганиш усулидір. У тадқиқот объекті (предмети)нинг бутунлигини, системалигини, ушбу бутунга, системага хос бүлгілар ва хусусияттарни аниклашға ердам беради. Исталған объект (предмет) комплекс тадқиқ этилиши мүмкін, чунки ижтимоий-гуманитар илм-фан соқалари үрганадиган барча объект (предмет)лар күпкірралы, мураккаб алоқаларға ва ранг-бараптұн хусусияттарға әгадір.

Фанлар методологияси ва назариясида күпинчә түрли фанлар, қарашлар, өндешишларни үйғунлаштириш, улар үртасидегі боғлиқликтарни, алоқаларни топиши комплекс өндешуів деб қаралади. Аммо бу тадқиқотчиларнинг, илм-фан соқаларининг хохиши, истаги маҳсұлы әмас, балки тадқиқот объекті (предмети)нинг имманент хусусиятлары маҳсуларынан жақындаған болады. Демек, комплекс өндешуів генезисини илмий-назарий изланишлардан әмас, балки тадқиқот объекті (предмети)нинг имманент хусусиятлардан излаш даркор.

Тадқиқотларнинг деярли барчасида фойдаланылған илмий тадқиқот методлари талабида комплекс өндешуів амалға оширилгани үқтирилади, лекин бирорта ҳам тадқиқотда у нима, унинг моҳияти ва

хусусиятлари, бошқа методлардан фарқ қилувчи белгилари нимада, деган саволларга жавоб берилмайди. Бу комплекс ёндашув ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмаслик ёки унинг ниқоби остига тадқиқот мавқеини ошириб қўрсатишга интилиш натижасидир.

Комплекс ёндашув турли фанлар, назариялар, ёндашувлар амалга оширган изланишларнинг, тадқиқот обьекти (предмети)нинг ранг-баранг қирраларини, реал ҳолатини, имкониятларини ўрганган турли соҳаларнинг пастулат ва хulosаларини умумлаштириш, уларга таяниш усулидир. Масалан, бугун инсонни икки юздан зиёд илм-фан соҳалари тадқиқ этади. Инсон тўғрисида обьектив билимга эга бўлиш учун ушбу илм-фан соҳаларининг пастулат ва хulosаларидан хабардор бўлиш лозим. Бу инсонга комплекс ёндашишdir. Ёки бўлмаса ҳуқуқни олайлик. Бугун ҳуқуқни фалсафа (ҳуқуқ фалсафаси), социология (ҳуқуқ социологияси), педагогика (қонунга итоаткор шахсни тарбиялаш), психология (шахс девиант хулқ-авторини келтириб чиқарувчи мотивларни ўрганиш), тарих (сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи) каби кўплаб илм-фан соҳалари ўрганади. Ушбу илм-фан соҳалари натижаларини билмай ҳуқуқ ҳақида етарли билим шаклланмайди, буни эса комплекс ёндашув орқали амалга ошириш мумкин.

Комплекс ёндашув турли ёндашувларнинг маҳсулидир. Айрим ёндашув обьект (предмет) ҳақида кенг билим беролмайди. Айнан шу ўринда фалсафа комплекс ёндашув сифатида ўзини намоён этади.

Комплекс ёндашув тадқиқот обьекти (предмети) умумий фалсафий, методологик аҳамиятга эга хulosалар чиқаришга олиб келиши билан қимматлидир. Бундай хulosаларни ҳар бир тадқиқотда, эришилган натижалар сифатида учратиш мумкин. Демак, шундай хulosаларга келган ҳар бир тадқиқот комплекс ёки фалсафий ёндашувдан фойдаланган бўлади.

Комплекс ёндашувнинг обьект (предмет) ҳақидаги умумий тасаввури обьект (предмет)нинг реал ҳолатини ёки ундан идеал ҳолат бориши имкониятларини ифода этиши лозим, акс ҳолда у шунчаки баён, ифода, илмий аҳамиятга эга бўлмаган тезис бўлиб қолади. Умумий тасаввур концептуал аҳамиятга, обьект (предмет) дуч келаётган муаммоларни илмий усуллар билан ҳал этиш йўлларини белгилаб беришга қаратилиши даркор. Комплекс ёндашув учун энг аввало обьект (предмет)нинг идеал ҳолати ҳақида аниқ тасаввурларни шакллантириш муҳимдир.

Комплекс ёндашув обьект (предмет)нинг қисмларини, бўлакларини ўрганишни рад этмайди, балки, аксинча, қўллаб-куватлайди.

Ҳеч бир объект (предмет) қисмларсиз, бўлакларсиз фаолият кўрсата олмайди, ҳаракат қилолмайди. Кўп ҳолларда бутуннинг, системанинг самарали фаолият кўрсатиши, ҳаракат қилиши қисмлар, бўлаклар фаоллигига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам комплекс ёндашув қисмлар, бўлаклар ўртасидаги интеграцияни, алоқаларни ўрганишга алоҳида эътибор беради.

Интегратив алоқалар ҳар қандай бутуннинг, системанинг реал ҳолатидадир. Ушбу ҳолатдаги зиддиятлар бальзан интегратив алоқаларга салбий таъсир кўрсатади. Комплекс ёндашув ушбу салбий таъсирни бутун системадан, унинг қисм ва бўлакларидан қидиради. Шу тарика у бутунга, системага салбий кўрсатаётган нарсаларнинг омилларнинг илмий-методологик аҳамиятга эга асосларини топади. Комплекс ёндашувда барча тадқиқот методлари қатнашиши мумкин, лекин уларнинг ҳеч бири фалсафий-методологик моҳият касб этолмайди. Тадқиқот методларининг бирор тури назарий-фалсафий умумлашмаларга берилган заҳоти унинг хulosалари фалсафий-методологик аҳамият касб этади. Лекин бундай умумлашмалар ҳам комплекс ёндашув методининг ўзи эмас.

Комплекс ёндашув учун нафақат қисмлар, бўлаклар ўртасидаги интегратив алоқалар, шунингдек ушбу алоқаларнинг бутун, система билан алоқалари ҳам зарурдир. Алоқаларнинг алоқалари бутунга, системага оид билимларни шакллантиради, агар бундай алоқалар ўрганилмаса, татбиқ этилган усул индукция ёки дедукция методидир. Комплекс ёндашув ички интегратив алоқаларни ташқи интегратив алоқалар (яъни, бутун, система ва ушбу бутуннинг, системанинг бошқа бутун ва системалар билан алоқалари)га айланиш жараёнларини ўрганишга ундейди. Натижада объект (предмет) ички ва ташқи интегратив алоқаларга очиқ система сифатида қаралади.

Система (тизимнинг очиқлиги ранг-баранг, турли тадқиқот методларидан фойдаланишга ундейди. Комплекс ёндашув эса ушбу методларнинг интегратив кўриниши, маҳсули сифатида намоён бўлади.

Мураккаб объект (предмет)ларни фақат комплекс ёндашув орқали ўрганиш позитив натижалар беради. Масалан, жамият мураккаб объект (предмет) сифатида фақат комплекс ёндашув орқали етарли англаниши мумкин. Уни тўлароқ англаш учун, масалан, анализ ёки синтез, ретроспектив ёки қиёсий таҳлил методлари етарли эмас, бу ўринда илмий тадқиқотнинг барча методларидан самарали фойдаланиш талаб этилади.

Ижтимоий муносабатлар ҳам мураккаб объект (предмет)лардан биридир. Уларда тадқиқот жараёнларига позитив ёки негатив таъсир этувчи жиҳатлар етарлича учрайди. Комплекс ёндашув ушбу муносабатларни шакллантирувчи ички ва ташқи интегратив алоқаларни позитив ва негатив жиҳатлари билан уйғунликда, диалектик тарзда қарашни шарт қилиб қўяди. Шундай диалектик ёндашув бўлмаса, ижтимоий муносабатларнинг имманент хусусиятлари очилмай қолади, натижада улар ҳақида нообъектив, сохта хулосалар келиб чиқади. Ҳа, ижтимоий муносабатлар каби ўта мураккаб объект (предмет)ни ўрганаётганда тадқиқот методларидан фойдаланиш керакли даражада бўлмаслиги ёки улар бир-бирига зид келиб қолиши мумкин. Масалан, бозор муносабатларини ўрганаётганда фақат статистика методидан фойдаланиш билан чекланиб бўлмайди, ушбу методнинг устунлик қилиши бошқа методлардан фойдаланишни чеклаб қўяди ёки уларга тўсиқ бўлади. Шунинг учун комплекс ёндашув нафақат ранг-баранг методлардан фойдаланиш маҳсули, шу билан бирга улардан ўринли, меъерида фойдаланиш кафолати ҳамдир.

Ижтимоий ҳаётга тааллуқли ҳар бир объект (предмет) комплекс ёндашувга муҳтождир. Масалан, давлат ва бошқарув тизимлари, сиёсат ва ҳуқуқ, ахлоқ ва таълим, оила ва қадриятлар мудом комплекс ёндашувни тақозо этиб елган. Ўз навбатида, ушбу билиш объект (предмет)лари жамият, ижтимоий муносабатлар, тузум деб аталадиган бошқа билиш объект (предмет)лари ичига ҳам киради. Импликация хусусиятларини тадқиқ этиш объект (предмет)нинг интегратив алоқаларини ишонарли даражада очиб беради. Импликация:

- объект (предмет)нинг ихтиёри билан ёки ташқи тазийклар остида;
- тадқиқотчининг гносеологик изланишлари натижасида содир бўлади.

Импликация жараёнларини ўрганиш объект (предмет) ичидаги интегратив алоқаларни, уларнинг генезиси ва кечиши қонуниятларини тўғри тушунишга ёрдам беради.

Фалсафий мушоҳада моҳиятан комплекс ёндашувнинг қўриниши, туридир. У ички ва ташқи интегратив алоқаларни борича қамраб олишга мойилдир. Объективликдан субъективликка кўтарилиш фалсафий мушоҳадани кенг қамровли билиш усулига айлантиради. Анализ ва синтез методи тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин.

Комплекс ёндашув қанчалик кенг ва ранг-баранг тадқиқот методларининг маҳсули бўлмасин, у объектив борлиқнинг, предметнинг ўрнига даъвогарлик қилолмайди. Объектив борлиқ, предмет мудом ундан кенгдир. Комплекс ёндашув изчил, узоқ давом эттирилиши орқали объектив борлиқقا, предметга яқинлашиши мумкин, аммо бу тақдирда ҳам у ўзининг чекланганлигидан халос бўлолмайди. Барча илмий тадқиқот методлари каби комплекс ёндашув ҳам релятивистик (чекланганлик) хусусиятга эгадир.

## **7-мавзу. Тизимли-функционал ёндашув**

«Тизим» («система»), «объект», «предмет» шундай имманент хусусиятларга ва перманент алоқаларига эгаки, уларни ўрганмай, объект (предмет, система, тизим) ҳақида бирор янги фикрга, холосага келиш қийин. Тизимли функционал ёндашув тадқиқотчининг хошиш, истак ва интилишларининг маҳсули эмас, у объект (предмет, тизим, система) хусусиятларининг талабидир. Тўғри, ушбу талабни тадқиқотчи чеклаб ўтиши, ҳатто рад этиши мумкин, аммо рационал фикрловчи, объект (предмет)ни объектив ўрганмоқчи бўлган ҳар бир изланувчи уларни ҳисобга олишга, тизимли функционал ёндашувга таяниши шарт.

«Тизим» умумий функционал алоқаларга эга объект (предмет)-ларнинг мажмуи, бирлигидир. Функционал алоқаларига эга бўлмаган объект (предмет)лар ажралиш, парчаланиш хусусиятига эга, уларни тизим сифатида қараш эклектика ёндашиши келтириб чиқаради. Эклектика тизимли функционал ёндашувга зиддир.

Тизимли функционал ёндашув:

- объект (предмет)ларнинг (қисм, бўлакларнинг) функционал боғлиқ;
- тизимга оид қисм, бўлакларнинг мустақиллиги релятивистик кўринишга эга;
- қисмлар, бўлаклар ўзининг мақсад ва вазифаларини тизим (бутун, система)нинг стратегик мақсадларидан олиши, агар лозим бўлса, ушбу мақсад ва вазифаларини ўзгартириши, янги мақсад ва вазифалар танлаш имконига эга бўлишини талаб этади. «Тизимли функционал ёндашув» тушунча сифатида юқоридаги талабларга жавоб беришга тайёр объект (предмет)ларгагина қўлланилади. Ҳатто объект (предмет) янги мақсад ва вазифалар танлаганида ҳам тизимнинг стратегик мақсадидан четга чиқолмайди, акс ҳолда у назарда тутилаётган тизимдан чиқади.

«Тизим» ва «тизимли функционал ёндашув» турли тушунчалардир. Тизим реал объектдир, тизимли функционал ёндашув эса, тадқиқотчи қўлланадиган метод, субъектив ғоя, қараш ифодасидир. Улар ичida тизим, унинг реал объектлиги бирламчи, тизимли функционал ёндашув эса, иккиламчидир. Демак, тизимли функционал ёндашувни тадқиқот обьекти (предмети) талаб этади.

Тизимга тааллуқли қисмлар, бўлаклар ўртасидаги функционал муносабатлар, алоқалар тизимли-функционал ёндашувнинг предметидир. Мазкур муносабатлар, алоқалар:

- тизим (бутун, система) талабларига мувофиқ;
- қисмлар, бўлаклар ихтиёрига мувофиқ;
- ташқи тазииклар таъсирига, зўрловига мувофиқ ташкил этилиши мумкин.

Тизим (бутун, система) ўзини асрash, ривожлантириш учун барча қисмларига, бўлакларига маълум бир талаблар қўяди. Шундай талаблар қўя олмаган ва уларнинг бажарилишини таъминлай олмаган тизим (система, бутун) самарали фаолият кўрсатолмайди ёки инқирозга, таназзулга учрайди. Тизимли функционал ёндашув ушбу салбий, фожиали ҳол юзага келмаслигининг олдини олади, тизим (бутун, система)ни инқирозга, таназзулга етакловчи омиллардан хабар этади.

Шу билан бирга, у тадқиқот обьекти (предмети) реал ҳолатидаги тизимнинг ривожланишига мувофиқ келадиган ҳолларни, анъаналарни аниқлайди ва тизим (бутун, система)ни уларни қўллаб-қувватлашга даъват этади. Тизимли функционал тадқиқот методининг тавсияларини инобатга олмаслик ёки менсимаслик тизим учун номақбул ҳолдир.

Тизим (бутун, система)нинг имманент алоқалари қисмлар, бўлаклар ихтиёри оркали ҳам содир бўлади. Демократик қадриятлар қарор топган тизимда қисмларнинг, бўлакларнинг ихтиёрий алоқалари ранг-баранг, ривожланган бўлади. Тизимли функционал ёндашув ушбу алоқаларнинг ихтиёрийлигини, демократик принципларга қанчалик мувофиқлиги ва бутуннинг, системанинг идеал ҳолатга кўтарилишига қанчалик ёрдам бериши мумкинлигини, имкониятларини аниқлашга ёрдам беради. Тизим (бутун, система)нинг яхлитлигини асрash ва ривожлантириш йўлларини топиш тизимли функционал ёндашув олдидаги асосий мақсаддир.

Демократик қадриятлар умуминсоний тараққиёт мезонларидан бирига айланаётган ҳозирги пайтда ҳеч бир тизим (бутун, система)

бошқа тизимлар билан интеграцияга киришмай, перманент алоқалариға очиқлик, плюрализм бағш этмай яшай олмайды. Тизимнинг перманент алоқалари уни ташқи тазийкларга очиқ қиласы, лекин ушбу тазийклардаги салбий томонларни, зўрлов элементларини тизимли функционал ёндашув аниқлаб бериши зарур. Мазкур интенционализм тизимли функционал ёндашувни ўзини ўзи танқидий баҳолашга, тизимдаги перманент алоқаларни умумий мақсадга мувофиқ ўрганиб, кузатиб боришга имкон беради. Танқидий интенциясиз тизим ривожлана, ички имкониятларидан унумли фойдалана олмайды. Тизимли функционал ёндашув тизим (бутун, система) ва унинг қисмлари, бўлаклари ўртасидаги функционал боғлиқликни мустаҳкамлаш, ривожлантириш йўлларини излаганида танқидий интенцияга таянади, уни қўллаб-қувватлади.

Тизимли функционал ёндашув бутун ва қисмлар, улар ўртасидаги алоқалардан ташқари «мақсад», «иерархия», «куюшганлик», «ташкилланганлик», «элемент», «регуляция», «барқарорлик», «турғунлик», «динамиклик», «мобиллик», «шаклланганлик», «ривожланиш» каби тушунчалар ва ҳодисалар билан ҳам боғлиқдир. Мазкур тушунчалар ва ҳодисалар бутун (тизим, система) ва қисмлар, қисмлар ва қисмлар ўртасидаги алоқаларнинг муҳим жиҳатларидир. Объект (предмет)-нинг ички тузилиши, структурасини уларсиз ўрганиб бўлмайди.

Тизимли функционал ёндашув объект (предмет)ни ўзининг ички (имманент) ва ташқи (перманент) алоқаларига эга тизим (система) сифатида қарайди, бу эса уни аввало тизим (система) нима, деган саволга жавоб излашга ундейди.

Тизим (система) қандай хусусиятларга, белгиларга, алоқаларга эга, уларнинг объект (предмет) функциясидаги ўрни қандай, тизим (система) бошқа тизим (система)лардан нимаси билан фарқ қиласы, уни бошқа объект (предмет) билан алмаштириш мумкинми ёки мумкин эмасми, тизим (система)ни ҳаракатлантирувчи кучлар, омиллар нималардан иборат каби саволларга жавоб бериш ҳам талаб этилади. Тизим (система)нинг тузилиши, структурасини аниқлаш қанчалик муҳим бўлса, уларда кечадиган иерархик алоқаларни, координациянинг ўзига хос хусусиятларини, мобиллик имкониятлари ва ривожланиш йўлларини билиш ҳам шунчалик зарурдир. Баъзан илмий тадқиқот мақсади тизимли функционал ёндашув объекти (предмети) сифатида қаралади. Ҳа, мақсадда тизим (система)нинг функционал моҳияти ўз ифодасини топади. Бироқ мақсад тизим (система)нинг ўзига хос, ҳатто унда тизим (система)га хос белгилар акс этса-да, у

ҳеч қачон объект (предмет)нинг ўзи бўлолмайди. Тизимли функционал ёндашувни тадқиқотчи шакллантиради, тизим (система) эса «ўзи ўзи учун» мавжуддир. Тан олиш керакки, баъзан инсон онгини, тасавурлари ва қарашларини, билимини тизим (система) сифатида қараш лозим бўлади. Бу пайтда уларни инсондан ташқаридаги «ўзи ўзи учун» мавжуд объект (предмет), деб қараш мумкин эмас.

Структура (тузилиш)га ташкиллаштирилганлик, регуляция (иррегуляция), динамиклик (статитлик), ривожланиш (турғунлик ёки ёмирилиш) хос. Тадқиқотчи уларнинг структурада намоён бўлишига диққатини қаратади. Ҳамма структура ҳам позитив алоқаларга эга бўлавермайди, ташкиллаштириш маълум бир ташкиллаштирилганлик ёки деструктив алоқалар маҳсулидир, регуляция иррегулятор омиллардан ўсиб чиқиши мумкин.

Тизимли функционал ёндашув айрим олган объект (предмет)ни эмас, балки унинг структурасига кирган қисмлар, бўлаклар ўртасидаги муносабатларни ўрганади. Икки ёки ундан кўп объект (предмет) бўлиши шарт. Қисмлар, бўлаклар ҳам икки ёки ундан ортиқ бўлиши даркор. Икки ёки ундан ортиқ объект (предмет), қисмлар ёки бўлаклар мавжуд жойда эса муносабатлар ранг-баранглашади, муракқаблашади. Ушбу ранг-баранг, муракқаб муносабатларнинг структура (тузилиш)да, объект (предмет) ичida намоён бўлиши тизим (система)-ни динамик ҳолда қарашга унрайди.

Объект (предмет)лар функционал яқинлигига қараб классификация қилинади, системалаштирилади (тизимлаштирилади). Масалан, зиёлилар синфи деганда ақлий-интеллектуал меҳнат эгалари назарда тутилади. Ўқитувчилар, олимлар, ижодкорлар шундай меҳнат билан шуғулланувчи аҳоли қатламидир. Гоҳо асосий белги қилиб демографик хусусиятлар (ёшлилар – мактаб ўқувчилари, коллеж ёки лицей талабалари, олий ўқув юртларида таълим олаётганлар, умуман 30 ёшгacha бўлган аҳоли қатлами), асосий фаолият (ишчи-хизматчилар – корхона ишчилари, техник ходимлар, ижтимоий меҳнат соҳасида хизмат қилаётганлар), тил (ўзбек тили – ўғуз лаҳжаси, Фарғона лаҳжаси, Тошкент диалекти ва бошқалар), турлар (ижод – техникавий, бадиий, илмий) олинади. Мазкур аҳоли қатламларига хос белгилар, фаолият турлари, миллий хусусиятлар тизим (система)нинг структурасига киради, айнан шу нуқтаи назардан улар тизимли функционал ёндашув объект (предмет)ларига айланади. Баъзи адабиётларда улар ташқи белгилар деб аталади. Шунингдек, объект (предмет) ички белгиларига ҳам эга. Масалан, ижодий фаолият ички

белгиларига кўра интенсив, импульсив, экстенсив кечиши нуқтаи назаридан тизимлаштирилиши мумкин, бу ўринда ижодий фаолиятнинг психологик белгилари ҳисобга олинмоқда. Ижодни субъектлари (олимлар, шоирлар, мусаввирлар, алоҳида шахс, омма, гурӯҳлар), объекслари (жамиятни, бозор муносабатларини, давлат ва унинг институтларини, миллий ҳуқуқ тизимини, сиёсий партияларни ўрганишга қаратилгани) орқали ҳам тизим (система) сифатида ўрганиш мумкин.

Тизимли функционал ёндашувдаги мураккаб, кўпинча шахсий-субъектив ёндашув устунлик қиласиган жиҳат объект (предмет)нинг ички белгиларини тизимли ўрганишdir. Бу ўринда объективликдан чекиниш ҳоллари мавжуд. Шуни эсда тутиш лозимки, ички белгиларни объект (предмет) ўзидан, унинг имманент белгилари ва перманент алоқаларидан олиш лозим, ана шунда тадқиқотнинг ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга қаратилгани, амалий аҳамияти намоён бўлади.

Тизимли функционал ёндашув қолган тадқиқот методлари билан ҳам боғлиқdir. Масалан, эксперимент тадқиқот обьекти (предмети)га хос хусусиятларнинг идеал ҳолатини, интервью респондентларнинг тизим (система)га муносабатларини, қиёсий таҳлил функцияларни бошқа босқичлардаги ёки бошқа предметлардаги кўринишларига солишириб ўрганишга ёрдам беради.

Тизимли функционал ёндашув билан комплекс ёндашув ўртасида узвий алоқа, яқинлик мавжуд. Баъзан комплекс ёндашувни тизимли функционал ёндашув билан айнанлаштириш мумкин. Бу табиий ҳол, чунки биринчиси обьект (предмет)га ҳар томонлама ёндашишни тизимли амалга оширади. Аммо бу ўринда шунчаки тизимлаштиришга интилиш эмас, балки қисмлар, бўлакларнинг функционал боғлиқлигини аниқлаш назарда тутиляпти. Комплекс ёндашувда функционал боғлиқ бўлмаган обьект (предмет)лар гурӯҳлаштирилиши, классификациялаштирилиши мумкин, тизимли функционал ёндашувда эса қисмлар, бўлаклар бир-бирига функционал боғлиқ бўлиши шарт. Агар бундай ёндашув ҳар хил қисмлар, бўлакларга ҳам тадбиқ этилса ёки уларга қиёслаб ўрганилса, комплекс ёндашувга айланиши мумкин. Комплекс ёндашув универсаллиги, тизимли функционал ёндашув эса тизимлилиги билан ажralиб туради. Аммо ижтимоий-гуманитар соҳалар ўрганадиган барча обьект (предмет)лар кўпқиррали, кўпомилли эканини унутмаслик зарур.

## **8-мавзу. Ретроспектив өндашиш**

«Ретроспектив (тарихий) өндашиш» тушунчаси тадқиқот обьекти (предмети)нинг реал ҳолатигача бўлган жараёнларни (генезиси, шаклланиш босқичлари, тарқалиши, маълум бир бутунлик, тизимлик касб этиши) ўрганишга қаратилган усулдир.

Маълумки, ҳар қандай обьект (предмет) ўзининг тарихига эга. Ижтимоий борлиқда ҳеч нима ҳеч нимадан пайдо бўлмайди, юзага келиш, шаклланиш, ривожланиш, сўниш ва бошқа шаклга ўтиш босқичлари мавжуддир. Шунинг учун тадқиқотларда ретроспектив (тарихий ёки тарихийлик усули) өндашишга, обьект (предмет)нинг реал ҳолатига босиб ўтган босқичларни таҳлил қилишга катта эътибор берилади. Бундай өндашув обьект (предмет)нинг асосий хусусиятлари ва белгиларини аниқлашга, реал ҳолатидаги муаммоларини билишга ёрдам беради. Демак, ретроспектив өндашиш обьект (предмет):

- қандай пайдо бўлди;
- қайси омиллар таъсирида шаклланди;
- ривожланиш босқичлари нималардан иборат;
- қандай сўна бошлади ёки таназзулга юз тутди;

– қандай шаклга ўтди ёки ўтмоқда каби фундаментал саволларга жавоб излайди. Кўриниб турибдики, мазкур саволларга жавоб излаш хронологик. Изчил тарзда амалга оширилиши мумкин. Хронологик изчиллик обьект (предмет) ҳаётини турли босқичларда, вақтда изчилликда ўрганиш имконини беради.

Вақт (bosқичлар, даврлар, поғоналар) ретроспектив өндашишнинг асосий тушунчасидир, чунки обьект (предмет)нинг генезисидан то сўниб, бошқа шаклга ўтишигача бўлган жараёнлар вақтда намоён бўлади. Вақт узлуксиздир, аммо гносеологик мақсад уни, у билан бирга обьект (предмет) ҳаётини босқичлар, даврлар ва поғоналарга бўлади. Бу ўринда тадқиқотчи вақтга ва обьект (предмет) ҳаётига нисбатан тизимли өндашгани кўзга ташланади.

Ижтимоий ҳаётга тааллукли обьект (предмет)да эволюцион ва революцион ривожланишга хос хусусиятлар учрайди. Эволюцион ривожланиш обьект (предмет)нинг имманент хусусиятларига мувофиқ ривожланиши жараёнларини ифода этади. Тадрижийлик, изчиллик, муроса ундаги асосий белгилардир. Ушбу белгилар бузилганда обьект (предмет)да тартибсизлик, чекиниш, бошбошдоқлик юзага келади.

Инқилобий ривожланиш ички хусусиятларга мувофиқ келмаган ташқи тазийклар таъсирида, гоҳо кутилмаган омиллар, ўзгаришлар натижаси сифатида намоён бўлади. Инқилоб мудом ҳам объект (предмет)ни емирилишга олиб келавермайди, у тизим (система)ни бошқа, ижобий босқичга ҳам кўтариши мумкин. Инқилобнинг емиришга, нигилизмга мойил қўринишидан қўрқиш лозим, агар у янги муносабатлар ва бойликлар яратишга қаратилса, ундан қўрқмаслик, балки унда қатнашиш керак. Бозор муносабатларига ўтиш бизнинг жамиятимиз учун тараққиётни белгиловчи ҳодиса эди, шунинг учун ҳам унга «туб ўзгариш», «туб бурилиш» каби эпитетлар қўлланилади. Шуни эсда тутиш керакки, ижтимоий ҳаёт бир текис ёки инқилобий тарзда ривожланмайди, агар у бир текис ривожланишга мойил бўлса, у охир-оқибат стагнацияга, турғунликка, агар у мудом инқилобий ўзгаришлар қилишга интилса, нигилизмга, радикализмга дучор бўлади. Ҳа, ижтимоий ҳаётнинг айрим соҳалари революцион тадбирларга эҳтиёж сезади (бундай эҳтиёж мудом мавжуддир), аммо у қолган қўпчилик соҳанинг эволюцион ўзгаришларга мойил эканини инкор қилмайди. Демак, бир текис ва инқилобий ривожланиш ижтимоий ҳаётга тааллуқли ҳодисалардир, ретроспектив ёндашиш уларни диалектик тарзда ўрганиши даркор.

Инсон ривожланишининг эволюцион қонуни ижтимоий ҳаётга нисбатан социал дарвинизм деб аталади. Оддий ҳодиса ва воқеаларнинг интенсив ёки экстенсив ривожланиши, ёйилиши йирик мураккаб ҳодиса ва воқеаларга айланади. Бу жараён ретроспектив ёндашишнинг тадқиқот предметидир.

Ривожланишда ворисийлик билан анъанавийлик элементлари мавжуд бўлади, улардан мутлақ холи тизим (система) йўқ. Эволюцион, ҳатто революцион ривожланиш ҳам улар билан ҳисоблашишга мажбурдир. Ретроспектив ёндашиш эса ворисийлик билан анъанавийликнинг мавжудлигини қайд этиб ёки аниқлаб қолмайди, уларнинг объект (предмет)нинг ривожланишига қандай таъсир этганини, таъсир этиши мумкинлигини кўрсатиб беради. Агар объект (предмет)-нинг ривожланиш модели хомхаёл, бефойда утопия маҳсули бўлмаса, уни ретроспектив ёндашиш орқалигина яратиш мумкин. Ретроспектив ёндашиш объект (предмет)га тааллуқли реал мисолларни, жиҳатларни ўрганади, ворисийлик ва анъанавийлик унинг таҳлили изчил, реал, асосли бўлишини таъминлайди.

Историизм ва футуризм ретроспектив ёндашишда у ёки кўринишда учрайди. Моҳиятан историзм ўтмишдаги воқеа-ҳодиса-

ларни келажакка айнан қўчиришни англатади. Мазкур атамани ижтимоий фалсафага инглиз файласуфи ва социологи К.Поппер олиб кирган. Унинг фикрига кўра, историизм ғайриҳаётний усулдир, чунки ўтмишни орқага қайтариши мумкин эмас. Бироқ айрим тадқиқотчилар неоисториизм, яъни ўтмишдаги воқеа-ҳодисаларни, идеалларни оқлаш орқали уларга қайтишни таклиф қиласидилар. Улар ўтмишни қисман келажакка кўчирмоқчи, аниқроқ қилиб айтганда, келажакни ўтмишга қайтармоқчи бўладилар. Фундаментализмга мойил ушбу ёндашувлардаги «орқага қайтариш» даъвати илм-фан моҳиятига зиддир. Аммо улардаги ўтмишни интенсив ўрганишга интилишга позитив ҳол сифатида қараса бўлади.

Футуризм келажакни ўрганувчи, башорат қилувчи методдир. У ижтимоий ҳаёт, инсониятнинг келажаги, тараққиёт йўлларини тадқиқ этади. Ҳар бир илмий тадқиқотда футурологик ёндашиш мавжуд бўлади, чунки ўз тадқиқот обьектининг келажаги билан қизиқмайдиган изланиш учрамайди. Ҳатто тарихни, ўтмишни ўрганаётган тадқиқотчи ҳам обьектининг аҳволини келажакка проекция (йўналтирилганлик) қиласиди, инсоният тараққиёт учун зарур томонларини очиб беради.

Реализм реал борлиқни обьектив, бор зиддиятлари билан тадқиқ этиш методидир. У моддий борлиқقا ҳам, идеал ҳодисаларга ҳам қўлланилиши мумкин. Нарсаларнинг обьектив борлиғини тан олиш содда реализм деб аталади, аслида илмий тадқиқот бундай ёндашиш билан чекланиб қолмайди. У нарсаларнинг замон ва маконда ўзгаришини, бошқа нарсалар билан алоқаларини, ички динамизмни ҳам ўрганади. Нарсаларнинг ички хусусиятлари ва ташқи алоқалари қанча кенг, тўлиқ этиш имкони шунча кенг, тўла бўлади.

Утопизм хаёл, ўй, фантазия ёрдамида обьект (предмет)нинг моделини яратиш усулидир. Мазкур модел реал ҳаётда, обьектив борлиқда бўлмаслиги ҳам мумкин. Утопия реал ҳаётга таянса, уни такомиллаштиришга интилса, обьект (предмет)ни янги сифатлар билан бойитса заарли эмас. Аммо у реал ҳаётдан, ижтимоий борлиқдан мутлақ узилган, хомхаёлга, фантазияга қурилган бўлса, ғайриҳаётний, ғайриилмий хусусият касб этади. Масалан, «Аватар» фильмида тасвирланган мифологик образлар, уларнинг мамлакати ижодкорларнинг хомхаёли, фантазия маҳсулидир. Видеотехника ақлни ҳайратга солувчи манзаралар, сюжетлар яратса-да, уларнинг илм-фанга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Утопизм тадқиқот обьекти (предмети)нинг идеал моделини яратиши туфайли қизиқиши уйғотади. Идеал модел реал ҳаётга, обьектив муносабатларга таяниши мумкин, шу нүктаи назардан утопизм обьект (предмет)ни такомиллаштириш йўлларини изловчи усулдир. Утопизмнинг ғайриҳаётый, ғайриилмий бўлгани эмас, балки унинг умуман йўқлиги илмий изланишларни қашшоқ қиласи.

Ретроспектив ёндашиш тадқиқот обьекти (предмети)нинг генезиси, шаклланиши, ривожланиш тарихини билишни тақозо этади. Илм-фанда у тарихий ёндашиш ёки тарихийлик методи дейилади. Тарихийлик методидан ўринли фойдаланиш тарихий жараёнларни, тарихий ривожланиш қонунларини, тарихни яратувчи, ҳаракатлантирувчи субъектларнинг туб манфаатлари ва мақсадларини, эволюцион ва революцион ўзгаришларни келтириб чиқарувчи ижтимоий омилларни яхши билиши даркор. Янгилик билан эскилик, эзгулик билан ёвузылик ўртасидаги зиддиятларнинг, курашларнинг имманент қонунларини билмай, ўзлаштиrmай ретроспектив ёндашишдан унумли фойдаланиш қийин.

Тарихий-маданий мерос ва артефактлар ретроспектив таҳлил қилиш қилинганида асосий эътибор ижод маҳсули ва ижод субъектига қаратилади. Тарихий маданий мерос ва артефактларнинг «тарихий ҳаёти»ни тўлиқ тиклаш имкони йўқ, лекин ретроспектив ёндашув ижод маҳсули (артефактлар, мерос) ва ижод субъекти (шахс, халқ)нинг ижтимоий-тарихий жараёнлардаги ўрнини очиб бериши мумкин.

Ижтимоий-тарихий жараёнларни даврлаштириш жамият тарақ-қиётидаги туб ўзгаришларга мувофиқ амалга оширилиши илм-фанда кенг тарқалган. Инсониятнинг тарихи ибтидоий тузум, қулдорлик, феодализм, капитализм ва коммунизм кабиларга даврлаштирилади. Лекин ҳар бир қитъа ёки халқ ушбу даврларни турлича босиб ўтади. Мутахассисларнинг фикрича, ибтидоий даврни босиб ўтмаган этнос йўқ, қолган даврлар турлича намоён бўлади.

Коммунизм умумий тенглик принципига асосланадиган даврdir, минг афсуски, кишилар сиёсий, хукуқий тенг бўлсалар-да (бу ҳам мутлақ эмас), иқтисодий, интеллектуал, жисмоний тенг эмаслар. Булар коммунизмни хомхаёл, фантазия маҳсулига, утопияга айлантиради. Бироқ кишилар, инсоният ушбу утопиядан мутлақ воз кечган эмас.

Даврлаштириш алоҳида олинган воқеа-ҳодисаларга нисбатан ҳам қўлланилади. Бундай тақдирда обьект (предмет)нинг пайдо бўлиши

ёки юзага келиши, объект (субъект) сифатида шаклланиши, ривожланиш босқичлари, таназзулга юз тутиши ёки трансформацияси, емирилиши ёки бошқа шаклга ўтиши даврлаштирилади. Ҳар бир даврнинг ўзига хос, алоҳида белгилари бўлади, айнан ушбу белгилар даврлаштиришга асос қилиб олинади. Гоҳо ушбу белги объект (предмет)нинг ташқи алоқаларидан топилади, изланади. Аммо ушбу ташқи алоқаларнинг таъсири объект (предмет)нинг ички ҳаётida. Ички тузилиши ёки қисмлари ўртасидаги муносабатларда акс этишини хисобга олиш зарур.

Халқ, миллат, шахс тарихий-маданий тараққиёт субъектлари сифатида ретроспектив ёндашишга социоантропологик моҳият баҳш этади. Инсон ва унинг ижтимоий жараёнлардаги ўрни, халқнинг, миллатнинг тарихий-маданий тараққиётга таъсири масалалари мудом ретроспектив таҳлил мавзуси бўлиб келган.

Ретроспектив ёндашиш тарихий-маданий тараққиёт субъектларининг турмуш тарзи, психологияси, социум билан алоқалари, ижтимоий институтлар фаолиятидаги иштироки кабиларни ўрганишга ҳам тадбиқ қилинади.

Тарихда шахснинг роли мавзусини ўрганиш Плутарх давридан бери давом этиб келади, лекин бу борада баҳслар кўп. Ҳозирги даврда етакчилик қилаётган фикр – тарихий шахс ва халқ оммасининг роли уйғун қаралиши даркор. Элитар ёндашиш қанчалик чекланган бўлса, политар (яъни кўпчилик, оммавийлик) ёндашиш ҳам шундай чеклангандир. Илмий тадқиқот мадҳиялар тўқишига мойил публицистика жанри эмас, у ҳаётга, инсон фаолиятига мураккаб, ички зиддиятларга тўла воқелик сифатида қарайди, уларни янада такомиллаштириш йўлларини қидиради. У инсон билимларининг нисбийлигини, чекланганигини унутмайди. Идеал тарихий шахслар йўқ («Беайб – парвардигор» деган нақлни эсланг), аммо уларни идеал кўришга интилувчилар бор, одатда бундай кишилар ҳаётни объектив баҳолашдан узоқ бўладилар. Даили ва манбаларга таянишдан улар ривоят, афсона ва бадиий тўқималарга кўпроқ ишонадилар. Илм-фан эса далилларга, манбаларга, уларнинг типологик ҳодисалар сифатида такрорланишига таянади. Даили ва манбалар объект (предмет)нинг у ёки бу жиҳати, хусусияти, белгиларига оид умумий қонуниятларни кашф этишига олиб келиши зарур. Айрим олган далил ва манба, айниқса, ривоят, афсона, бадиий тўқима бундай қонуниятлар яратишга, кашф этишига олиб келмайди. Лекин тадқиқотчи айрим далил, манба учрашидан кўз юмолмайди, худди шунингдек, улардан объект (предмет)га оид умумий қонуниятлар ҳам яратолмайди.

Фалсификация тарихни сохталаштириш, бузиб кўрсатиш усулидир. К.Поппер уни объект (предмет)ни турлича талқин қилиш усули сифатида қарайди. Бу ўринда биз уни анъанавий тарзда, маънода қўлляяпмиз.

Фалсификация ижтимоий-тарихий тараққиёт қонунларини билмасликдан, айрим олган воқеа, ҳодисани умумий қонуниятлар сифатида нотўғри талқин қилишдан келиб чиқади.

Тарихни, ўтмишни идеаллаштириш фалсификацияни авж олдиради, арзимас, айрим олинган мисол бутун ижтимоий-тарихий жараёнга, босқичга хос воқелик сифатида макталади. Фалсификацияда санохонлик, маддоҳлик бўртиб туради. Улар қарор топган муҳитда илмий изланишлар ҳам компиляциялар тўқишига айланади. Умумий қонуниятларни топишга ёрдам берадиган далил, манба, экспериментларгина фалсификациялаштиришнинг ғайриилмий хусусиятларини очиб ташлаши мумкин.

## **9-мавзу. Қиёсий таҳлил**

«Қиёсий таҳлил» икки ёки бир неча объект (предмет)ларни бирбирига солиштириш, ушбу солиштиришдан маълум бир мантиқий, назарий хulosалар чиқариш усулидир.

Қиёслаш, солиштириш субстрат (субстанция)ни бошқа объект (предмет)га таққослашни тақозо этади. Агар субстрат (субстанция) якка асос, негиз бўлса, у ўзининг ички қисмларига қиёсланиши мумкин. Масалан, материя субстрат (субстанция) бўлса, у протон ёки изотопларга, водороднинг атоми кислороднинг атомига қиёсланиши мантиқан тўғридир.

Субстрат сифатида нафақат моддий нарсалар, шунингдек нарсаларнинг сифатлари, белгилари, хусусиятлари ҳам олиниши мумкин. Бундай пайтда хulosа ушбу қиёсланаётган сифатлар, белгилар ёки хусусиятлардан чиқарилади.

Қиёслаш ташқи белгиларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин. Масалан, биз дераза, уй, стол-стулларни катта-кичиклигига ёки доира, яrim доира, тўртбурчак кўринишларига мувофиқ таққослаймиз. Агар стулларни юмшоқ ёки қаттиқлигига мувофиқ таққосласак, уларни сифатларига мувофиқ баҳолаган бўламиз.

Қиёсий таҳлил у ёки бу белгиларни, фарқларни аниқлашдан иборат эмас, у солиштиришдан чиқариладиган хulosа, фикр, пастулат учун муҳимдир. Агар шундай хulosа бўлмаса, у шунчаки, илмий изланишлардан йироқ, оддий кузатиш бўлиб қолади.

Қиёсий таҳлил рационалликка ва объективликка асосланганида илмий хусусият касб этади. Тўғри, қиёслаш мантикий хусусият касб этиши мумкин. Масалан, Платоннинг идеал давлати, шахри билан Форобийнинг фозил одамлар шахри фақат ғоявий-назарий қарашлар ёрдамидагина таққосланиши мумкин. Лекин бу қиёс рационалликка, объектив борлик талабларига таянишни рад қилмайди. Рационаллик ва объективлик барча илмий изланишлар таянадиган усуллар экан, улар қиёсий таҳлил учун ҳам мажбурийдир.

Қиёсий таҳлилда катта ва кичик, узун ва қисқа, чексиз ва чекланган, янги ва эски, юмaloқ ва чўзиқ, тез ва секин, тирик ва ўлик, онгли (ақлли) ва онгсиз (беақл), яхшилик ва ёмонлик, ижобий ва салбий каби ҳодисаларнинг икки, антиномик томонларини ифодаловчи тушунчалар қўлланилади. Юқорида айтганимиздек, мазкур тушунчалар объект (предмет)нинг ё ташқи белгилари ёки ички сифатларини ифодалайди. Қиёслаш учун ё ташқи кўринишдаги фарқларни ёки ички сифатлардаги фарқларни топиш, уларни таққослаб маълум бир хulosалар чиқариш муҳимдир. Хulosалар таққосланаётган объект (предмет)ларнинг ўзидан, уларни қиёслашдан келтириб чиқарилади. Хulosса гипотеза тарзида олдиндан тайёрланиб, қиёслаш жараённида тўлдирилиши, аниқлаштирилиши мумкин, лекин у объект (предмет)га сунъий тарзда, зўрлаб ёпиштирилмаслиги лозим. Ҳатто қиёслаш бошқача хulosага, гоҳо гипотезани мутлақ рад этувчи пастулатга олиб келганида ҳам объект (предмет)ни хulosага бўйсундириш нотўғридир.

Хulosса, фикр қиёслашнинг маҳсули бўлганида илмий изланишда объективлик ва рационаллик сақланади, тадқиқотнинг қиммати ошади.

Қиёслаш билиш жараённида ё фикран ёки эксперимент орқали амалга оширилади. Фикран амалга ошириладиган қиёслаш кузатув жараёнларида тўпланган тажрибага, мантикий фикрлашда ҳосил бўлган хulosаларга таянади. Бундай таққослашда хаёлга, фантазияга берилиш осон рўй беради, натижада тадқиқот жараёнига утопик элементлар қўшилади. Умуман хаёлга, утопияга берилиш у ёки бу даражада деярли барча илмий изланишларда учрайди, лекин улар қиёсий таҳлилдаги мантикий фикрлашни бефойда, объект (предмет)га зид, утопияларга айлантирумаслиги керак. Масалан, Платон жамиятдаadolatsizlikни, гайриинсоний ва гайриахлоқий иллаторни бартараф этиш йўлларини излаганида реал ҳаётий талаблардан келиб чиқсан, бу рационал фикр, хulosса эди. Аммо у идеал давлат, шаҳар ғоясини илгари сурганида утопияга берилади, унинг идеал

давлатни, шаҳарни файласуфлар бошқариши зарур, деган фикри, хулосаси амалга ошмас утопиядир.

Қиёслаш дуч келган нарсалар, эклектик ҳодисалар ўртасида эмас, балки маълум бир функциялари ёки сифатларида яқинлик мавжуд объект (предмет)лар ўртасида амалга оширилади. Тўғри, баъзан қиёслаш бир-бирига яқин бўлмаган, умумийлиги йўқ, ҳатто зид объект (предмет)лар ўртасида ҳам амалга оширилиши мумкин. Масалан, одамни тоққа, уйни денгизга, гиламни самолётга қиёслаганда илмий рационализмга эмас, бадиий муболағага таянилади. Қиёсий таҳлил, илмий метод сифатида, эксперимент орқали асослашга имкон беради, юқоридаги мисолларда эса эксперимент ўтказиш имкони йўқ.

Қиёсий таҳлилда кенг қўлланиладигани тавсифлаш усулидир. Тавсифлаш объект (предмет)га таъриф бериш, ундаги сифатларни илмий мақсад нуқтаи назаридан баҳолашдир. Ҳар қандай қиёслаш тавсифлашга олиб келади, тавсифлар орқали объект (предмет) қандай сифатларга эга экани очиб берилади. Қиёсланмаган тавсифлаш илмий ёндашишдан узоқ бўлади, у кўпинча шахсий, асосланмаган, тор фикр доирасида қолиб кетади. Тўғри, баъзи тавсифлар илмий асосга эга бўлмаса-да, трансляция сифатида асрлар оша сақланиб келади. Масалан, пайғамбарлар, авлиёлар, мистиклар ҳакидаги тавсифлар шундайдир. Бу тавсифларда илмий рационал ёндашиш, экспериментал асослаш эмас, балки ривоят, афсона, бадиий тўқималар асосий рол ўйнайди.

Қиёсий таҳлилда чизма ва схемалардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Улар тадқиқотчининг объект (предмет)дан нималар ёки қандай сифатлар излаётганини аниқ кўрсатиб туради. Чизма ва схемалар таққосланаётган объект (предмет)ларнинг реал ҳолатини кўрсатиб туради, фикр, хулоса ушбу ҳолатдан келиб чиқарилади. Чизма ва схемалар аргументни, далил ва мисолларни кўргазмали қиласи, фикр, хулосага аниқ йўналтирилганлик, мантиқийлик баҳш этади.

Қиёсий таҳлил далил, мисол ва гувоҳларга ҳам таянади. Далил оғзаки, ёзма ёки кўргазмали бўлиши мумкин. Оғзаки далил қиёсланаётган объект (предмет)ларнинг реал ҳолатидан ёки генезисидан яхши хабардор кишидан олинади. Муаммога оид илмий изланишлар олиб борган мутахассис кўрсатмасига таяниш тадқиқот қимматини оширади. Лекин мазкур далил мутлақ ҳақиқат, догма сифатида қаралмаслиги лозим.

Гоҳо оғзаки далил сифатида интервью, сұхбат усулларидан ҳам фойдаланилади.

Ёзма далил иккинчи ёзма манба билан ёки бошқа кишининг фикри билан қиёслангандада қиёсий таҳлил ҳисобланади. Агар айрим олган ёзма манбанинг ўзи келтирилса, бошқа манбаларга қиёсланмаса, у тарихий-социологик ёки асиологик ёндашувга айланади.

Кўргазмали далилларга турли тавсифлар, хроник ҳужжатлар, кинолавҳалар, видеоматериаллар, фотосуратлар кабилар киради. Лекин улар ҳам ўзига яқин, умумий белгиларига эга ҳужжатлар, кўргазмали далиллар билан таққосланиши зарур.

Қиёсий таҳлил ўтмишдаги воқеа, ҳодисаларни ҳозирги даврдаги жараёнлар билан таққослашни ҳам амалга оширади. Мазкур ҳолда тарихни идеаллаштириш ёки фалсификациялаш имкони пайдо бўлади. Бизнинг фикримизча, уларнинг иккаласи ҳам илмий изланиш учун номақбул ҳолдир, чунки ижтимоий ҳаётнинг мураккаб, зиддиятли хусусияти уни идеаллаштиришни ҳам, фалсификациялаштиришнинг ҳам хатолигини кўрсатади. Тарихни ҳеч қачон тўла тиклаш мумкин бўлмаганидек, ҳозирги жараёнларни ҳам тўла, объектив ўрганиш мумкин эмас. Ретроспектив ёндашув қиёсий таҳлилга ўтмишдан, тарихдан мавзу, далил, мисол топиб беради, ушбу манбаларнинг замонга нисбатан баҳоланишини эса қиёсий таққослаш усули амалга оширади. Гоҳо ретроспектив ёндашишнинг ўзи қиёсий таҳлил усулига таянади, бу аслида икки тадқиқот методининг бир-бирига боғланиб келишидан дарак беради.

Қиёсий таҳлил методи анализ ва синтез, тизимли функционал ёндашув, эмпирик ва дала материалларни йиғиш, контекст-анализ (манбалар, ҳужжатларни ўрганиш), моделлаштириш каби усуллар билан ҳам боғлиқдир. Лекин у икки ёки ундан ортиқ обьект (предмет)ларни таққослашдан иборатдир. Қаерда таққослаш илмий назарий, мантиқий фикр, хулоса билан якунланса, шу ерда қиёсий таҳлил методи кўлланилган бўлади.

Қиёсий таҳлилда обьект (предмет)нинг айнаниги, ўзи ўзи учун мавжудлиги таянч нуқта қилиб олинади ва иккинчи, қиёсланаётган обьект (предмет)нинг ҳам айнаниги унга қиёсланади. Агар обьект (предмет)нинг динамик хусусиятлари ўрганилмоқчи бўлса, қиёсланаётган обьект (предмет)нинг ҳам динамик хусусиятлари кузатилади. Обьект (предмет)нинг статик, турғун ҳолати иккинчи обьект (предмет)нинг динамик ҳолатига қиёсланса, шубҳасиз, нообъектив фикр, хулоса келиб чиқади. Генезис генезисга, шаклланиш жараённи шаклланиш жараённига, юксалиш юксалишга, трансформация жараёнлари трансформация жараёнларига қиёслангандада, обьект (предмет) ҳақида обьектив хулоса чиқарилади. Баъзи тадқиқотчилар ўзи яшаётган

даврни мақташ учун ўтмишдан камчилик, хато қидирадилар, ваҳоланки, икки давр аниқ далиллар, мисоллар ва ҳаёт соҳалари орқали таққосланиши лозим.

Қиёсий таҳлилда баъзан констатация билан чегараланиш кўзга ташланади. Ҳеч қандай далилсиз, мисолсиз объект (предмет)ни мақташ ёки уни танқид қилиш илмий изланишлар ўтказишни сийқалаштиришдир. Мақтов ёки танқид ҳам қиёслашга таянганида, объектив, илмий рационал бўлади. Далилсиз, асоссиз мақтов тилёғмаликни, танқид эса такаббурликни келтириб чиқаради. Шу боис қиёсий методда констатация ва фарқлаш ёнма-ён қўлланилса мақсадга мувофиқдир.

Қиёсий таҳлил мудом мезоний характерга эга, яъни объект (предмет)ни баҳолаш, ўлчаш, позитив ёки негатив сифатларини очиб беришдир. Фикр, хулоса ана шундай мезондир.

Дистинкция қиёслаштирилаётган объект (предмет)лар ўртасида ўзига хосликларни, фарқларни очиб бериш жараёнини билдиради. Қиёсланаётган объект (предмет)лар мутлақ айнан бўлолмайди, ҳеч бўлмаганда улар шаклан фарқланади. Лекин мазкур фарқланиш қиёсий таҳлил қилишга халақит бермайди. Масалан, ёзув столи билан ошхона столи бир-биридан шаклан фарқ қиласди, бу фарқ уларни қиёсий таҳлил қилишга халақит бермайди. Дистинкциясиз қиёсий таҳлилни амалга ошириб бўлмайди.

Аналогия қиёсланадиган объект (предмет)лар ўртасидаги боғлиқликни, яқинликни ёки маълум бир фарқларни топиш усулидир. Анолог эса қиёсланадиган объект (предмет)га яқин нусха, шакл, хусусиятдир. Аналогиз қиёслаш йўқ, шунинг учун аналог субстрат (субстанция)га ўхшаш, қиёсланадиган объект (предмет)дир.

«Изоморфизм» қиёсланаётган объект (предмет)ларнинг шаклан яқинлигини, тенглигини, айнанилигини ифодалайдиган тушунчадир. Изоморфизм шаклан яқинликни ифодаласа-да, ички хусусиятлардаги полиморфизмни рад этмайди. Аналог билан изоморфизм ўртасида ўхшашлик кўп, лекин аналогда шаклан фарқлар бўлиши мумкин.

## 10-мавзу. Эмпирик ва дала материалларини йиғиши

Илмий тадқиқотлар ё илм-фаннынг назарий-методологик масалаларига ёки ижтимоий тараққиёт талабларига мувофиқ ўтказилади. Биринчиси, соф илмий-назарий характерга, иккинчиси, эмпирик моҳиятга эгадир. Аксарият тадқиқотларда уларнинг иккаласи уйғун келади.

Илмий тадқиқотларни ижтимоий тараққиёт талаблари, әхтиёжлари билан боғлаш изланишларни схоластикадан асрайди, уларга ҳаётыйлик, динамизм бахш этади. Ижтимоий тараққиёт талаблари ва әхтиёжларини ўрганиш эмпирик методидир.

Эмпирик материалларни йиғиш ва ўрганиш объект (предмет)нинг реал ҳолатини ва идеал ҳолатга чиқиш имкониятларини аниқлашга қаратилади. Реал ҳолат объект (предмет)нинг статик қўриниши эмас, ижтимоий борлиқдаги барча объект (предмет)ларга ўзгариш, трансформация, бошқа шаклга ўтиш хосдир. Мазкур динамизм объект (предмет)нинг реал ҳолатини мураккаблаштиради, ички ва ташки алоқаларини ранг-баранг қиласи. Эмпирик материаллар эса ушбу динамизмга хос, мувофиқ бўлиши даркор.

Тадқиқот мавзуси эмпирик материаллар йиғишга таъсир этганидек, эмпирик материаллар ҳам мавзуга янгилик ажратиши ёки уни тўлдириши, аниқлаштириши мумкин. Улар диалектик боғлиқ тарзда уйғунлашганида бир-бирига зид келмайди ва тадқиқот мақсадига хизмат қиласи. Тадқиқот мавзуси аввал аниқланадими ёки эмпирик материаллар аввал тўпланадими, деб савол қўйиш бемаънилиkdir. Шунинг учун уларни мудом диалектик уйғун қараш даркор.

Дала материалларини йиғиш методи кўпинча тарихий-этнографик тадқиқотлари учрайди. У аҳолининг турмуш тарзи, урфодатлари, диалектлари, кийиниши, мулоқоти кабилар бўйича оиласи, маҳаллама-маҳалла, ҳудудма-ҳудуд юриб материаллар тўплаш методидир. Унда эътибор тарихий-этнографик аҳамиятга эга артефакларни йиғишга, тадқиқот мақсадига мувофиқ уларни классификация қилиш, картотекага тушириш, тарқалиш харитасини тузишга қаратилади. Артефакларнинг миллий, ҳудудий белгилари, аксиологик аҳамияти, маданий қиммати каби жиҳатлари аниқланади.

Эмпирик ва дала материалларини йиғиш тадқиқотнинг бошланғич босқичи, лекин у бутун изланиш жараённида давом этиши мумкин. Бошланғич босқичда тўпланган эмпирик ва дала материаллари тадқиқот мавзусини белгилаб олиш учун муҳимдир.

Эмпирик ва дала материалларининг ўзига хос белгилари:

- объект (предмет)нинг реал ҳолатини аниқлаштирувчи ҳаётый тажрибалар ифодаси;
- объект (предмет)нинг идеал ҳолатга етказиш имкониятлари ҳақида зарур маълумотлар тўплами;
- моделлаштириш учун зарур бўладиган, маълум даражада ҳаёт синовидан, тажрибадан ўтган, синалган манба.

Эмпирик ва дала материаллари объект(предмет)ни моделлаштириш ёки синовдан ўтказишга оид маълумотларга эга бўлади. Шунинг учун илмий тадқиқот объект (предмет)ни идеал ҳолатга олиб чиқиши эксперимент, моделлаштириш орқали амалга оширади.

Тадқиқотнинг илмий концепцияси, мақсади ва вазифалари эмпирик ва дала материалларини йиғиш, уларни классификациялаш ва картотекасини тузиш технологиясини яратишга ундейди. Мазкур технология эмпирик ва дала материалларини айнан тадқиқот мақсадига мувофиқ келишини таъминлаши зарур. Яъни йиғилган материаллар ўта аҳамиятли, ўртага аҳамиятли ва аҳамиятсизларга гурухланади. Ўта аҳамиятли материаллар тадқиқот мақсадига нафақат мувофиқ келадиган, шунингдек, объект (предмет)нинг идеал ҳолатини моделлаштиришда фойдаланиладиган бўлиши зарур. Йиғилган материалларда объект (предмет)нинг идеал ҳолатига ёки ривожлантирилишига оид ахборотлар бўлганда эксперимент, моделлаштиришга ўтилади. Шундай ахборотлар бўлмаган тақдирда, эксперимент, моделлаштириш орқали янги ахборотлар киритилади. Ташқаридан киритилган бундай ахборотларни объект (предмет) ҳар доим ҳам позитив қабул қиласкермайди, уларга гоҳ ошкора, гоҳ зимдан қаршилик қўрсатади. Агар бундай ахборотлар объект (предмет)нинг имманент хусусиятларига зид бўлса, ундаги анъаналарни революцион тарзда ўзгартиришга интилса, қаршилик қучаяди, ҳатто низоларни, тўқнашувларни келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун эмпирик ва дала материалларида объект (предмет)нинг идеал ҳолати ҳақида маълум бир ахборотлар бўлиши даркор. Бу объект (предмет)ни эволюцион ривожлантириш имконини беради.

Ўта аҳамиятли материалларга қайта ва қайта мурожаат этилади, улар қолган материаллардан қандай ахборотларни олиш мумкинлигини қўрсатиб туради. Объект (предмет)ни моделлаштириш ёки идеал ҳолатга етказишда ҳам асосан ўта аҳамиятли материалларга таянилади.

Ўрта аҳамиятли материаллар ўта аҳамиятли материалларни тўлдириб, кенгайтириб келади, учрайдиган тасодифий ҳоллардан хабар бериб туради. Мазкур материалларда тадқиқот мақсадига мувофиқ келмайдиган ахборотлар ҳам мавжуд бўлади, гоҳо улар тасодифий характерга эгадир. Ўрта аҳамиятли ахборотлар – материалларнинг иккинчи, ёрдамчи рол ўйнаши тадқиқотчининг хоҳиши, позициясига эмас, балки объект (предмет)нинг характерига боғлиқдир. Чунки эмпирик ва дала материаллари тадқиқот объекти

(предмети) ҳақидаги ахборотлардир. Улар ҳатто илмий концепцияга, мақсад ва вазифаларга қарши чиқиши, уларни ўзгартеришга мажбур этиши мумкин. Тўғри, тадқиқотчи эмприк ва дала материаларининг фақат талқинчиси эмас, у материалларни ўзининг мақсади, билими, онги синтезидан ўтказади, гоҳо ўз хоҳиш-иродасини материалларга зўрлаб киритади. Изланувчининг ижодий фаолияти материаллар талқинига таъсир этиши табиий ҳолдир. Бироқ бу таъсир тадқиқот объекти (предмети)нинг характерига мувофиқ келиши лозим.

Аҳамиятсиз материаллар йўқ, уларни аҳамиятли қилиш изланувчининг тажрибаси ва иқтидорига боғлиқдир. Лекин тадқиқотда дуч келган материаллардан фойдаланавермайди, бундай тақдирда, у эклектизм (бир-биридан узоқ нарсалар)га ўтиб кетиши мумкин.

Аҳамиятсиз материаллар объект (предмет)ни кенг қамраб олишга, унга комплекс ёндашувни қўллашга, изланиш жараёнида дуч келинадиган тасодифий ҳоллардан эҳтиёт бўлишга ёрдам беради.

Бундан ташқари бугун аҳамиятсиз бўлиб кўринган материаллар эртага энг муҳим манбага айланиши мумкин. Шунинг учун мутлақ аҳамиятсиз материал йўқ, аммо бугун ёки маълум бир мавзу, мақсад учун муҳим бўлмаган материаллар бор, холос.

Эмпирик ва дала материалларини йиғиш алоҳида технологияни талаб қиласи. Уларни йиғиш пайтида кимдан, қачон ва қандай усул билан олингани мудом қайд этилиши лозим. Мавзуй (тематик) ёки тизимлаштирилган картотекалар материалларни тез топиш имконини беради. Бутун мамлакат ёки кенг аудиториядан йиғилган материаллар электрон картотекалар ёки электрон ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) ёрдамида таҳлил қилинади, тавсифланади.

Эмпирик ва дала материалларини таҳлил қилиш, умумлаштириш илмий салоҳият, иқтидор билан боғлиқ ижодий жараёндир. Материалларни йиғиш, тизимлаштириш оддий ҳаракатлардир, аммо уларни илмий таҳлил қилиш, умумлаштириш интеллектуал салоҳият, етарли назарий-фалсафий билим билан боғлиқдир. Эмпирик ва дала материаллари асосан объект (предмет)нинг реал ҳолати ҳақидаги ахборотлар ҳисобланади, уларда идеал ҳолатга, моделлаштиришга оид ахборотлар 3–5 фоиздан ошмайди. Бундай ҳолатда изланувчининг асосий диққати объект (предмет)нинг реал ҳолатини ўрганишга, тавсифлашга қаратилади, албатта. Объект (предмет)нинг реал ҳолатини ўрганиш ҳам тадқиқот мақсади бўлиши мумкин, лекин илм-фан ва ижтимоий тараққиётга хизмат қилувчи изланувчи объект (предмет)нинг идеал ҳолати ҳақида ҳам ўйлаши лозим. Демак,

эмпирик ва дала материаллари ичидаги идеал ҳолатга тааллуқли 3–5 фоиз ахборотларни алоҳида ўрганиш талаб қилинади.

Эмпирик ва дала материаллари кузатув, экспедиция, интервью, сұхбат, оммавий сўровнома каби усуллар ёрдамида йиғилади. Тарихий-этнографик изланишларда кўпроқ экспедициялар уюштириш усулидан кенг фойдаланилади. Қолган усуллар экспедиция усулини тўлдириб келади. Фалсафий-социологик изланишларда эса асосан анализ ва синтез, кузатув, интервью, оммавий сўровнома усуллари қўлланилади. Ҳозир илм-фанда тадқиқот усулларининг интеграциялашуви кетаётгани кузатилади, ҳатто аниқ фанларда учрайдиган математик моделлаштириш методини бугун ижтимоий-гуманитар соҳалардаги тадқиқотлар ҳам ўзига тадбиқ этмоқда. Фалсафанинг анализ ва синтез методи эса барча соҳалардаги тадқиқотлар учун мажбурийдир.

Йиғилган материаллар объект (предмет)нинг реал ҳолати билан идеал ҳолатига мувофиқ қиёсланади ва шундан кейин юқоридаги уч (ўта аҳамиятли, ўрта аҳамиятли ва аҳамиятсиз) гурухларга ажратилади. Материаллар бошқа объект (предмет)га оид материаллар билан ҳам таққосланиши мумкин. Бу тақдирда, материаллардаги умумийлик ва муштараклиқдан эмас, балки тадқиқот обьекти (предмети)нинг характери ва мақсадидан келиб чиқилади. Қиёслашдан мақсад материаллардаги умумийлик ва муштараклиқдан обьект (предмет)нинг ривожланиш қонуниятларини топиш, кашф этишdir.

Эмпирик ва дала материалларини йиғиш маълум бир давр, тузум, институт талаблари ҳам бўлиши мумкин. Ушбу талаблар ижтимоий тараққиётга зид келмаса, обьект (предмет)нинг имманент хусусиятларини инобатга олсагина позитив аҳамиятга эгадир. Гоҳо шундай қилинадики, давр талаблари «байроғи остида» обьект (предмет)дан унинг имманент хусусиятларида йўқ ахборотлар қидирилади, ҳатто топилади ҳам. Бундай сунъий талаб сохта ахборотларни келтириб чиқаради, натижада обьект (предмет) ҳақидаги тасаввурлар, холосалар ҳам сохталаштирилади. Бундай изланишлар ижтимоий ҳаётга деярли ҳеч нима бермайди.

Эмпирик ва дала материаллари кундалик тажрибани кузатиш, ўрганиш жараённада тўпланган ахборотлар ҳамдир. Объект (предмет)-нинг реал ҳолатини изчил, ҳар куни кузатиб бориш изланувчидан сабр-тоқатни, назария билан амалиётни қиёслаб боришни, идеал ҳолатга етиш йўлларини излаб топишни талаб этади. Сабр-тоқати кам изланувчи енгил-елпи, саёз холосалар чиқаришга ёки обьект (пред-

мет)нинг имманент хусусиятларига мувофиқ келмайдиган усуллардан фойдаланишга интилади. Айниқса, ижтимоий борлик муаммоларини ўрганаётган тадқиқотчи объект (предмет) ҳолатини шошма-шошарлик қилмай, сабр-тоқат билан, изчил кузатиши лозим. Назария билан амалиётни таққослаб бориш эса илмий изланишни спекулятив-схоластикадан ва қундалиқ тажриба даражасига тушириб қўйишдан ҳамда аксинча, спекулятив-схоластика ва қундалиқ тажрибани илмий тадқиқот даражасига қўтаришдан асрайди. Шунинг учун илмий тадқиқот спекулятив-схоластика ҳам, қундалиқ тажриба ҳам эмас, у рационал методлари орқали объект (предмет)нинг реал ҳолатини объектив ўрганиш ва идеал ҳолатини моделлаштириш методларига эга ижодий фаолият туридир.

Эмпирик ва дала материалларини ўрганиш жараёнида объект (предмет)нинг идеал моделини яратиш фикри шаклланади, чунки объект (предмет)нинг реал ҳолати талабга жавоб бермай қолади ёки унинг фаолиятини, ички тизимлари ва ташқи алоқаларини такомиллаштириш эҳтиёжи туғилади. Бу тақдирда изланувчи илмий синов (эксперимент) ўтказиши мумкин. Экспериментда объект (предмет)-нинг идеал ҳолати (модели) ҳақидаги ахборотлардан фойдаланиш, уларга таяниш талаб этилади.

Йиғиладиган материалларнинг замон ва маконда ўзгариб, трансформацияга учраб туришини унутмаслик, шунинг учун улар маконга ва унда амалга оширилаётган илмий тадқиқот мақсадига мувофиқ келиши зарур. Бу ўринда «мувофиқ» сўзи материаллардан фақат тадқиқот мақсадига мувофиқ келгани олинади, деган маънода қўлланилаётгани йўқ. Эмпирик ва дала материаллари, юқорида айтганимиздек, тадқиқот мақсадига фаол таъсир этиши, ҳатто уни ўзгартириши мумкин. Демак, материаллар тадқиқот мақсадига тўла, мутлақ мос келиши шарт эмас (акс ҳолда объект (предмет)нинг билиш жараёнидан мустақиллиги йўқолади), аммо улар билан мақсад ўртасида мувофиқлик, уйғунлик бўлиши керак. Бу мувофиқлик, уйғунлик объект (предмет) билан билиш жараёнининг мустақиллигини рад этмайди.

## **11-мавзу. Сўровномалар ўтказиш усули**

Сўровномалар социологик тадқиқотлар ўтказишда кенг қўлланиладиган методдир, уларни ўтказишдан мақсад – объект (предмет) ҳақида жамоатчилик фикрини билишдир. Жамоатчилик фикри эса

объект (предмет)нинг реал ҳолати ҳақидаги ахборотдир. Шунингдек, у объект (предмет)нинг идеал ҳолати ҳақидаги тасавурлардан ҳам хабардор қиласи, у ёки бу масалага изланувчининг дикқатини жалб этади.

Сўровномалар турига кўра оммавий, гурухий ва якка тартибда ўтказилади.

Оммавий сўровноманинг адиторияси, респондентлари айрим олинган ҳудуддан тортиб, то бутун мамлакат аҳолисигача бўлиши мумкин. Бу сўровномада эътибор аҳолининг иложи борича барча қатламларини қамраб олишга қаратилади. Референдум оммавий сўровноманинг сиёсий туридир.

Оммавий сўровнома оғзаки ёки ёзма ўтказилади. Оғзаки сўровнома телефон орқали савол-жавоб, интервью тарзида ўтказилиши мумкин. Лекин бундай сўровномалар жуда кўп вақт ва репортёrlарни талаб этади. Тўғри, телефон орқали сўровнома тез ўтказилади, аммо оммавий аудитория учун кўп репортёrlар зарур.

Ёзма ўтказиладиган оммавий сўровномада анкетадан фойдаланилади. У асосан: 1) ким ва қандай мақсадда сўровнома ўтказаётгани, яъни қарши қисми; 2) савол ва унга бериладиган жавоблар варианtlари, яъни асосий қисм; 3) респондент ҳақида маълумотлар, яъни қўшимча қисм; 4) ташаккур билдириш, яъни якун қисмидан иборат бўлади.

Кириш қисмida сўровномани ким ва қандай мақсадда ўтказаётгани кўрсатилиши зарур. Бу респондентни сўровномага ишонч, масъулият билан ёндашишга ундейди. Мазкур психологик омил унутилса, респондентда сўровномага, унинг бирор ижобий натижалар беришига шубҳа уйғонади. Сўровномани эл-юртга, аҳолига яхши таниш, ўз фаолияти учун масъул институт ўтказаётгани кўрсатилса, респондентлар ҳам жавоблар беришга жиддий ёндашадилар.

Асосий қисмда тадқиқотчининг объект (предмет) ҳақидаги тасавурларини тўлдиришига, аниқлаштиришга хизмат қиласидиган саволлар акс эттирилади. Саволлар мазмуни тушунарли, лўнда, респондентларнинг ҳаётига, тажрибаси ва тасавурларига яқин бўлиши зарур, акс ҳолда изланувчи ҳеч қандай жавоб ололмайди ёки сохта жавоблар олади.

Тажриба кўрсатадики, саволларга жавоб варианtlарини бериш, биринчидан, респондент жавобларини тадқиқот мақсадига мувофиқ чегаралаш; иккинчидан, савол-жавоб жараёнини тезлаштириш ва рационаллаштириш имконини яратади. Жавоб вариантлари учдан

кам, бешдан кўп бўлмагани маъқул, агар улар учдан кам бўлса, фикрлар ранг-баранглиги, плюрализми сезилмайди, агар улар бешдан кўп бўлса, жавобларни таҳлил қилиш мураккаблашади ва тадқиқот мавзусидан ташқарига чиқиш хавфи туғилади.

Кўшимча қисмда респондентларнинг ижтимоий-демографик белгилари – миллати, жинси, маълумоти, асосий фаолияти, оиласий ҳолати, турар жойи кабилар акс этади. Унда респондентнинг исми ва фамилиясига оид саволлар киритилмагани маъқулдир.

Якуний қисмда респондентга ташаккур билдирилади.

Оммавий сўровнома аудиторияси, респондентлар сони қанча бўлиши ҳақида аниқ фикр йўқ. Баъзи тадқиқотчилар уларнинг сони, кўлам доираси умумий аудиториянинг камида 10 фоизи бўлиши лозим, деб ҳисоблайдилар. Масалан, Тошкент шаҳрида яшаётган ёшлар (16–30 ёшдагилар) сони 1 миллион деб олинса, унинг 10 фоизи 100 минг кишини ташкил этади. Камида шу сонда, кўламда олинган жавоблар сўровнома репрезентативлигини (ишончлилигини) таъминлайди.

Сўровномалар инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини, ижтимоий муҳит билан алоқаларини, оиласий ахволини, жамиятдаги мавқеини, фаолиятидан қониқиши даражасини, хуллас инсонлар билан боғлиқ барча масалаларни ҳам ўрганади. Ушбу масалалар ҳақидаги фикрлар инсон, унинг ҳаётини яхшилаш учун муҳимдир. Хуллас, инсон ҳар томонлама тадқиқ этилиши мумкин, аммо сўровномалар инсон ва унинг ҳаёти ҳақида илк ахборотларни беради холос. Демак, сўровномалар тадқиқотлар ўтказиш, зарур ахборотлар йиғиш воситасидир.

Ахборотлар кузатув, интервью, контент-анализ каби методлар орқали ҳам йиғилади, аммо уларда оммавий аудитория ва у билан бевосита алоқа, мулоқот йўқ. Анкета оммавий аудитория билан бевосита алоқа ўрнатиш усулидир. Изланувчи анкета тузаётганидаёқ аудиторияси билан мулоқотга киришади, саволларни респондентларнинг хусусиятларига мувофиқ тузади. Тўғри, бу ҳали бевосита мулоқот эмас, аммо бундай алоқасиз респондентдан холисона жавоб кутиш қийин. Яъни анкета саволлари респондентларнинг қизиқиши ва эҳтиёжларига мувофиқ келиши даркор.

Инсон сўровномага тортилганда, репортёр ёки изланувчи саволларига жавоб беради. Бу социологияда интервью методи дейилади. Интервьюда инсонга ўз фикрларини билдиришга, мавзу доирасида эрк берилади. Гоҳо бу сұхбат – диалогга айланиши мумкин. Бундай

пайтда изланувчи олган жавобларини, мақсади нұқтаи назаридан, саралашы зарур. Интервью ҳам, сұхбат ҳам мавзу доирасида бўлиши керак, акс ҳолда, улар «гап сотиши», «кўнгил очиш»га айланиши мумкин. Илмий тадқиқот интервью ва сұхбатнинг рационал, мақсадга йўналтирилган бўлишини тақозо этади.

Интервью ва сұхбат шахсий фикрни аниқлаш мақсадида ўтказилади. Айрим кишилар ёки кичик гурух билан интервью, сұхбат ҳам олдиндан режалаштирилиши лозим. Тажриба кўрсатадики, режалаштирилмаган интервью ёки сұхбат кўзланган жавоблар олишга ёрдам бермайди, инсон аффектларга берилувчан мавжудот бўлгани боис, мавзуни ўз кечинмалари томон буриб юбориши мумкин.

Шахсий фикрни мавзу томон йўналтириб туриш мулоқот технологиясидан хабардор бўлишни талаб қиласди. Шахсий фикр ҳар доим мавзу доирасидан чиқишига интилади, гоҳо унда зиддиятли мулоҳазалар, айниқса, танқид кўп бўлади. Бундай пайтда изланувчи мавзуга оид фикрларни ажратиб олиши даркор. Бунинг қисқа, самарали йўли – мавзуга оид бўлмаган фикрларни кесиб ташлашдир.

Тадқиқотчи шахсий фикрларга банди бўлиб қолиши мумкин эмас. У шахсий фикрларни бошқа фикрларга қиёслаши, уларни танқид қилиши, илмий мақсадига, обьект (предмет)нинг хусусиятларига мувофиқ келмаса, рад этиши мумкин.

Интервью ёки сұхбат пайтида олинган шахсий фикр ёрдамчи, иккиламчи характерга эга, у илмий мақсадга хизмат қилганида, уни бойитганида келтирилиши мумкин.

Тест ҳам сўровномалардан биридир. Уни ўтказишдан мақсад респондентнинг билими, кўникмаси, дунёқараши, қийин вазиятлардан чиқишига тайёрлиги кабиларни аниқлашдир. Бунинг учун изланувчи муаммо мақсадидан келиб чиқиб, ёзма ёки оғзаки савол-жавоблар тузади. Респондент тайёр жавоблардан бирини танлаши зарур.

Тест асосан респондентнинг билим даражасини аниқлаш мақсадида тузилади. Унда аниқ илмий мақсад эмас, балки бирор илм-фанга оид билимлар кўламини аниқлаш назарда тутилади. Тестда анкета усулидагидек кириш, ижтимоий демографик маълумотлар каби қисмлар бўлмайди, ҳатто ким ва қандай мақсадда савол-жавоб ўтказилаётгани кўрсатилмайди.

Тестларни кўпинча ўқувчилар ва талабалар ўртасида ўтказиш кенг тарқалган, аслида уни барча аудиторияда ўтказиш мумкин.

Савол-жавоблар позитив (тўғри) ёки негатив (чалғитувчи) бўлиши мумкин. Позитив саволларга «ҳа» ёки «йўқ» каби тасдиқлар орқали жавоб берилади. Негатив саволлар респондентни атайин чалғитиш, ундаги билимнинг қанчалик мустаҳкам эканини аниқлаш учун берилади. Бунда жавоблар вариантлари кўпаяди.

Анкета тузишда қуидагиларга эътибор бериш зарур:

- сўровномадан олинадиган жавоблар илмий муаммо билан боғлиқ бўлиши;
- объект (предмет)нинг реал ҳолати ҳақида маълум бўлмаган ёки кузатилмаган ахборотлар олиниши;
- объект (предмет)нинг ички тузилиши ва ташқи алоқаларида кечаётган жараёнлар ҳақида объектив хабарлар бериши;
- бу пастулатни, хулоса ёки фикрни тасдиқлашга ёки рад этишга олиб келиши;
- объект (предмет)нинг идеал ҳолатга этишириш учун зарур ахборотлар бериши;
- респондентларга, аудиторияга яқин савол-жавоблар таклиф этилиши;
- радикал савол берилмаслиги ва радикал жавоблар олиш назарда тутилмаслиги, сўровнома бутунлай конструктив-позитив аҳамият касб этиши керак.

Респондентлар аудиторияси илмий тадқиқот мақсадига мувофиқ танланади. Респондентларнинг илмий мавзу ва муаммодан хабардорлиги қанча юқори бўлса, олинадиган ахборотлар ҳам шунча ишонарли, қимматли бўлади. Шунинг учун ҳам эксперт сўрови, яъни мавзу ва муаммодан яхши хабардор мутахассислар ўртасида савол-жавоблар ўтказиш кенг қўлланилади. Мазкур гуруҳ – кишилар социологияда эксперталар, деб аталади.

Баъзан фокс – гуруҳлар ўртасида ҳам савол-жавоб ўтказилади. Мазкур гуруҳ махсус танлаб олинган, уларда у ёки сифатларни шакллантириш назарда тутилган кишилар бирлиги, уюшмасидир. Тадқиқот айнан ушбу гуруҳ у учун зарур ахборотлар беришини билиши лозим. Фокус – гуруҳ эксперт сифатида қимматли ахборотлар беради, тадқиқотни мазмунан бойитади. Фокус – гуруҳ, экспертлар жавобларини оммавий сўровномадаги жавоблар билан қиёслаш, тўлдириш тавсия этилади.

Оммавий сўровнинг оғзаки усули тезкорлиги, осон таҳлил қилиниши, аммо аудиториясининг кичикилиги билан ёзма усулдан фарқ қиласиди. Баъзан уни экспресс-опрос (савол-жавоб), деб ҳам аташади.

Оғзаки савол-жавоб диктофон, магнитофон, видеотасвир, баённома орқали расмийлаштирилади ёки қайд этилади. Илмий тадқиқотда ўтказиладиган экспресс савол-жавоб йиғилишда, митингда, рангбаранг гуруҳлардан иборат аудиторияларда ўтказиладиган сўровлардан режалаштирилгани, илмий муаммога йўналтирилгани, объектив – конструктив аҳамиятга эга эканлиги, ҳис-туйғуларга, аффектларга эмас, рационал фикрга таянганлиги билан ажралиб туради.

Оғзаки сўровнома усулидан радио, телевидение, газета ва журналлар кенг фойдаланадилар. Улар оддий савол-жавобдан тортиб, то ижтимоий аҳамиятга молик муаммога аҳоли муносабатини ўрганишгача бўлиши мумкин.

Кейинги пайтларда оғзаки сўровнома телефон, телекоммуникация, интернет орқали ҳам амалга оширилмоқда. Мазкур техника воситалари респондентлар аудиториясини кенгайтириш, савол-жавоб жараёнини тезлаштириш имконини беради. Лекин улар оммавий сўровномада қўлланиладиган анкета усулидек имкониятга эга эмас.

Конференция, йиғилиш ва митингларда оғзаки савол-жавоб, қўл кўтариб овоз бериш усули сифатида келади. Бундай савол-жавоб кундалик масалани, йиғилиш пайтида туғилган муаммони ҳал этади. Уни илмий тадқиқотда қўлланиладиган савол-жавоб усули дейиш қийин. Тўғри, илмий тадқиқотларда йиғилиш, конференция, митинг жавоблари келтирилиши мумкин, бироқ у, уюштирилиши ва мақсади нуқтаи назардан илмий метод бўла олмайди.

Ижтимоий фикр мудом субъектив хусусиятга эга, у чекланган ва нисбийдир. Аммо ижтимоий фикр объект (предмет)нинг реал ҳолати ва ривожланиш тенденциялари ҳақида муҳим ахборотлар беради, тадқиқотнинг объективлигини, ижтимоий-амалий аҳамиятини оширади.

Сўровнома илмий изланишлар жараёнида кетма-кет ёки бошқача фикр, мулоҳазага асосланиб, тўлдирувчи-аниқлаштирувчи усул сифатида ўтказилиши мумкин.

Кетма-кет сўровнома деганда илмий изланишларнинг мақсади ва қўламидан келиб чиқиб, савол-жавобнинг турли йилларда, турли ҳудудларда ўтказилиши назарда тутилади. Масалан, Ўзбекистонда ҳуқуқий маданиятнинг реал ҳолати ва юксалтириш муаммоларини тадқиқ этиш бир неча йиллик изланишларни талаб этади. Бундан ташқари, жавобларнинг репрезантативлигини таъминлаш учун сўровномани ҳеч бўлмаганда тўрт-беш вилоятда ўтказиш даркор. Булар бир неча йилларни ва анча кучни талаб этади. Натижада сўровнома бир неча даврга ёки ҳудудларга бўлинниб, кетма-кет ўтказилади.

Сўровнома қўшимча, тўлдирувчи-аниқлаштирувчи ҳам бўлиши мумкин. Илмий изланиш жараёнида илгариги сўровномада олинган жавобларнинг қанчалик барқарорлиги, объективлиги қайта, бошқа сўровнома, савол-жавоб орқали текшириб кўрилиши мумкин. Агар тадқиқотчи олган жавобларидан қониқмаса, уларнинг объективлигига шубҳаланса, у қайта сўровнома ўтказади. Агар у чиқарган хуносаси билан олган жавоблар ўртасида кескин фарқ ёки зиддият топса, бу тақдирда ҳам, қайта савол-жавоб ўтказиши мумкин. Хуллас, сўровномалар ўтказиш бутун тадқиқот жараёнида давом этиши мумкин.

Социологияда ижтимоий фикрни объект (предмет) ҳақидаги «дастлабки маълумот» деб аташади, бу бежиз эмас. Олинган ахборот объект (предмет)нинг айрим бир хусусиятларини, белгиларини, ҳолатини ифода этади холос. Ижтимоий борлиқдаги объект (предмет)лар эса ўзгариш, трансформацияга учраш, емирилиш, бошқа шаклга ўтиш хусусиятига эга. Бундан ташқари, улар давр талабларига мувофиқ ўзини ўзи рад, танқид қилиб ҳам туради, функцияларини, алоқаларини ўзгартиради. Булар тадқиқотчини илк ахборот билан чекланиб қолмасликка ундейди.

## 12-мавзу. Кузатиш

Кузатиш илмий тадқиқотларда кенг қўлланиладиган методлардан биридир. У оддий, кундалик кузатишлардан фарқ қиласди. Оддий, кундалик кузатиш маҳсус режалаштирилмаслиги, маълум бир хуносаларга, хатти-харакатларга, тавсияларга олиб келмаслиги мумкин. Илмий кузатиш ўз режаси ва дастурига, макон ва замонда чегараланиш хусусиятларига, пировард натижада объект (предмет)нинг реал ҳолатини такомиллаштирувчи тавсиялар ишлаб чиқишига қаратилади.

Кузатиш методини бевосита ва билвосита кўринишларга ажратиш мумкин.

Бевосита кузатишда изланувчи объект (предмет) билан яқиндан алоқада бўлади, у билан суҳбатлашади ёки фаолиятида қатнашади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, бевосита кузатиш:

- объект (предмет)ни яқиндан билиш;
- ундаги позитив ва негатив хислатларни, хусусият ва белгиларни ўзида ҳис қилиш;
- унинг хатти-харакатларига (тадқиқот дастурига мувофиқ) аралашиш, лозим топса, уларни тўғрилаш;
- идеал ҳолатига етиштириш учун зарур ахборотларни олиш;

– эксперимент ёки моделлаштириш учун керакли имкониятларни, шарт-шароитлар ва воситаларни аниқлашга, топишга ёрдам беради. Энг муҳими шундаки, бевосита кузатиш пайтида изланувчи объект (предмет) ўрнига ўзини қўяди ва шу нуқтаи назардан унинг реал ҳолатини баҳолайди.

Кузатиш объектив, холисона, бетараф бўлиши лозим. Агар эксперимент пайтида объект (предмет) тадқиқот дастуридан ташқариға чиқса ёки ижтимоий-ахлоқий ва хуқуқий нормаларни бузса, изланувчи унинг хатти-харакатларига аралашиши мумкин.

Объект (предмет)нинг тадқиқот дастурига мувофиқ ҳаракат қилишини таъминлаш учун изланувчи муомала ва ташкилотчилик маданиятига эга бўлиши даркор. Айниқса, ибратли маънавий-ахлоқий фазилатлар объект (предмет)ни тадқиқотчи истаганича ишлашга, синовларда қатнашишга етаклайди.

Бевосита кузатув техника воситаларидан фойдаланиши ради қилмайди, аммо чегаралайди. Масалан, кузатиш жараёнида изланувчи видеотехникадан, фотоаппаратдан фойдаланиши мумкин, бироқ улардан чекланган меъёрда фойдаланиш зарур. Мабодо видеотехника асосий изланувчи вазифасини бажарса, бундай кузатиш билвосита кузатиш усулига киради. Билвосита кузатишни иккинчи шахс ёки ёрдамчилар ҳам амалга оширишлари мумкин.

Кузатувнинг объектив бўлиши учун ҳар икки усулдан рационал фойдаланиш тавсия этилади.

Дала кузатуви объект (предмет)нинг реал ҳаётий ҳолатини, турмуш тарзини, урф-одатлари, мулоқоти, ёши, миллий хусусиятлари каби этномаданий ва ижтимоий-демографик белгиларини ўрганишдир. Дала кузатуви усули қўпинча тарихий-этнографик тадқиқотларда қўлланилади.

Дала кузатувини ҳам бевосита ва билвосита кўринишларга ажратиш мумкин. Бевосита дала кузатувида изланувчининг шахсан ўзи экспедицияларни уюштиради ва уларда қатнашади, манбаларни, материаллар ва ахборотларни тизимлаштиради, уларни ўта аҳамиятли, ўрта аҳамиятли ва аҳамиятсизларга гуруҳлайди. Тажриба кўрсатадики, бевосита дала кузатуви изланувчининг объект (предмет) ҳақидаги тасаввурларини шакллантиради, илмий мақсад ва вазифаларини аниқлаштириб боришга ёрдам беради. Агар объект (предмет) ҳақида яна қўшимча материаллар йиғиш зарур бўлса, ёрдамчилар (билвосита кузатувчилар) кучидан фойдаланиш тавсия этилади. Ёрдамчилар кучидан илмий кузатув йирик корхона, бутун шаҳар ёки

бутун мамлакат бўйлаб амалга оширилганида ҳам фойдаланилади. Аммо йиғилган материалларни таҳлил қилиш, изоҳлаш, улардан хулоса чиқариш мудом изланувчи зиммасидаги вазифадир.

Дала кузатувига қўйидаги талаблар қўйилади:

- ахборотлар объектив, холисона ва этномаданий анъаналарга мувофиқ келиши;
- ижтимоий-демографик қатlam (аудитория, объект (предмет), аҳоли)нинг имманент хусусиятлари етарли даражада қамраб олиниши;
- илмий мақсад ва вазифалар объект (предмет)нинг реал ҳолати, белгилари, функцияларига зид ёки қарши чиқмаслиги керак.

Дала кузатуви пайтида йиғилган ахборотлар мудом тўлдирилиб бориши лозим. Тарихий-этнографик объект (предмет)лар, уларнинг генезиси узоқ ўтмишга бориб тақалса-да, ижтимоий муносабатлар ва янги гносеологик тасаввурлар таъсирида ўзгариши мумкин. Изланувчи ушбу ўзгаришни объект (предмет)нинг туб ҳолатидан, бир қарор шаклидан ажрата олиши зарур. Бу ўринда тарихни ҳозирги замондан, замонавий ўзгаришни тарихий шаклдан фарқлаш кўникмаси талаб этилади. Традиционализм билан модернизм тарихий-этнографик объект (предмет)ларга ҳам хос эканини унутмаслик керак.

Шундай объект (предмет)лар бўладики, уларнинг реал ҳолатини, имманент хусусиятларини, ташқи алоқаларини кузатиш, аниқлаш қийин бўлади. Масалан, жамият, давлат, ижтимоий муносабатлар, миянинг функциялари ёки юракнинг бошқа органларга таъсирини фақат лабораторияларда ўрганиш, кузатиш мумкин. Объект (предмет) қанча йирик ёки бевосита кузатишдан яширинган бўлса, у шунча маҳсус лабораториялар орқали кузатишни талаб этади.

Лаборатория – маҳсус яратилган муҳит, шарт-шароит, имкондир. Унда етакчи ролни изланувчи ўйнайди, объект (предмет)лар эса белгиланган вазифаларини, функцияларини реал ҳаётдагидек давом эттирадилар. Изланувчи уларга маълум бир (илмий тадқиқот мақсадига мувофиқ) вазифалар, роллар юклайди ва уларнинг бажарилишини кузатади.

Лаборатория реал ҳаётга яқин, лекин у йирик объект (предмет)-нинг микромодели, изланувчи кузатиши мумкин шаклда, кўринишида бўлиши зарур.

Лаборатория объект (предмет)нинг айнан ўзи ёки унга хос хусусиятларни яратади. Бироқ у йирик объект (предмет)га хос белгиларни аниқлашга ёрдам беради. Айниқса, у объект (предмет)-нинг идеал ҳолати (модели)ни яратишда қўл келади.

Лаборатория тадқиқот гипотезасини текшириб кўриш усули ҳамдир. Гипотезанинг тўғрилиги лаборатория ёки эксперимент орқали тасдиқланади.

Лабораториянинг сунъий муҳит, шарт-шароит, имкон яратиши ундан олинган натижаларни сохталаштираслиги, объект (предмет)-нинг ҳолатини бўяб қўрсатишга олиб келмаслиги даркор. Тўғри, лаборатория реал ҳаёт эмас, ундаги имконлар ҳам чекланган, бироқ бу ахборотларни фалсификациялаш (сохталаштириш)га, нотўғри талқин қилишга асос бўлолмайди. Лабораториядаги энг муҳим жихат – изланувчининг объект (предмет) ҳолатига, хатти-харакатларига фаол таъсир қилиши туфайли идеал ҳолати (модели)ни яратишидир.

Кузатишлар баъзан ошкора (очик) ёки яширин тарзда (зимдан) ҳам олиб борилади. Ошкора кузатув изланувчининг бевосита иштирокини талаб этади. Объект (предмет) изланувчининг нигоҳи остида эканидан хабардор бўлади. Бу эса унга ўзининг реал хусусиятлари ва муносабатларини маълум бир доирада ушлаб, чегаралаб туришга ундейди. Мазкур ҳолда объект (предмет)нинг реал хусусиятлари ва муносабатларини объектив билиш қийинлашади. Ошкора кузатувдаги камчиликни зимдан кузатиш билан тўлдириш орқали бартараф этиш мумкин.

Зимдан кузатиш баъзан объект (предмет) ичидаги, унинг маълум функцияларини бажара туриб ҳам амалга оширилади. Бу ўринда разведкачиларнинг фаолияти яхши мисол бўла олади.

Зимдан кузатишдан энг аввало илмий мақсадга мувофиқ ахборотлар йиғиш талаб қилинади. Илмий мақсадга хизмат қилмайдиган ахборотлар аҳамиятсиз ахборотлар сифатида сақлангани маъқулдир.

Кузатиш обьекти тадқиқот обьекти ва мақсади орқали аниқланади. Уларнинг қайси бири аввал келиши тўғрисида эмас, балки уларни қандай уйғунлаштириш ҳақида қайғуриш ўринлидир. Гоҳо обьект тадқиқот мақсадини, гоҳо эса, аксинча, тадқиқот мақсади обьектни белгилаб беради. Тадқиқот мақсади ва обьекти аниқланиши биланоқ, уларни концепция атрофида уйғунлаштириш эҳтиёжи туғилади.

Тадқиқот обьекти маълум бир илмий қизиқиши ёки ижтимоий буюртма (эҳтиёж)га мувофиқ танланади. Кузатиш ушбу қизиқишига ёки буюртмага хизмат қиласиди. Аммо қизиқиши ҳам, буюртма ҳам обьектнинг мустақиллигини тан олиши, улар ўз қарашларини, мақсадларини обьектга зўрлаб сингдириши мумкин эмаслигини билиши шарт. Тадқиқот жараённада янги-янги обьектлар пайдо бўлиши, яъни

асосий объект бошқа, қўшимча объектларни етаклаб келиши мумкин. Натижада изланувчи диққатини бир эмас, бир неча объектларга қаратади. Объектларнинг кўплиги эмас, камлиги тадқиқот натижаларини, холосаларини ожиз қиласди. Аммо объектларнинг жуда кўплиги ҳам тадқиқотчини чалғитиши мумкинлигини унутмаслик керак. Асосий объектнинг хусусиятларини, алоқаларини кенг очиб беришга ёрдам берувчи, қўшимча, ёрдамчи объектларнинг кўпроқ бўлгани маъкул. Бундай тақдирда ҳам олинадиган ахборотлар асосий объектнинг ҳолатини очиб беришга хизмат қиласганда, позитив аҳамият касб этади. Демак, кузатиш обьекти асосий ва ёрдамчи кўринишларга эга. Асосий обьект тадқиқот мақсадига ва илм-фан моҳиятига мувофиқ барча жараёнда етакчи ўринда туради, изланувчининг барча диққати, кузатишлари унга қаратилади.

Асосий обьект (предмет) билан ёрдамчи обьект (предмет)лар мутлақ айнан бўлолмайди, улар ўртасидаги фарқлар эса кузатишни ранг-баранг қилишга, полиморфизмдан фойдаланишга ундейди. Шуни эсда тутиш зарурки, асосий обьект (предмет)даги хусусиятлар ёрдамчи обьект (предмет)лардаги хусусиятлар ўхшамаслиги, гоҳо уларга зид бўлиши табиий ҳолдир, бироқ мазкур обьект (предмет)лар ўртасида маълум бир алоқалар ўрнатилган, давом этаётган бўлиши мумкин. Кузатиш мазкур алоқаларни ўрганишга қаратилади.

Тадқиқотнинг мавзуси, обьекти, предмети, мақсади ва вазифалари маълум бир уйғунликни ташкил қилиши зарур. Улар ўртасидаги уйғунлик илмий концепцияни шакллантиришга асос бўлади. Тадқиқот натижалари эса ушбу концепциянинг тўғри эканлигини ё тасдиқлайди ёки тасдиқламайди. Агар концепция тасдиқланмаса (гоҳо шундай бўлиши мумкин), кузатишда хатога йўл қўйилган ёки концепция нотўғри шакллантирилган бўлади. Шунинг учун барча кузатишлар, кузатиш жараёнлари мақсад, концепция ва обьект (предмет) билан таққосланиб, ўлчаниб борилиши лозим. Кузатиш обьекти (предмети)нинг мустақиллиги унинг илмий мақсад ва концепцияга боғлиқлигини инкор қиласмайди. Ушбу боғлиқликни унуган изланувчи кузатиш усули имкониятларидан тўлиқ фойдалана олмайди, кузатиш натижаларини эса оддий баёнчиликка айлантиради.

Кузатишнинг обьективлигини таъминлаш: 1) изланувчининг билимига, обьект (предмет)нинг идеал ҳолатини кўра олишига, кузатишлар ўтказиш тажрибасига; 2) обьект (предмет)нинг реал ҳолатини обьектив баҳолашига, ундаги ички зиддиятларни очиб бера олишига ва тор, нотўғри ёки спекулятив фикрларга қарши чиқа олишига

боғлиқдир. Сийқа, компилятив (мадх), доктриналык (қотиб қолган) фикрларга ўзининг илмий билимини, позициясини қарши қўймай, тадқиқотда бирор янги гап айтиш қийин. Тўғри, илмий янгилик мавжуд билимларни, натижаларни жамлаш, бир тизимга солиш кабилардан ҳам иборат бўлади, бироқ бундай изланишлар ҳам бетакрор ғояларга, янги фикрларга муҳтождир.

Кузатиш натижалари хуросалар, чизмалар, схемалар, тавсиялар, яратилган портретлар ёки моделлар тарзида умумлаштирилади. Кузатишнинг ҳар бир жараёни, босқичи ва кўриниши якка тартибда, айрим умумлашмалар чиқаришга ундейди. Ушбу якка умумлашмалар тадқиқотнинг умумий хуросасини шакллантиради.

### **13-мавзу. Эксперимент**

Эксперимент илмий тадқиқотни ижтимоий ҳаёт билан боғлаш ва йўлда мавжуд бўлган муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш механизмларини излаш усулидир. Илмий тадқиқотнинг назарий характери эксперимент орқали синаб қўрилади. Тадқиқотчи белгилаб олган фаразини қанчалик тўғри ёки нотўғри эканини эксперимент орқали аниқлайди.

Баъзи илмий адабиётларда фикрлашга қурилган «хаёлий эксперимент» деган атама ҳам қўлланилади. Ҳар қандай эксперимент аввал бошда мушоҳада, фикр синтезидан ўтказилади. Хаёлда пишиб етилган синов, агар фараз амалий тасдиқланиши лозим бўлса, экспериментга айлантирилади.

Барча тадқиқотларни ҳам реал ҳаётда синаб кўриш имкони йўқ, бу ҳолда хаёлий эксперимент билан чегараланишга тўғри келади. Масалан, Ернинг Қуёш атрофида айланшини оддий, кундалик кузатиш, изланиш орқали аниқлаш қийин. Бу ўринда гелиоцентрик ва геоцентрик ғоялар, мушоҳадалар билан танишишга, уларнинг назарий хуросаларига таяниш билан чекланишга тўғри келади.

Илмий тадқиқотлар, айниқса, ижтимоий-гуманитар соҳаларда, кўпинча назарий концепцияларга қурилади ва назарий билимлар, назарий хуросалар, тавсиялар муҳим натижага ҳисобланади. Ушбу билим, хуроса ва тавсиялар ҳар доим ҳам экспериментал асосланиши ёки тасдиқланиши шарт эмас. Чиқарилган назарий паствулатларнинг янгилиги, асосланганлиги ёки илмий изланишлар мантиғига муво-фикалиги етарлидир.

Экспериментнинг фаразни тасдиқлаши шарт эмас, у фаразнинг нотўғрилигини ҳам тасдиқлаши мумкин. Аммо эксперимент илмий изланиш мақсадига зид келмаслиги, балки уни бойитишга хизмат қилиши даркор. Агар эксперимент тадқиқот мақсадига зид келса, демак, ёки мақсад аниқ белгиланмаган ёки фараз ҳамда эксперимент нотўғри шакллантирилган бўлади.

Экспериментнинг моҳияти илмий гипотезани, пировард натижада тадқиқотнинг ўзини реал ҳаёт талабларига қанчалик мувофиқ келишини синаб қўришдадир. Илмий тадқиқотнинг амалий қиммати экспериментда намоён бўлади. Эксперимент илмий тадқиқотнинг қайси назарий хулосаларини, тавсияларини амалиётга тадбиқ этиш мумкинлигини кўрсатади.

Эксперимент ўтказиш қачон, тадқиқотнинг қайси босқичида режалаштирилиши ҳақида аниқ тавсия бериш қийин. Тажриба кўрсатадики, гоҳо эксперимент ўтказишга зарурият тадқиқот ўртасида ёки охирида туғилади. Бундай заруратни илмий тадқиқот мантифи ёки натижаларнинг ижтимоий-амалий ҳаёт учун қимматлигини асослаш, кўрсатиш истаги талаб этади. Аммо эксперимент ўтказиш илмий тадқиқот мақсади шакллантирилаётганида режалаштирилгани маъқул. Бунинг учун эса тадқиқотчи муаммодан яхши хабардор бўлиши, илмий-назарий изланишлар натижаларини ўзининг концепциясига тадбиқ этиш қобилиятига эга бўлиши зарур.

Эксперимент сенситив изланишлардан ижтимоий-амалий мақсадга йўналтирилгани билан фарқ қиласди. Сенситив изланишлар тадқиқотчининг ички «Мен»и, рефлексив кечинмалари доирасида қолиши мумкин. Эксперимент эса ушбу ички «Мен» ва рефлексив кечинмалар (уларсиз илмий изланиш бўлмайди)ни ижтимоий-амалий эҳтиёжлар билан боғлайди, илмий фараз ва тадқиқот натижаларининг ҳаётнийлигини тасдиқлайди (тасдиқламайди).

Эксперимент рационал изланишлар маҳсулидир, чунки ижтимоий-амалий зарурият англанганликни, ақлий операция (изланиш)ларга, инсон идроки талабларига мувофиқликни талаб қиласди. Рационаллик ижтимоий ҳаётни, инсон ва социум муносабатларини такомиллаштиришга қаратилгани учун экспериментни ҳаётий қиласди. Аслида илмий изланишлар негизини рационал ёндашиш ташкил этади, демак, эксперимент илмий тадқиқотнинг рационаллигини тасдиқлаш усулидир.

Экспериментнинг амалий-тажрибавий характери илмий фаразни тасдиқлаш (тасдиқламаслик) билангина чегараланмайди, у илмий

концепцияни, назарий пастулатларни қайта шакллантиришга ёки ўзгартиришга олиб келиши мумкин. Агар тадқиқотчи олдиндан шакллантирилмаган назарияга таянса, яъни объект (предмет)ни борзиддиятлари билан ўрганса илмий изланишлар бошидаёқ экспериментга эҳтиёж сезади. Тайёр дормаларга ва хулосаларга таянадиган тадқиқотчи экспериментга ҳожат сезмайди, балки ўз изланишларини тайёр дормалар ва хулосалар билан чегаралашга интилади. Бундай осон, енгил йўл илм-фанга деярли ҳеч нима бермайди. «Америка очиш даври ўтди» деган ибора шундай тадқиқотлар туфайли туғилган.

Эксперимент ўтказиш ўз технологиясига эга. Бунда:

- илм-фан соҳаси хусусиятидан келиб чиқиш;
- илмий мақсадга таяниш;
- илмий фаразни синааб кўриш;
- объект (предмет) белгиларини унутмаслик;
- ижтимоий-амалий заруритни ҳисобга олиш;
- қарши пастулатлар олинганини очиқ эътироф этиш ва бошқа талаблар назарда тутилади.

Ҳар бир илм-фан соҳаси эксперимент ўтказишида ўз тажрибаси ва анъаналарига таянади. Масалан, фалсафа инсоннинг оламни ёки ижтимоий муносабатларни англашга, идрок этишга оид умумий қонуниятларни топишга интилса, педагогика шахсда у ёки позитив фазилатларни шакллантириш механизмларини излайди, ҳуқуқшунослик эса кишилардаги дивиант хатти-ҳаракатларни ижтимоий нормаларга мувофиқлаштириш йўлларини қидиради. Мазкур изланишлар моҳияттан позитив хусусиятга эга бўлиши даркор. Буни нафақат тадқиқотнинг мақсади, шу билан бирга тадқиқотчининг ҳаётий позицияси, ахлоқий фазилатлари, ижтимоий тараққиётга хизмат қилиш истаги ҳам белгилайди. Демак, эксперимент моҳиятига қўра позитив аҳамиятга, яъни ижтимоий фойдали аҳамиятга эга бўлиши шарт.

Илмий мақсад экспериментга йўналиш беради, уни аниқ бир мақсадга йўналтиради. Масалан, дивиант хатти-ҳаракатларни ижтимоий нормаларга йўналтириш ҳуқуқий онгни шакллантириш, у ёки бу фаолият турини ҳуқуқий нормалар ва талабларга мувофиқ ташкил этиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш механизмларини излаш кабилар орқали амалга оширилади. Мазкур механизmlар ҳуқуқшунослик фани хусусиятларига мувофиқ келиши, уни самарали воситага айлантириши керак. «Эксперимент эксперимент учун» эмас, эксперимент ижтимоий тараққиёт учун, ушбу мақсадга етишнинг самарали усувлари ва механизмларини топиш учундир.

Илмий фараз хаёлий моделдир. Мазкур моделни яратиш илмий мақсаддан келиб чиқади ва унга етишнинг қисқа, арzon, самарали механизмларини излашдир. Модел пировард натижани хаёлда тасаввур этиш, объект (предмет)нинг юксак, такомиллашган шаклини хаёлда яратишидир.

Хаёлий моделда реалликдан узоқлашиш, фантазияга берилиш кўп. Аммо бу экспериментли реал ҳаёт талабларига қурилишини рад этмайди. Демак, модел реал ҳаёт талабларидан келиб чиқиб яратилади.

Эксперимент фаразни, хаёлий моделни қанчалик реал ҳаёт талабларига мувофиқ келишини синаб кўриш усулидир. Фаразнинг реал ҳаёт талабларига мудом мувофиқ келиши шарт эмас, аммо у тадқиқот усулларини такомиллаштиришга хизмат қилиши лозим. Масалан, маълум бир гуруҳда ёки синф ўқувчилари ичида дивиант хатти-ҳаракатларни бартараф этишга қаратилган маъруза ўқилди, дейлик. Битта маъруза билан мактаб ўқувчиларида қонунга итоаткорликни шакллантириб бўлмайди. Ҳатто туркум маърузалар ҳам камлик қиласди, чунки маъруза ижтимоий-тарбиявий воситаларнинг ягона самарали шакли эмас. Демак, маъруза учрашув, сухбат, реал ҳодисаларни таҳлил этиш, хуқуқбузарлик нималарга олиб келишини намойиш қилувчи видеотасвирларни кўрсатиш каби усуллар билан тўлдирилиши зарур. Мактаб ўқувчиларида дивиант хатти-ҳаракатларни бартараф этишда ижтимоий-тарбиявий усуллардан комплекс фойдаланилгач, эксперимент натижаларини чиқариш мумкин. Экспериментни фақат маъруза билан чегаралаш объект (предмет)нинг мураккаб, зиддиятли, ҳатто бекарор хислатларини етарли ҳисобга олмасликдир.

Экспериментда объект (предмет)нинг белгилари ҳам ҳисобга олиниши лозим. Яъни объект (предмет)нинг ёши, жинси, психологик ҳолати, маълумоти, касб-кори, этномаданияти кабилар назарда тутилиши керак. Объект (предмет)нинг белгиларини ҳисобга олмаслик экспериментни мажбуrlаш усулига айлантиради, объект (предмет)да салбий муносабатларни уйғотади. Бу ҳол экспериментдан кутилаётган позитив натижани камайтиради ва тадқиқотчини нотўғри хулосалар чиқаришга етаклайди. Тўғри, барча экспериментлар ҳам позитив хулосаларга олиб келавермайди, аммо тадқиқотчи объект (предмет)-нинг реал ҳолатини идеал ҳолатга юксалтириш мақсадини унутолмайди. Шунинг учун ҳам тадқиқотчидан, ҳатто эксперимент позитив натижалар бермаган ҳолда ҳам, объект (предмет)нинг реал ҳолатини

такомиллаштириш, идеал ҳолатга етказишнинг самарали усулларини, механизмларини топиш талаб этилади.

Фараз тасдиқланмай қарши пастулатларга олиб келганида ҳам эксперимент муҳим аҳамият касб этади. Бундай ҳолда экспериментни қайтадан ўтказиш, ҳисобга олинмаган ҳоллар, воситалар тикланиши, ҳатто эксперимент режаси мутлақ янгидан тузилиши мумкин.

Ижтимоий-гуманитар соҳалардаги экспериментларнинг объект (предмет)лари инсон ва жамият, улар ўртасидаги муносабатлар, алоқалардир. Бу муносабатлар, алоқалар мураккаб, ранг-баранг, гоҳ очиқ гоҳ ёпиқ, зиддиятларга тўла бўлгани учун эксперимент ўтказишга қатор талблар қўяди. Тадқиқотчи энг аввало нимани ўрганмоқчи эканини, фараздаги мақсадни аниқ тасаввур этиши зарур. Сифат ўзгаришларини ўрганишга қаратилган эксперимент инсон ва жамиядаги маълум бир хусусиятларни, фазилатларни такомиллаштиришга қаратилади. Сон ўзгаришларини аниқлашга қаратилган эксперимент эса инсон фаолиятидаги ёки жамият ҳаётидаги динамик жараёнларни ўрганишга, ушбу жараёнлар суръатини янада ошириш, юксалтириш имкониятларини қидиришга интилади. Сифат ва сон ўзгаришлари ёнма-ён, диалектик тарзда кечгани учун баъзи экспериментларда уларнинг иккаласини ҳам қузатиш, фаоллаштириш йўллари изланади.

Экспериментларнинг илмий, амалий (дала), табиий ва лаборатория (сунъий) кўринишлари мавжуд.

Илмий эксперимент махсус мавзуда изланишлар олиб бораётган мутахассис томонидан ўтказилади. Ундаги илмий мақсад, ушбу мақсадга етиш йўлларини излашга қаратилган фараз (гипотеза) махсус шакллантирилган дастур ва режа, объект (предмет)нинг реал ҳолатини идеал ҳолатга етказиш, юксалтириш усулларини, механизмларини қидириш кабилар экспериментга рационал ёндашишга ундейди. Демак, илмий рационаллик илмий экспериментнинг бош хусусиятидир.

Ҳар қандай экспериментда илмийлик бўлиши мумкин. Фараз (гипотеза) у ёки бу объект (предмет)ни такомиллаштиришни назарда тутса, унинг реал ҳолатини идеал ҳолатга етказишга қаратилса, инсон ва жамият ҳаётини юксалтиришдан келиб чиқса, у рационаллик касб этади.

Илмийлик ҳозирги давр, объект (предмет)нинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш билан боғлиқдир. Реаллик ёки объект (предмет)нинг реал ҳолати унга долзарблик бахш этади. Тўғри, тадқиқотчи объект (предмет)нинг ретроспектив ва перспектив ҳолатини ўрганишдан воз кечмайди, аммо у мудом реаллик ёки объект (предмет)нинг реал

холатини изланишларига таянч нүктаси қилиб олади. Шу тариқа долзарблик келиб чықади. Долзарб бўлмаган изланишнинг илмий rationalligi шубҳа уйғотади. Демак, долзарблик илмий экспериментга қўйиладиган асосий талаблардан биридир.

Илмий эксперимент замонавий қарашлар ва тадқиқот усулларига таянади. Бу билан у объект (предмет)нинг реал ҳолатини замонавий билимлар нүктаи назаридан ўрганилишини тасдиқлайди. Объект (предмет)нинг динамик хусусияти ҳар доим замонавий билимлар, қарашлар ва усуллардан фойдаланишни тақозо қиласди.

Илмий эксперимент, ҳар қандай илм соҳаси каби турли плюралистик ёндашишлар ва қарашларга жой қолдиради, ўзи ҳам ана шу ёндашишлар ва қарашлар маҳсули сифатида шаклланади. Янгилик излаш илмий экспериментга қўйиладиган навбатдаги талабдир.

Илмий экспериментда инкорни инкор методи ҳам, эволюцион тараққиёт усули ҳам, гоҳо эса радикал хусусиятга эга ёндашиш ҳам қўлланилиши мумкин. Аммо фараз (гипотеза) объект (предмет)нинг имманент қонунларига ва замонавий билимларни мутлақ рад этишга қурилмаслиги керак. Ҳар қандай объект (предмет)нинг реал ҳолати илгариги ҳолатининг давоми, демак эволюцион ривожланиш ёки ўзгариш объект (предмет)нинг реал ҳолатини идеал ҳолатга етказишида ҳисобга олиниши даркор. Айниқса, инсон ва жамият тараққиётида радикализм фожиаларга олиб келишини унутмаслик керак. Илмий эксперимент радикализмдан огоҳлантиради. Маълум бир шахслар хаётида, гуруҳда синаб кўрилган эксперимент нималарни, қандай хаёт тарзи ва тартибларни ижтимоий муносабатларга жорий этиш мумкин ёки мумкин эмаслигини кўрсатади. Моделда синаб кўрилмаган ўзгаришни, новация (янгилик)ни жамият ҳаётига тадқиқ этиш зўравонликни келтириб чиқаради. Моделда синаб кўриш илмий эксперимент олдига қўйиладиган навбатдаги талабдир.

Фараз (гипотеза) экспериментнинг ўзига хос дастуридир. Мазкур дастурнинг rational ишлаб чиқилиши, яратилиши, экспериментнинг муваффақиятини белгилайди. Экспериментда олинган зид, қарама-қарши натижалар ҳам муваффақиятдир. Эксперимент натижаларини аввалдан режалаштириб бўлмайди, бундай синовга ҳожат йўқ. Эксперимент кутилмаган хulosаларга олиб келиши, реал ҳолатнинг шу пайтгача англашмаган, илғанмаган белгиларини очиб бериши билан қимматлидир. Шунинг учун фараз (гипотеза) доим тасдиқланиши шарт эмас.

Амалий (дала) эксперимент деганда инсон ва жамият ҳаётини, улар ўртасидаги муносабатларни, алоқаларни юксалтириш мақсадида, уларнинг табиий оқимига, кечишига аралашмаган ҳолда ўтказиладиган синов усулидир. Масалан, тадқиқотчи жазирама иссиқда, тушпайтида далага ишлов бераётган дехқонларга ёки ёлланма хизматчиларга ишни эрталаб соат  $7^{00}$  дан эмас,  $6^{00}$  дан бошлаб, тушликда бир соат ўрнига икки соат дам олишни таклиф этади. Тадқиқотчи дала ҳаётига бевосита аралашаётгани йўқ. У фаразини таклиф қилмоқда холос. Ушбу таклифни қабул қилиш ёки рад этиш дехқонлар ёки ёлланма хизматчилар ихтиёридадир. Бироқ дала ишларидан яхши хабардор киши бу таклифда рационал асос борлигини илғайди. Кейин тадқиқотчи таклифи меҳнат самарадорлигига, кишилар кайфиятига, фермер билан ёлланма хизматчилар ўртасидаги муносабатларга қандай таъсир қилганини аниқлайди. Таклиф айрим кишиларга, айниқса, узоқ масофадан қатнайдиган хизматчиларга тўғри келмаслиги мумкин. Тадқиқотчи бундай кишиларнинг муносабатларини, кайфиятини ҳам қайд этиши зарур.

Бундай экспериментни ҳар қандай меҳнат жамоасида, йўловчилар, савдо-сотик билан шуғулланувчилар, қурувчилар ва тасодифий гурухлар ўртасида ўтказиш мумкин.

Дала экспериментида тадқиқотчи бевосита иштирок этмайди. Агар у мазкур соҳадан бехабар бўлса, реал ҳолатга аралашмагани, уни ташқаридан кузатгани маъқулдир. Лекин у, агар эксперимент илмий мақсад доирасидан чиқса ёки кишилар ҳаётига хавф туғдирса, экспериментга аралashiши, ҳатто уни тўхтатиши зарур. Эксперимент бирор янгилик, новация олиб киришга қаратилади, баъзан бундай янгилик барқарор муносабатларга эга давралар, кишилар томонидан қабул қилинавермайди. Натижада тадқиқотчи экспериментда бевосита қатнашишга, янгиликни, новацияни фаол қўллаб-қувватлашга, бунинг учун турли стимуллар (рағбатлантириш усуллари)дан фойдаланишга мажбурдир. Олинадиган ахборотларнинг объектив, тўла бўлиши учун дала (амалий) экспериментда тадқиқотчининг ташқаридан кузатгани ўринлидир.

Дала (амалий) экспериментини баъзан табиий эксперимент деб ҳам аташади. Ҳар иккала синовда ҳам тадқиқотчи билвосита кузатиш маслаҳат берилади, чунки бу реал ҳолатнинг табиий кечишини таъминлайди.

Табиий синовлардан олинадиган ахборотларни саралашга бир қатор талаблар қўйилади. Ахборотлар: 1) объект (предмет)нинг реал

холатини ифода этиши; 2) имманент хусусиятларига зид келмаслиги; 3) фаразни рад этса-да, илм-фанда тан олинган пастулатлар ва қонунларга қарши чиқмаслиги; 4) танқидий өндешувларга жой қолдириши; 5) бошқа методларни ҳам қўллашга ғов бўлмаслиги; 6) натижалари позитив аҳамиятга эга бўлиши даркор.

Лаборатория – сунъий, маҳсус уюштириладиган эксперимент усулидир. Унда тадқиқотчи фаол қатнашиш имконига эга. Лаборатория тадқиқотчи фаразининг моделда, маҳсус шакллантирилган муҳитда, кишилар даврасида, тадқиқотчининг бевосита кузатуви ва аралашувида амалга оширилади. Уни ўтказишга қуидаги талаблар қўйилади:

- илмий тадқиқот мақсадига мувофиқ келиши;
- фараздаги позитив натижаларга йўналтирилиши;
- маҳсус муҳит, шарт-шароит яратилиши;
- фараз дастури эксперимент қатнашчиларига яхши маълум бўлиши;
- эксперимент қатнашчилари синов натижалари учун масъуллигини билиши;
- лабораторияда инсон ҳаётига хавф соладиган вазият юзага келмаслиги;
- умуминсоний ахлоқий қадриятларга амал қилиниши;
- бирор илмий янгиликка йўналтирилиши лозим.

Лаборатория сунъий характерга эга бўлса-да, у табиий муносабатлардан мутлақ холи эмас. Эксперимент қатнашчилари мудом сунъий муҳитда қололмайди, уларга ҳам табиий, инсоний алоқалар хосдир.

Лабораторияга космик кема ёрқин мисолдир. Ердан узокда учиб юрган космонавтлар экспериментда қатнашаетганини, барча хатти-харакатлари тартиблаштирилгани ва чекланганини билсалар-да, табиий алоқаларини давом эттирадилар; инсоний муносабатлар кимсасиз фазода янада аҳамиятлидир. Шунинг учун тадқиқотчи лаборатория – сунъий муҳит, шарт-шароит яратса-да, унинг асосий диққати табиий, инсоний муносабатларни юксалтириш йўлларини, механизмларини топишга қаратилади.

Эксперимент натижаларини ўлчаш ва баҳолашда сифат ва сон, барқарорлик ва беқарорлик, динамик ёки статик, конструктив ёки деструктив, прогрессив ёки регрессив, ижобий ёки салбий каби мезонлар қўлланиллади. Аммо қўлланилган мезонлар илмий мақсад ва фаразга хизмат қилиши, тадқиқот мантиғи доирасида бўлиши керак.

Эксперимент натижаларининг бош мезони объект (предмет) реал ҳолатини идеал ҳолат томон юксалтирганидир.

## **14-мавзу. Контент-анализ ва статистик маълумотлардан фойдаланиш**

Контент-анализ деганда ҳужжатлар тўплаш ва улардан илмий мақсадга мувофиқ фойдаланиш методи назарда тутилади. Ҳужжатлар расмий ва норасмий турларга бўлинади. Расмий ҳужжатларга парламентлар, ҳукумат ва давлат институтлари томонидан қабул қилинган, махсус тарзда қайд этилган ҳужжатлар киради. Ушбу ҳужжатлар кўпинча давлат архивлари ва идораларида, музейларда, баъзан эса шахсий кутубхоналарда сақланади.

Норасмий ҳужжатларга у ёки бу шахс томонидан ёзилган ёки тасдиқланган, оилавий характерга эга, кишиларабо муносабатларга тааллуқли бўлган ҳужжатлар, асар ва матнлар киради. Бундай ҳужжатлар одатда турли ариза ва мурожаатномалар, хатлар, қўлёзма тарзидаги матнлар, китоблар, хомаки ёзувлар бўлади. Улар қўлёзмалар институтлари, музейлар, кутубхоналар, оилавий ёки шахсий фондларда сақланади.

Илмий изланишларда кўп учрайдигани расмий ҳужжатлардан фойдаланишdir. Масалан, юридик соҳадаги илмий изланишларда асосан парламентлар томонидан қабул қилинган қонунлар, шартномалар, мурожаатномалар, ҳукумат раҳбари қабул қилган қарорлар, буйруқлар, дастурий ҳужжатлар, режалар кабиларга мурожаат этилади, улар таҳлил қилинади. Шунингдек, ҳуқуқшунослар ҳукумат томонидан қабул қилинган расмий ҳужжатларни, давлат институтлари қабул қилган қарорлар ва қонуности ҳужжатларини, жамоат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида қўллаётган норматив кўрсатмаларни ҳам ўрганадилар.

Қандай ҳужжатлардан фойдаланиши тадқиқотчининг ўзи ҳал қиласи. Аммо бу илмий мақсадга боғлиқ бўлиши, муаммони ўрганишга, уни объектив тадқиқ этишга хизмат қилиши лозим.

Ҳужжатлардан фойдаланиш илмий тадқиқотнинг қимматини оширади, унда объективликни таъминлайди. Тўғри, тадқиқотчи ҳужжатнинг мавжудлигини қайд этиш билан чегараланмайди, у матнларнинг моҳиятини таҳлил қиласи ва илмий мақсадига мувофиқ уларга баҳо беради.

Ёзма манба ва матнлар ёзма, қўлёзма, архив ёзувлари, оммавий ахборот воситалари, айниқса, телевидение, магнитофон, видеотасвир, диктофон кабилардаги ёзувлар, шахсий ҳужжат ва кундаликлар, эсдаликлар, таржимаи ҳоллар, тавсифномалар, далолатномалар каби кўринишларда мавжуддир. Мазкур ҳужжатлар илмий муаммони объектив тадқиқ қилишга ёрдам беради. Бироқ ҳужжатларда ўз даврининг ва муаллиф шахсий кечинмаларининг таъсири борлигини ёддан чиқариб бўлмайди. Улар ҳар доим ҳам реал ҳаётга, ундаги жараёнларга мувофиқ келавермайди. Демак, ҳужжатлардан фойдаланиш илмий муаммони ўрганишнинг ягона усули эмас, у бошқа усуллар билан ёнма-ён фойдаланилганида, илмий мақсадга хизмат қиласди.

Ҳужжатлар конструктив, экземплификация, матн моҳиятини ўрганиш, статистик маълумотларни жамлаш, типологик таҳлил усуллари орқали тадқиқ этилади.

Конструктив усул ҳужжатлардаги ижтимоий-амалий, давр эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган манбаларни, фикр, тавсия ва матнларни ўрганишга қаратилади. У ҳужжатларнинг моҳиятидаги илмий муаммога ёки унинг ечимиға тааллуқли бўлган, замонавий масалаларни конструктив ҳал этишга қаратилган жиҳатларга эга бўлгани учун қимматлидир.

Конструктив усул ҳужжатларни объектив таҳлил қилишга халақит бермаслиги зарур. Ижтимоий-амалий эҳтиёж ҳужжатларни давр талабларига мувофиқ соҳталаштиришга асос бўлолмайди. Ҳужжатларга объектив ёндашиш илмий тадқиқотлардаги асосий талаблардан биридир.

Экземплификация деганда ҳужжатларнинг ягоналигини, камдан-кам ҳолда уларнинг бошқа нусхаларда учрашини, шунинг учун илмий тадқиқотларда уларнинг нафакат қимматли манба эканини, шунингдек, тор, гоҳо нотўғри фикрлар ҳам уйғотишини назарда тутиш тушунилади. Ҳа, тарихий ҳужжатлар, манбалар кўпинча бир нусхада учрайди. Аммо улар қанчалик қимматли бўлмасин бутун илмий муаммонинг ечимиға мутлақ асос бўлолмайди. Уларнинг нусхалари бошқа ҳужжатлар билан қиёсланиши, тўлдирилиши зарур.

Тадқиқотчининг диққати матн моҳиятини, яъни ҳужжатда нима назарда тутилаётганига, қандай масалалар қўйилаётганига ёки муҳокама қилинаётганига, муаммоларни ҳал этиш учун нималар, қандай усуллар тавсия этилаётганига қаратилиши даркор.

Матнда давр хусусиятлари, фикрлаш стилистикаси, шахсларнинг индивидуал-сенситив кечинмалари ва муносабатлари акс этади. Уларнинг барчасини тадқиқотга кўчириб ёки муаммони уларга қуриб бўлмайди. Тадқиқотчи қайси фикрни, манбани ёки қарорни танлашини билиши лозим, акс ҳолда матнларга қўмилиб улар тагидан чиқа олмай қолади, вақти ва кучини нокерак нарсаларга сарф этади. Методларнинг самараси шундаки, улар тадқиқотчини аниқ мақсадга тез, осон, самарали этиш технологияси билан қуроллантиради, унинг вақти ва кучини тежайди, тадқиқотнинг илмий рационаллигини таъминлайди.

Статистик маълумотларни тўплаш ва улардан самарали, ўринли фойдаланиш тадқиқотчининг илмий қобилиятини кўрсатади. Улардан илмий хулосалар чиқариш тадқиқотнинг ишончлилигини, асослигини оширади.

Статистик маълумотлар факат статистика институтлари тарқатадиган рақамлар, маълумотларгина эмас. Бундай рақамлар ва маълумотлар асарлар, тўпламлар, турли ҳисботлар, ҳатто шахсий ҳужжатларда ҳам учрайди. Илмий тадқиқотларда кўпинча расмий статистикадан фойдаланилади. Улар, биринчидан, бутун мамлакат, ҳудудларни қамраб олади; иккинчидан, маҳсус текширувлардан ўтади; учинчидан, маълумотлар учун масъул идора ёки шахс мавжуд. Ишончли, маҳсус текширувлардан ўтган манбаларга таяниш илмий тадқиқотлар олдига қўйиладиган талабдир.

Типологик таҳлил деганда ранг-баранг манбалар ва маълумотларни илмий мақсадга хизмат қиласиган мавзулар бўйича гурухлаш, уларнинг умумий, типологик хусусиятларини топиш назарда тутилади. Контент-анализ пайтида тадқиқотчи турли. Гоҳо бир-бирига зид, баъзан эса муаммога алоқаси йўқ матн ва манбаларга дуч келади. Уларни типологик сараламай, энг зарур, зарур ва мавзуга алоқаси йўқ гурухларга ажратмай, тадқиқотчи кўзлаган мақсадига эриша олмайди, тадқиқотини энг муҳим асосдан, яъни фактик материаллардан маҳрум қиласиди.

Статистик маълумотлар асосан рақам-кўрсаткичларда ифодаланади. Рақам-кўрсаткичлар воқеа-ходисаларни сонлар орқали ифодаланишидир.

Рақам-кўрсаткичлар воқеа-ходисаларнинг сонини, муддатини, эни, узунлиги, вақт ва маконда кечишини, динамик ўзгаришини, ҳатто сифатларини ифода этиши мумкин. Улар муаммони математик моделлаштиришга, аниқ ва лўнда ифодалашга ёрдам беради.

Статистик маълумотлардан фойдаланиш илмий мақсад доирасида бўлиши керак, улардан ҳаддан ташқари кўп фойдаланиш анализ ва синтез аҳамиятини сусайтиради. Илмий хуносалар чиқариш имконини чеклайди. Шунинг учун статистик маълумотлар илмий мақсадга этишга, гипотезани асослашга ёрдам берадиган ёрдамчи усулдир.

Статистика ва индукция-дедукция методлари бир-бирини тўлдириб келади. Индукция ва дедукция назарий мушоҳадаларга қурилганидек, статистика ҳам пировард натижада назарий мушоҳадаларга етаклайди. Умумийдан хусусийга ёки хусусийдан умумийга бориш асосан назарий мушоҳадалар орқали амалга оширилганидек, статистика ракам-кўрсаткичлар доирасида қола олмайди, демак, ҳар қандай илмий тадқиқот назарий мушоҳадалари билан қимматлидир. Кўпинча статистик маълумотлардан индуктив усул сифатида фойдаланишади, яъни айрим олинган статистик маълумотлардан дедуктив хуносалар чиқаришади. Бундай ёндашув воқеа-ходисаларни жўн тушуниш маҳсулидир. Рақам-кўрсаткичлар индуктив поғонада қола олмайди, улар давом эттирилиши, дедуктив хуносалар чиқариш даражасига етказилиши зарур. Акс ҳолда ҳар қандай ракам-кўрсаткич умумий хуоса чиқаришга асос қилиб олинади, умумийга хос бўлган жиҳатлар – кўп функционаллик, ранг-баранглик, зиддиятлилик, охир натижада эса объективлик принципи бузилади.

Объектив олам ранг-баранг предметлардан иборат. Уларни сонда кўрсатиш қийин эмас, аммо тадқиқот мазкур предметларнинг сонини қайд этишга ёки санашга қаратилмайди. Тадқиқот энг аввало предметнинг моҳиятини, имманент хусусиятларини, уни реал ҳолатдан идеал ҳолатга юксалтириш механизmlарини топишга қаратилади. Ушбу белгилар ва механизmlарни умумий назарий мушоҳадалар, фалсафий пастулатлар, ғоя ва фикрлар орқали ифодалаш мумкин. Тўғри, бу ёндашиш ҳам объектив оламни тўлиқ ифода этолмайди, аммо инсон билими, онги ва тафаккури бошқа ёндашувни ҳали кашф этган эмас. Демак, статистика методи ҳам чеклангандир, у фалсафий-назарий мушоҳадаларга хизмат қилиб, ўзининг илмий аҳамиятини исбот этади.

Расмий статистик маълумотларнинг коњюктур хусусиятга эга эканини унутиб бўлмайди. Улар расмий идоралар ихтиёридаги маълумотлар бўлгани учун у ёки бу томонга ўзгартирилиши, гоҳо сохталаштирилиши мумкин. Кузатишлар кўрсатадики, бошқаришда валюнтаризм кучайганида статистик маълумотлар сохталаштириллади, объект (предмет)нинг реал ҳолатига зид рақам-кўрсаткичлар пайдо

бўлади. Шунинг учун расмий статистика объект (предмет)нинг реал ҳолатига солиширилиши лозим. Тўғри, буни ҳар доим ҳам амалга ошириш имкони йўқ. Айниқса, бутун мамлакат ёки ундаги ранг-баранг ижтимоий муносабатлар тадқиқот объекти қилиб олинганида, бундай солиширишга имкон бўлмайди. Бу пайтда реал ҳаётдаги айрим мисолларга ёки ҳодисаларга мурожаат этилади. Аммо айрим мисоллар ёки ҳодисалар ҳали расмий статистик маълумотларни мутлақ рад этишга асос бўлолмайди, улар, яъни айрим мисоллар ва ҳодисалар расмий статистикани инкор қилишга ҳам қаратилиши ҳам мумкин эмас. Айрим мисоллар ва ҳодисалар статистик маълумотлар маълум бир сабабларга кўра ҳисобга ололмаган жиҳатлар ҳам борлигини кўрсатади.

Расмий статистик маълумотлардан фойдаланганда, қуйидаги-ларга эътибор бериш тавсия қилинади:

- рақам-кўрсаткичларнинг объект (предмет)нинг реал ҳолатига мувофиқ келишига;
- объект (предмет)нинг ривожланиш динамикасига зид келмаслигига;
- норасмий маълумотлар билан қиёсланиши ёки тўлдирилиши мумкинлигига;
- ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларни ўзида ифода этишига.

Агар статистик маълумотлар объект (предмет)нинг реал ҳолатини ифода этмаса, уларни танқидий баҳолашдан қайтмаслик лозим. Аммо ушбу танқид илмий рационал бўлиши, илмий мақсадга хизмат қилиши керак. Айниқса, ўтмишни баҳолаганда, ўтмишдаги воқеа-ҳодисаларга оид расмий маълумотларга мурожаат этганда, уларнинг ўша давр учун позитив аҳамиятга эга бўлганини унумаслик даркор. Ўтмиш ўзидан аввалги ўтмиш, давр, босқич билан қиёсланиши шарт. Ўтмишнинг замонавий босқичга мос келмайдиган томонларини топиш осон, аммо унинг ўзидан аввалги давр, босқич билан қиёслаш объективдир.

Расмий статистик маълумотлардан дедуктив хулосалар чиқаришга шошмаслик керак. Уларга шубҳа билан қараш илмий тафаккур-нинг хусусиятидир. Объект (предмет)нинг реал ҳолати, ундаги динамик ўзгаришлар гоҳо расмий статистикада етарли акс этмаслиги мумкин. Бундай тақдирда, расмий статистика билан чегараланиб қолмаслик, балки уни норасмий маълумотлар билан қиёслаш, тўлдириш мақсадга мувофиқдир.

Норасмий статистик маълумотлар шахсий, кенг миқёсда тасдиқланмаган, индивидуал-сенситив кечинмаларга курилган бўлиши, ҳатто расмий статистик маълумотларга зид келиши мумкин. Автобиографик ҳужжатлар, тавсиянома ва тавсифномалар, кундаликлар, бадиий ёки публицистик асарлар, ариза ва шикоятлардаги маълумотлар расмий статистик маълумотлардан фарқ қиласи. Улардан қайси бирига таянишни тадқиқотчининг ўзи ҳал қиласи. Бу ўринда тадқиқотчининг илм-фан олдидаги масъуллиги, виждони ва изланувчанлик этикаси муҳим роль ўйнайди.

## **15-мавзу. Интервью ва экспресс-интервью**

Интервью жамоатчилик фикрини ўрганиш усулидир. Унда тадқиқотчи билан фикри ўрганилаётган респондент шахс (эксперт, реципиент (лотинчада *recipientis* – қабул қилувчи, яъни бу бошқа бир объектдан ниманидир олувчи, қабул қилувчи объектдир)) ўртасида бевосита алоқа юзага келади. Ушбу алоқани ташкил этиш, у илмий мақсадга йўналтириш тадқиқотчининг вазифасидир.

Интервью бир респондент билан ёки бир груп ўртасида ўтказилади. Унда аудитория чекланган бўлади. Қандай шахсни ёки групни интервьюга тортиш илмий мақсад ёки гипотезадан келиб чиқиб белгиланади. Баъзан у ёки бу пастулатни, ғояни, фикрни тасдиқлаш, аниқлаштириш учун интервью ўтказилади.

Интервью методи оммавий сўров (анкета)дан аудиториясининг чеклангани ҳамда тадқиқотчи ва респондент ўртасидаги бевосита алоқа ўрнатилгани билан фарқ қиласи. Оммавий сўровномада турли қатламлар, турли фикрлар ва қарашларга эга, ҳатто тасодифий шахслар қатнашиши мумкин. Интервью методида илмий мақсадга хизмат қиласиган, унга этиш йўлларини, механизмларини кўрсатиб бера оладиган шахслар, груп интервьюга жалб этилади.

Интервью аввалдан ишлаб чиқилган режа асосида ўтказилади. Мазкур режа илмий мақсад ёки гипотезага мувофиқ ишлаб чиқилади. Тадқиқотчи ўз вақтидан рационал фойдаланиш учун энг асосий муаммога оид саволлар тузади ва уларни аввал ёзма шакллантиргани маъқул. Саволлар муаммо билан яқиндан таниш, у билан шуғулланган мутахассисларга кўрсатилиши, улар билан маслаҳатлашилган бўлиши лозим. Бу интервьюга тасодифий саволлар кириб қолишининг олдини олади ва интервюнинг илмий мақсадга мувофиқ ўтказилишини таъминлайди.

Интервью ўтказилаётганда ёки режалаштираётганда, қуйидаги-ларни ҳисобга олиш тавсия этилади:

- шакллантирилган илмий мақсад ёки фараздан келиб чиқиш;
- саволлар аниқ, лўнда ва тушунарли бўлиши;
- иложи борича саволлар турли талқинларни келтириб чиқар-маслиги;
- жавоблар илмий мақсад ёки фаразни тўлдириши, бойитиши, аниқлаштириши;
- респондентнинг касб-кори, билими, ёши, бирор ижтимоий гурухга мансублиги ҳисобга олиниши;
- саволлар ғашга тегадиган, бузғунчи, деструктив хусусият касб этмаслиги керак.

Интервью ўтказилаётганда респондент мавзу, муаммо билан аввалдан таништирилиши керак. Респондент интервьюга тайёргарлик кўрса, у мавзудан ташқарига чиқмайди, тасодифий фикрлари билан тадқиқотчини чалғитмайди.

Интервью илмий мақсад шакллантирилгач, ўтказилади. Агар илмий мақсад ўзgartирилса, тўлдирилса, интервьюю саволлари ҳам ўзгартирилиши, тўлдирилиши керак, акс ҳолда илмий мақсад билан интервьюю натижалари бир-бирига хизмат қилмайди.

Интервью олишда шахснинг этномаданий ва этнопсихологик хусусиятларини ҳам ҳисобга олишга тўғри келади. Масалан, ўзбеклар билан сұхбатга киришишдан аввал салом-алиқ, сиҳат-саломатлиги, оила тинчлиги ҳақида сўраш анъанадир. Бундай кириш сўзисиз дарров илмий мақсадга ўтиш ўзбек кишисида таажжуб уйғотади, бу эса унинг жавобларига, интервьюга муносабатига таъсир этмай қолмайди.

Олинган барча жавобларни тадқиқотга киритиш шарт эмас. Агар тадқиқотчи маълум бир жавобларни мавзуга тааллукли эмас деб топса, у улардан воз кечиши мумкин. Бироқ зиддиятли жавоблар муаммонинг долзарблигини аниқлашга ва асослашга хизмат қилиши мумкин. Аслида объект (предмет)нинг реал ҳолатидаги зиддиятли томонларни объектив кўрсатиш, таҳлил этиш учун зиддиятли жавобларни ҳам келтириш ўринлидир, лекин улар тадқиқот мантифи доирасидан ташқарига чиқмаслиги керак.

Тасодифий жавоблардан мутлақ холи бўлиш мумкин эмас. Уларнинг тасодифий эканлиги илмий мақсадга ёки фаразга мувофиқ келмаслиги билан аниқланади. Энг муҳими тадқиқотчининг ўзи тасодифий саволлар бермаслигидир.

Тасодифий жавобларнинг ижобий томони ҳам бор, улар респондентнинг эркин фикрини ва интервьюнинг табиий кечишини ифодалайди. Аммо улар пировард натижада илмий мақсадга хизмат қилиши лозим.

Интервью жараённида нафақат савол-жавоб, шунингдек, ўзаро мулокот, сухбат, ҳатто баҳс бўлиши мумкин. Мазкур усуллар интервьюни жонли, қизиқарли қиласи, эксперт ёки реципиентнинг муаммога оид қарашларини кенгроқ намойиш этади.

Интервьюни режалаштириш тадқиқотчини маълум бир саволлар доирасида савол-жавоб ўтказишга мажбур қиласи. Бу тартибда унинг мулокотга, сухбат ва баҳсга имкони қолмайди. Лекин интервью шахснинг муаммога оид фикрларини тўлароқ билишга қаратилганини унтиб бўлмайди. Бу эса интервьюни мулокот, сухбат, баҳс билан ёнма-ён келиши мумкинлигини эсда тутишга ундейди.

Интервью берувчининг муаммодан хабардорлиги, компонентлиги муҳим аҳамиятга эгадир. Интервьюнинг қиммати муаммодан яхши хабардор, уни ечиш йўллари ва механизmlарига оид маълум бир тавсиялар бера оладиган шахс (эксперт)ларнинг савол-жавобга тортилганидадир. Тўғри, гуруҳ интервьюга жалб этилганида, унинг таркибида муаммодан узоқ шахслар ҳам учраши мумкин, бироқ тадқиқотчи дикқатини мутахассис фикрини ўрганишга қаратади.

Мутахассис (эксперт) танлашда унинг муаммога оид билимлари ва тажрибаларига эътибор берилади. Махсус билимга ва тажрибага эга экспертнинг жавоблари тадқиқотнинг мақсадини бойитишга, муаммони ҳал этиш механизmlарини топишга ёрдам беради. Бизнинг фикримизча, эксперт ҳам консерватив қарашларга берилишини унумаслик керак, шунинг учун уларни танлашда энди фаолиятга киришган, катта амалий тажрибага эга бўлмаса-да, янгича, замонавий қарашларга эга ёш мутахассисларни ҳам интервьюга жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Экспресс – интервью деганда тезкорлик билан, у ёки бу тадбир ўтказилаётган пайтда, танаффусда ёки маълум бир вақт оралиғида ўтказиладиган савол-жавоб усули назарда тутилади. У ижтимоий фикрни ўрганишнинг интервью усулидир.

Интервью маълум бир режа орқали ўтказилса, экспресс-интервьюда тасодифий саволлар ҳам учраши табиий ҳолдир. Эксперт ёки реципиентнинг қисқа вақти савол-жавобларнинг олиб борилишига, демак, интервью жараёнига тадқиқотчи эмас, балки эксперт, реципиент ҳал қилувчи таъсир этади. Бироқ бу тадқиқотчининг

етакчи ўрин тутишини рад қилмайди. Тадқиқотчи экспресс-интервьюга аввалдан тайғарлик күради, саволлар тузади ва уларни кимларга, қайси эксперктарга беришини аввал мұлжаллаб олади.

Ташқаридан қараганда экспресс-интервью маҳсус ташкил этилмаган, тасодифий савол-жавоб бўлиб кўринади. Тўғри, тасодифийлик экспресс-интервьюда бор, лекин у тадқиқотчининг ташкилотчилик ролини инкор қилмайди.

Экспресс-интервью бошқа савол-жавоб методлари билан тўлдирилиши керак. Шошилинч тарзда олинган жавоблар ҳали объект (предмет)нинг реал ҳолати ҳақида етарли маълумотлар бермайди. Шунинг учун экспресс-интервью қўшимча маълумотлар олиш усулидир.

Тажрибаларни кузатишдан маълумки, интервьюю, шу жумладан, экспресс-интервью ҳам тадқиқотда тўла келтирилмайди. Аслида интервьюга киритилган саволлар диссертация иловасида келтирилиши зарур. Бу тадқиқотчининг илмий изланиш методларидан қанчалик хабардорлигини кўрсатади.

Экспресс-интервьюдаги афзал томон шундаки, у экспертни, реципиентни табиий ҳолда сўроққа тутади, яъни тезкорлик кишидаги хислатларни борича илғаб олишга ёрдам беради. Эксперт, реципиент кутилмаган ҳолда тадқиқотчи саволларига жавоб бериб, ўзидағи билим, хислат ва тажрибаларни ошкор этади.

Респондентни тадқиқотчи бошқариши зарур. Тадқиқотчининг саволлари экспертни, реципиентни жавоб беришга, яъни уларни ўз кетидан эргашишга чорлайди. Агар улар ўzlари истаганича жавоб берса, тадқиқотчининг саволларини ўzlари билганича ўзгартирса, бундай савол-жавоблардан фойдаланиш тадқиқот мақсади ва вазифаларига зиддир. Шунинг учун тадқиқотчи ташкилотчилик хислатини намоён этиши даркор. Агар шундай хислат тадқиқотчидан шаклланмаган бўлса, интервьюни ташкилотчилик, яъни мулоқот технологиясини ўзлаштирган бошқа шахс олиб бориши ҳам мумкин.

Интервью жараёнида нафақат объект (предмет) билан бевосита мулоқот юзага келади, шу билан бирга объект (предмет)ни бевосита кузатиш имкони ҳам пайдо бўлади. Бевосита мулоқот ва бевосита кузатиш интервьюни энг самарали методга айлантиради.

Социологияда интервью ўтказиладиган шароитга эътибор бериш тавсия этилади. Респондентга яқин бўлган шароит унга фикрини жамлашга ёрдам беради. Масалан, фермерга ўзининг дала майдонида ёки ҳосил тўпланган хирмонда, йўловчига бекатларда ёки йўл-

транспорт воситаларида, уй бекасига оиласида, уйида, ҳуқуқшуносга суд идораси ёки адвокатура биносида саволлар бериш мақсадга мувофиқдир. Респондентнинг жавоблариға шароит, мухит ижобий таъсир этади.

Саволлар тузишнинг усуллари кўп. Очиқ ёки ёпиқ, мавзу моҳиятини акс эттирувчи ёки мавзуни, муаммони аниқлаштирувчи, бевосита бериладиган ёки билвосита, англанган ёки англанмаган, режалаштирилган ёки тасодифий саволлар шулар жумласидандир. Энг муҳими – саволлар илмий мақсадга хизмат қилсин.

Очиқ саволларда илмий мақсад, тадқиқотчининг нияти очиқ-ойдин ифодаланади. Респондент ўзидан нима сўралаётганини, ҳатто у саволларда жавобнинг ярми борлигини билади. Бундай саволларга олинадиган жавоб ҳам қисқа, аниқ бўлади. Ёпиқ саволлар респондентни ўйлашга, тўғри жавоб излашга мажбур қилади. Масалан, тестлар мавзудан яхши хабардор бўлишни, маҳсус тайёргарликни талаб этади. Тест жавоблари келтирилган бўлса-да, улар респондентни фикрлашга, изланишга мажбур қилади. Берилган жавоб тўғриланмайди, очиқ саволларда эса респондент фикрини тўғрилаши, ўзгартириши ёки ундан бутунлай воз кечиши мумкин.

Ёпиқ савол у ёки бу муаммога респондент муносабатини аниқлаштириш учун берилади. Масалан, «Фарзандингиз ким бўлишини истайсиз?», деган савол замирида респондентнинг ўз касб-корига бўлган муносабатини аниқлаштириш мақсади ётиши мумкин. Бу савол респондент ўз фарзандининг касб-корини давом эттиришини истайдими ёки йўқми, шуни билишга қаратилган. Кўпинча респондент, унда фарзандимнинг келажаги ҳақида сўралаяпти, деб ўйлади. Аслида эса, тадқиқотчи респондентнинг касб-корига муносабатини аниқламоқчи.

Саволлар баъзан мавзуни ёки муаммони аниқлаштирувчи хусусиятга эга бўлади. Айниқса, илмий тадқиқотнинг бошланишида мавзуни, муаммони аниқлаштиришга эҳтиёж туғилади. Бу ўринда эксперталрга мурожаат этилади. Кўпинча бу мурожаат оддий савол-жавоб, сұхбат тарзида ўтади. Лекин у моҳиятан интервьюдир. Тадқиқотчи берадиган саволларини аввал тайёрлайди, қайси экспертга мурожаат этишини режалаштиради. Жавобларни ёзиб олади ёки эсида сақлаб қолади.

Муаммони аниқлаштирувчи савол-жавоблар бутун тадқиқот босқичларида ўтказилиши, давом эттирилиши мумкин. Гоҳо у илмий мулоқотни, сұхбатни эслатади. Бундай савол-жавоблар тадқиқотчи-

нинг назарий қарашларини, билимини бойитади, пастулатларини аниқлаштириб, гоҳо тўлдириб боришга ёрдам беради. Тадқиқотчи бундай савол-жавобларда кўпроқ қатнашса, мавзуга, муаммога оид тасаввурларини шунчалик кенгайтиради.

Интервьюнинг бевосита ўтказиладиган усули самаралидир. Унда тадқиқотчи объект (предмет)ни бевосита кузатиш, реал ҳолатини билиш имконига ҳам эга бўлади.

Тажриба кўрсатадики, ҳамма тадқиқотчида ҳам мулоқот маданияти керакли савияда, экспертларнинг ишончини қозониб, уларни очиқ мулоқотга, баҳс-суҳбатга чорлаш санъати бўлавермайди. Бундай тадқиқотчи мулоқот санъатини эгаллаган шахс хизматидан фойдаланади.

Бевосита савол-жавоб пайтида у ёки бу саволни тўлдириш, тўғрилаш имкони мавжуд, билвосита усулда бундай имкон йўқ, тадқиқотчи тақдим этилган жавоблар билан қаноатланишга мажбурдир.

Саволлар англашган ёки англашмаган бўлиши мумкин. Аслида тадқиқотчи барча саволларни аввал режалаштирган, илмий мақсадга мувофиқлаштирган бўлиши лозим. Бироқ тадқиқотчи ҳам, респондент (эксперт, реципиент) ҳам жонли, муҳит таъсирига, айниқса, қалбига яқин илмий мавзу, муаммо ҳақида сўз кетганида эмоцияга, тўлқинланишга берилувчан шахслар эканини унутиб бўлмайди. Бу ҳол гоҳо англашмаган савол-жавобларни келтириб чиқариши табиий ҳолдир.

Англашмаган савол-жавобларни тадқиқотга киритиш тавсия этилмайди, лекин улар мавзуни, муаммонинг зиддиятли томонларини билишга ёрдам беришини унутмаслик керак.

Интервюда барча саволлар режалаштирилиши шарт. Савол-жавоб мақсадли, йўналтирилган бўлиши лозим.

## **16-мавзу. Илмий тадқиқотда социометрия методидан фойдаланиш**

Илмий тадқиқотнинг асосий обьекти (предмети) инсон ва жамият, улар ўртасидаги муносабатлардир. Бу ўринда табиатшуносликка оид тадқиқотлар назарда тутилмайди. Ижтимоий гуманитар соҳадаги тадқиқотларнинг барчаси у ёки бу даражада инсон ва жамият ҳаётини ўрганишга бориб тақалади.

Социометрия шахслар ўртасидаги муносабатларни тадқиқ этиш методидир. Унинг обьекти кишилар, гурухлар ўртасидаги кечадиган

ижтимоий, диалогик муносабатлар, шахснинг гурухда тутган ўрни, гурухда шаклланган нормаларга алоқаларири. Пировард натижада бу масалалар ижтимоий характер касб этади.

Социологияда шахс ва микромухит ўртасидаги муносабатларни социометрик ўлчаш, ўрганиш кенг тарқалган. Шунинг учун социометрия энг аввало шахс ва микромухит алоқаларини ўрганишга қаратилади.

Шахс ижтимоий муносабатларнинг объектидир. Инсоннинг ушбу муносабатларни қабул қилиши ёки уни рад этиши социометрияниң дикқат марказида туради.

Микромухитга оила, маҳалла, меҳнат жамоаси, ўқувчи-талабалар гуруҳлари, маълум бир мақсад асосида бирлашган уюшмада шаклланган муносабатлар киради. Бу муносабатлар англанган мақсадга қурилади.

Микромухит узоқ мақсад ёки қисқа мақсад асосида юзага келиши мумкин. Меҳнат жамоаси ёки талабалар гуруҳидаги мухит узоқ мақсадга, йўловчилар ёки концерт томошабинлари гуруҳидаги мухит қисқа муддатли мақсад асосига қурилади.

Социометрия шахслараро муносабатларни кузатиш, ўрганиш ва ўлчаш имконига эга бўлган кичик гуруҳ ёки меҳнат жамоасида қўлланилади. Гуруҳ ёки меҳнат жамоасида кишилар сони ўн беш-йигирма нафардан ошса, социометрияни қўллаш қийин. Демак, социометрия кичик гуруҳдаги шахслараро муносабатларни ўрганади.

Шахснинг микромухитдаги ўрни ижтимоий, хукукий, ахлоқий мавқеи билан ўлчанади. Ижтимоий мавқе шахснинг маълум бир гуруҳга аъзо эканини, ушбу мавқе уни жамиятдаги ўрнини ҳам ифода этадиган белгидир. Масалан, шахснинг сиёсий партияга аъзо экани унинг ижтимоий мавқеидан дарак беради. Аммо унинг сиёсий партия бошланғич ташкилоти ёки раёсатидаги ўрни, улардаги алоқалари социометрия методининг тадқиқот обьектидир.

Шахснинг хукукий мавқеи тайинланган вазифаси ёки лавозими, ўзининг конституциявий хукуқларидан фойдаланиши кабиларда намоён бўлади. Агар у гурухда раҳбарлик лавозимини эгаллаган бўлса, унинг хукукий мавқеи расмий аҳамият касб этади ва гуруҳ аъзоларига таъсир доираси кенгаяди. Социометрия гуруҳ раҳбари билан гуруҳ аъзолари ўртасида кечадиган расмий ва норасмий муносабатларни кузатади. Расмий муносабатлар раҳбарнинг ўз хукуқларидан қандай фойдаланишини ва гуруҳ аъзоларининг ўз вазифаларига, расмий раҳбарга, унинг кўрсатма ва талабларига

муносабатларини ифодалайди. Улар гурухдаги жараёнларнинг хуқуқий нормалар доирасида кечишини таъминлайди. Демак, шахс микромухитдаги расмий нормалар ва муносабатларга риоя этади.

Микромухитда расмий алоқалар билан бирга норасмий, ахлоқий нормаларга асосланган муносабатлар ҳам амал қилади. Гурухдаги ахлоқий мухит гоҳо расмий муносабатларни етаклаб келади. Кузатишилардан маълумки, гурухдаги расмий муносабатлар шахснинг фаоллигига, бошқалар билан алоқаларига, вазифаларини тўлиқ ва ўз вақтида бажаришига таъсир этади. Лекин улар норасмий, ахлоқий алоқалар билан тўлдирилганида, шахсда ўзининг фаолиятидан қониқиши уйғотади, микромухитда юксак ахлоқий нормаларни қарор топтиради.

Микромухит шахснинг фикрлаш тарзига таъсир этади. Унда у ёки бу воқеа-ходисаларга нисбатан муносабат уйғотади, корпоратив фикр, мақсад, идеал унинг учун ҳам мезонга айланади.

Микромухитда шаклланган нормалар шахс ҳурфикрлигини, гурухдаги плюрализмни инкор қилмайди. Бу ўринда шахс ва гурух, хусусий ва умумий ўртасида алоқалар юзага келади. Ушбу алоқалар ҳеч қачон тайёр моделларга мувофиқ кечмайди, улар ўртасида қутилмаган тўқнашувлар, ёндашувлар ва фикрлар плюрализми юзага келади. Социометрия ушбу ранг-баранг ёндашувларни кузатади, уларни умумий мақсадга йўналтиришнинг самарали усулларини излайди.

Микромухит шахслар орқали ижтимоий муносабатларга, жамият ҳаётига таъсир этади. Демак, социометрия факат гуруҳ ичидағи муносабатларни эмас, у шахснинг ижтимоийлашувини ҳам ўрганади.

Микромухитда диалогик ва монологик муносабатлар кечиши кузатилади. Диалогик муносабатларга шахслар ўртасида тенгхуқуқликка, плюрализмга, демократик тамойилларга мувофиқ кечадиган алоқалар назарда тутилади. Диалог – бир-бирини тинглаш, эшлиши, тушунишга интилиш – ушбу методнинг хусусиятидир.

Диалог бир мақсадга йўналтирилган шахслар ўртасида позитив қўринишда келади. Унда шахслар ўзаро тенг алоқаларга киришиб, тил топишиб, бир-бирини тўғри англаш, ҳамкорлик қилиш устунлик қилади.

Диалог рационал, конструктив хусусиятга эга бўлса, позитив аҳамият касб этади. Социометрия диалогик муносабатлардаги позитив томонларни ўрганишга қаратилади. Тўғри, баъзан диалог чўзилиб кетиши, зиддиятли ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин. Бу ҳолда

социометрия уларни объектив воқелик сифатида қабул қилиши, аммо уларни позитив томонга йўналтириш усулларини излаши керак.

Монологик муносабатлар деганда гуруҳдаги алоқаларни бир шахс бошқарадиган мұхит, алоқалар назарда тутилади. Хусусий мулк шароитида бундай бошқаришга мудом асос, имкон топилади. Шунинг учун социометрия демократик бошқаришни хусусий корхоналарга, корпорацияларга жорий этиш механизмларини топиши керак.

Социометрия учун монологик муносабатларни тўла бартараф этиш эмас, балки уларни диалогик муносабатлар билан тўлдириш усулларини излаш мұхимдир. Субординация ва иерархия мавжуд экан, улардаги монологик муносабатлар ҳам сақланиб қолади. Гуруҳ фаолияти учун бирор расмий шахс масъул экан, марказлашган бошқарувнинг аҳамияти камаймайди. Марказлашган бошқарувда эса монологик муносабатлар мудом мавжуд бўлган.

Социометрия гуруҳдаги диалогик ва монологик муносабатларнинг ўзига хос белгиларини қидиради. Чунки улар ҳар бир гуруҳда ўзига хос тарзда кечади. Масалан, талабалар гуруҳидаги муносабатлар мактаб ўқувчилари гуруҳидаги ёки меҳнат жамоасидаги алоқалардан фарқ қиласи. Бундан ташқари, гуруҳ микромұхитида шахслараро турли алоқалар кечади, улар гоҳо бир-бирига мувофиқ келмаслиги табиий ҳолдир. Ҳеч бир гуруҳда мутлақ диалогик ёки монологик муносабатлар устувор бўлиб қолмайди, улар алмашиб шахслараро алоқаларни ранг-баранг, қизиқарли, динамик қилиб туради. Социометрия ушбу жараёнлардаги ижобий ёки салбий томонларни аниқлайди.

Социометрияда кузатиш ва интервью, сўровномалардан фойдаланиш мұхим аҳамиятга эга.

Кузатиш социометрияning асосий усули ҳисобланади. Шахслараро муносабатларни бевосита кузатиш тадқиқотчига қимматли материаллар беради. Кузатиш жараённанда у симпатия ва антипатия, ўзаро ҳамкорлик ва хайрихоҳлик, корпоратив манфаатнинг шахслар манфаатига айланиши, фидойиликнинг шаклланиши каби ижтимоий психологик ҳолатларни аниқлайди, уларни баҳолайди. Социометрия тадқиқотчининг бевосита кузатишини тақозо этади, унда билвосита кузатиш мақсадга мувофиқ эмас.

Социометрия интервью ва сўровномалар орқали бойитилади. Интервью гуруҳ аъзоларининг микромұхитга, бурчига муносабатларини аниқлашга ёрдам беради. Социометрик кузатишлар натижаларини умумлаштиришда интервью ва сўровномалар натижаларига таяниш объектив хulosалар чиқариш имконини беради.

Интервью ва сўровномалар илмий мақсаддан ёки гипотезадан келиб чиқиб тузилади. Улар социометрик кузатишга ёрдамчи усуллар сифатида келади, уни савол-жавоблар билан тўлдиради. Агар сўровномадаги жавоблар респондентнинг у ёки бу саволга муносабатини билдирса, социометриядаги жавоблар респондентларнинг ўзаро муносабатларини англатади. Социометрияда олинган жавоблар социограмма ёки социоматрица кўринишидаги чизмаларда ифодаланади. Тадқиқотчилар уларни «социограмма савол-жавоби» ёки «социоматрица савол-жавоби» деб ҳам аташади.

Социограммада кичик гурух аъзолари ҳарфлар, рақамлар, рангли қоғозлар ёки бошқа белгилар билан тасвиранади, улар ўртасида алоқалар ана шу белгиларнинг у ёки бу шахс (респондент) томон силжишига қараб аниқланади. Масалан, «Гурухда ким ташкилотчилик фазилатларига эга?», деган саволга 4 киши – қора ранг, 2 киши – қизил ранг, яна 2 киши – оқ ранг, 1 киши яшил ранг эгасини кўрсатса, демак, қўпчилик қора ранг эгасини қўллаб-куватлаётгани маълум бўлади. Мазкур жавоблар жадвал-чизиқлар тарзида, одатда бир-бирлари билан кесишган тасвирда бўлади.

Социограмма кўпинча гурух аъзоларининг мавқеига ёки маконда (синфда, гурухда, иш жойида) эгаллаган ўрнига қараб тасвиранади ва уларнинг саволларга жавоблари (аслида бир-бирига муносабатлари) ана шу тасвирга мувофиқ жойластирилади. Тасвирда ким томон қўп чизик тортилса, ўша кўпроқ ташкилотчилик хислатига эга экани, гурух аъзолари унинг ташкилотчилигига ишониши маълум бўлади.

Социоматрица жадвал тарзида ифодаланади. Унда гурух аъзолари рақамлар ёки ҳарфлар билан белгиланиб, ўзаро муносабатлар жавоблар кесишган квадратларда акс этади. Ким қўп овоз олса, унинг ташкилотчилик хислатига шунча гурух аъзоси ишониши маълум бўлади. Шу билан бирга, социометрик тасвиirlарда гурух ичидағи ички муносабатлар, антипатия (ёқтираслик) ва симпатия (хайрихоҳлик) каби психологик ҳолатлар ўз аксини топади. Тадқиқотчи ушбу тасвиirlардан фойдаланганда мураккаб муносабатларни олинган жавоблар ва тасвиirlар орқали ифода этади, бу эса микромуҳит ҳақида аниқ тасаввур уйғотади. Энг муҳими илмий мақсадга хизмат қиласидиган саволлар тузишdir.

Социометрия фақат кичик гурухлардаги муҳитни ўрганишни назарда тутмайди, ушбу микромуҳитдан олинган жавобларни катта гурухларга, ҳатто жамиятга экстраполяция (татбиқ этиш) қиласиди.

Микромуҳитдан олинган кузатишлар ва ўлчовлардан катта гурухларга, жамиятга оид хulosалар чиқарилади. Бу ўринда кичик гурух катта гурухлар ёки жамиятнинг кузатиш мумкин бўлган кичиклаштирилган модели сифатида қаралади. Тўғри, кичик гурухдан олинган жавоблар ҳар доим ҳам катта гурухлардаги ёки жамиятдаги муҳитга, ижтимоий-психологик муносабатларга мувофиқ келавермайди. Тадқиқотчи экстрополяцияни мутлақлаштирмаслиги керак; социометрия илмий тадқиқотлардан биридир. Кишилааро муносабатларни бир метод билан тўла, объектив баҳолаш мумкин эмас.

## **17-мавзу. Моделлаштириш**

Тадқиқот обьекти (предмет)ни моделлаштириш объектив ва субъектив омиллар билан боғлиқdir. Объектив омилларга обьект (предмет)нинг мураккаблиги, кенглиги ва ўта ранг-баранг, зиддиятларга тўла жиҳатларга эгалиги киради. Тадқиқотчи бундай обьектни бевосита кузатиш, унинг барча томонларини илғаш, таҳлил қилиш имконига эга эмас. Ушбу объектив омил обьект (предмет)ни бевосита кузатиш имконини берувчи модел тарзида тадқиқ қилишга ундейди.

Айрим олган инсон, шахс тадқиқот учун тайёр моделдир, уларни бошқа обьект (предмет)лар билан моделлаштириб бўлмайди. Инсонни, шахсни бетакрор хусусиятларга эга экани уларнинг ўзига тайёр модел сифатида қарашга ундейди.

Энг мураккаб обьект (предмет)лардан бири жамиятдир. Жамиятнинг ички тизими, ижтимоий соҳалари, бошқариш усуллари шунчалик ранг-барангки, уларни маълум бир модел тарзида қарамай, ўрганмай илмий мақсадга эришиб бўлмайди. Маълум бир ижтимоий гурух, меҳнат жамоаси ёки маҳаллани жамиятнинг модели сифатида қараш мумкин.

Жамият этномаданий, этносоциал ва ўзининг ижтимоий-тарихий ривожланиш анъаналарига эга ижтимоий бирлик ҳисобланади. Ушбу бирликка хос хусусиятлар у ёки бу кўринишда, кўламда унинг таркибий қисмларида ҳам мавжуддир. Тадқиқотчининг диққати таркибий қисмлардаги ушбу хусусиятларни ўрганишга қаратилади. Мазкур хусусиятлар жамият билан унинг таркибий қисмлари ўртасидаги перманент алоқалар натижасидир.

Жамиятнинг таркибий қисмлари ижтимоий муносабатлар жараёнида шаклланган моделлардир. Уларни табиий моделлар дейиш мумкин, чунки тадқиқотчи уларни тайёр ҳолда топади. Сунъий

моделлар эса тадқиқотчи томонидан махсус воситалар ва шароитда шакллантирилади, уларга тадқиқотчи бевосита аралashiши ёки таъсир этиши мумкин.

Давлат ҳам тайёр моделдир. Шунинг учун тадқиқотчилар давлатнинг тайёр тузилмавий, функционал ва ҳуқуқий томонларини ўрганишга, давлат институтлари фаолиятини такомиллаштиришга эътибор қаратадилар. Тўғри, давлатлар ҳар хил – демократик, тоталитар, социалистик, капиталистик, феодал каби турларга эга, аммо улар генезисида ва моҳиятида умумий хусусиятлар мавжуддир. Ушбу умумий хусусиятлар моделлар орқали тадқиқ этилади.

«Модел» лотинча сўз бўлиб, у хаёлан ёки шартли тарзда ўрганиладиган намунавий образ, бирор мураккаб объект (предмет)нинг аналогидир. Моделлаштириш эса мураккаб объект (предмет)ни ушбу аналог орқали ўрганиш усулидир.

Моделлаштиришда қўйидаги талабларга амал қилинади:

- модел билан оригинал объект (предмет) ўртасида боғлиқлик, яқинлик бўлишини;
- модел оригинал ҳақида янги ахборот, маълумот беришини;
- модел объект (предмет)нинг мавжудлигига, функцияларини бажаришига халақит бермаслигини;
- олинган ахборот, маълумот оригиналдаги хусусиятларни рад этмаслиги, балки уларни тўлдиришини;
- объект (предмет)нинг у ёки бу хусусиятини такомиллаштиришга хизмат қилиши;
- модел оригиналнинг айнан ўзи эмаслигини назарда тутиши.

Моделлаштиришни талаб этадиган субъектив омилларга тадқиқотчининг қизиқиши, илмий мақсад ёки гипотеза, объектни маълум бир тизим сифатида ўрганишга интилиши, илмий концепцияни асослаш истаги кабилар киради. Ушбу омиллар мутлақ субъектив эмас, улар объект (предмет)нинг имманент хусусиятлари билан боғлиқдир. Субъектив омиллар илмий мақсадга мувофиқ келиши шарт.

Социологияда моделларни объект (предмет)нинг макон ва вактда намоён бўлиши, формал ёки ноформал кўриниши, имманент белгилари, ижтимоий мақсади, ички тузилиши, бошқарилиш хусусиятлари кабиларига қараб классификация қилишади. Баъзан эса улар моддий моделлар, идеал (фоя, хаёл) моделлар ва улар уйғунлигига асосланган аралаш моделларга ажратилади. Улардан қайси бири объект (предмет)нинг хусусиятларини тўлароқ очиб беришга ёрдам берса, илмий мақсадга хизмат қилса, тадқиқотчи ундан фойдаланиши мумкин.

Тадқиқотчининг қизиқиши моделлаштириш жараёнига ва мақсадига таъсир этади. Қизиқишлар шахсий, гурухий ёки илмий, бадиий, сиёсий, иқтисодий, маърифий кўринишларга эга. Қизиқиши интеграл аҳамият касб этиб, унга юқоридаги қўринишлар уйғун келиши мумкин. Илмий қизиқиши ана шундай интеграл аҳамиятга эга. Илмий қизиқиши билан илмий мақсад уйғун келганида, моделни объектив ўрганиш мумкин.

Баъзан тадқиқотчининг қайси қизиқиши моделга кўчирилиши зарур, деган савол туғилади. Ҳамма қизиқиши моделга кўчириш мумкин эмас. Илмий қизиқиши тадқиқотнинг бутун моҳиятига сингдирилган бўлади, бироқ қизиқиши объект (предмет)нинг имманент хусусиятларини ўрганишга халақит бермаслиги керак. Аслида илмий қизиқишининг объект (предмет)даги муаммолар билан уйғунлашуви муҳимдир. Объект (предмет)нинг реал ҳолатини идеал ҳолатга юксалтириш ана шу муаммолардан асосийсидир.

Тадқиқотчи қизиқишини фақат объект (предмет)нинг имманент хусусиятлари, муаммолари чегаралashi мумкин. Баъзан тадқиқотчи ўз қизиқишини объект (предмет)га кўчириши кузатилади. Масалан, тадқиқотчи хаёлида шаклланган маълум бир концепцияни асослашга интилиб, барча изланишларини унга бўйсундиради. Бу ўринда субъективлаштириш, мавзуга идеалистик ёндашув юзага келади. Ҳа, баъзан бундай ёндашув қизиқиши уйғотади, янги ғоялар, талқинлар пайдо бўлади. Лекин мазкур концепция моделлаштирилган заҳоти реал объект (предмет)га дуч келади, унинг реал ҳолатидан келиб чиқишига мажбур бўлади. Демак, тадқиқотчини фақат унинг қизиқиши эмас, балки объект (предмет)нинг реал ҳолати, уни такомиллаштириш зарурати ҳам илмий изланишга ундейди.

Тадқиқот обьекти (предмети), оригинал билан модел ўртасида маълум бир ички, қонуний алоқалар мавжуддир. Бу алоқалар энг аввало обьект (предмет)ларнинг бир-бирига табиий ёки сунъий (ижтимоий) боғлиқлигидан келиб чиқади. Табиий боғлиқлик тадқиқотчи ихтиёридан ташқарида шаклланган, у обьект (предмет)нинг ички, имманент хусусиятларидан келиб чиқади. Бу боғлиқлик бир-бирини айнан обьект (предмет)лар қилиб қўймайди. Улар ўртасидаги моҳияттан ёки шаклий ўзига хосликлар сақланиб қолади.

Сунъий, ижтимоий боғлиқлик инсон ва жамият томонидан шакллантирилган бўлиб, у моделни истаган томонга йўналтириш, шакллантириш мумкинлигини қўрсатади. Аммо бу илмий мақсадга бўйсундирилган, илмий рационал хусусиятга эга бўлиши даркор.

Оригинал билан модел ўртасидаги фарқларни ҳисобга олиш талаб этилади. Улар айнан бўла олмайди. Бу фарқлар объект (предмет)ларнинг ички, имманент хусусиятларидан келиб чиқиш орқали аниқланади. Уларни аниқлаш илмий мақсад эмас, лекин моделни кузатиш ва хulosалар чиқариш пайтида фарқлар мавжудлигини унутмаслик керак. Моделдаги ўзгаришларни ҳам тўлиқ оригиналга тадбиқ этиб бўлмайди, умумий (оригинал)нинг имконият ва хусусиятлари мудом моделнидан фарқ қиласди. Агар моделдаги ўзгаришни оригиналга тўлиқ кўчирмоқчи бўлсак, шубҳасиз, оригинал (умумий)нинг қаршилигига дуч келамиз. Моделдаги ўзгаришлар оригинал (умумий)нинг у ёки бу томонларини, функцияларини такомиллаштиришга хизмат қилганида, позитив аҳамият касб этади.

Оригинал билан модел ўртасидаги фарқлар уларни антипод сифатида қарашга асос бўлолмайди, илмий тадқиқот улар ўртасидаги ижобий алоқаларни мустаҳкамлашга, давр талабларига мувофиқ янги қисмларни яратишга, модернизациялашувга ёрдам бериши зарур.

Модел – идеал объект. Яъни объект (предмет)нинг реал ҳолатини идеал ҳолатда тасаввур этишdir. Шунинг учун оригиналнинг реал ҳолати ҳақида аниқ билимга эга бўлиш, ундаги муаммоларни ҳал этиш усулларини ишлаб чиқиши зарур. Реал ҳолатни яхши билмай, муаммоларни ҳал этиш усулларини ишлаб чиқмай, модел яратиш мумкин эмас. Ҳатто идеал (хаёлий) модел ҳам концептуал ғояга таянади, онгда, тасаввурда пишиб этилади.

Моделлаштиришда эксперимент муҳим роль ўйнайди. Айнан эксперимент моделлаштиришнинг амалий инъикоси, у ёки бу вазиятда синаб кўрилишидир.

Ҳар қандай илмий экспериментда моделлаштириш мавжуд. Эксперимент аввал хаёлий модел, андоза, идеал сифатида онгда шакллантирилади, кейин уни ташкил этиш жараённи ҳақида ўйланади, ундан кейин эса самарали усуллар изланади. Бир-бирига перманент боғлиқ ушбу жараёнлар, илмий мақсадга мувофиқ келиши англаңгач, эксперимент ўтказишга киришилади.

Эксперимент хаёлий моделни синаб кўриш, амалиётга татбиқ этиш йўлини излашdir. Шунинг учун эксперимент ва моделлаштириш ўртасида узвий алоқа мавжуд. Ҳар қандай эксперимент – моделлаштириш, бироқ барча моделлар ҳам эксперимент бўлавермайди. Масалан, Форобийнинг «фозил кишилар жамияти» хаёлий модел эди, уни экспериментал асослашга имкон ҳам, асос ҳам бўлмаган. Фақат фозил кишилардан ташкил топган жамият бўлгани

тариҳда маълум эмас, бундан кейин бўлиши ҳам даргумон. Демак, фозил кишилар жамияти хаёлий моделлигича қолади. Уни экспериментал асослашнинг имкони ҳам, ҳожати ҳам йўқ.

Бу ўринда қандай илмий мақсад ёки ғоя, фараз моделластирилиши керак, деган савол пайдо бўлади. Ҳар қандай илмий мақсад, ғоя ёки фаразни эксперимент қилиш ёки моделластириш мумкин, аммо гап улар илмий мақсадга хизмат қиласидими, изланишларга бирор янгилик бера оладими, шундадир. Тўғри, барча эксперимент ёки моделластириш ижобий натижалар бериши шарт эмас, моделластиришда олинган ҳар қандай натижалардан фойдаланиш мумкин. Ҳатто илмий мақсад ёки фаразга зид бўлган натижалардан ҳам. Салбий натижалар берган моделластириш келгуси экспериментлар учун асос, туртки, тўғри йўлни танлаш усули бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Социологияда «имитацион моделлар» (моделластириш) деган тушунча мавжуд. Ушбу имитацион модел оригиналга жуда яқинластирилган, улар ўртасидаги фарқ ўта камайтирилган андоза ҳисобланади. Ҳа, ижтимоий бошқаришга ёки кичик гуруҳлар ҳаётини ташкил этиш, уларда у ёки бу ижтимоий фикрни шакллантиришга қаратилган моделластиришни ташкил этиш кўп сарф-харажатни ҳам, вақтни ҳам олмайди. Моделни оригиналга яқинластириш, улар ўртасидаги фарқларни камайтириш мумкин. Ижтимоий-психологик нуқтаи назардан бу қийин бўлса-да, ташкилий томондан оригиналга яқинлашиш мумкин. Бироқ айнан ижтимоий-психологик омиллар бошқаришда қийинчилик туғдиради, моделни оригиналга яқинластиришга имкон бермайди. Демак, модел ташки кўриниш нуқтаи назардан оригиналга яқинластирилса-да, ички ижтимоий-психологик нуқтаи назардан улар ўртасидаги фарқ сақланиб қолади. Шунинг учун имитацион моделларни ҳам идеал ҳолат, деб қараб бўлмайди.

Имитацион моделлар экспериментни оригиналга яқинластириш имконини яратади. Ушбу модел объект (предмет)нинг таркибий қисмини экспериментга тортгани билан ажралиб туради. Масалан, талаба ёшларда хуқуқий маданиятни шакллантиришнинг самарали усуллари ва механизmlарини топиш уларнинг маълум бир гурухини модел, эксперимент объекти (предмети) қилиб олиш етарлидир. Мазкур гурух (модел) бутун талаба ёшларга оид холосалар чиқариш ёки уларни хуқуқий бошқариш, хуқуқий маданиятли қилиш усулларини, механизmlарини топиш учун асос бўла олади.

Кейинги йилларда мураккаб тизимларни математик моделлаштиришга катта қизиқиши пайдо бўлган. Математик моделлаштиришда объект (предмет)нинг реал ҳолатидан идеал ҳолатига бориладиган жараённи кузатиш математика тили билан ифодаланади. Бу ўринда кузатилаётган жараённинг ўзгарувчан ва мураккаб хусусиятини оддий тил билан ифодалаш қийин, шунинг учун унга математик формулалар қўлланилади.

Глобал муаммолар, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, демографик ҳолатларни ўрганиш ва башорат қилиш, халқаро алоқалар каби мураккаб воқеа-ҳодисаларни математик моделлаштириш кўпинча электрон ҳисоблаш усули орқали амалга оширилади. Шуни эсда тутиш зарурки, ижтимоий гуманитар соҳадаги тадқиқотларда математик моделлар фрагментлар, яъни айрим бир қисмга, бўлимга нисбатан қўлланилади.

Математик моделлаштириш математикадан яхши хабардор бўлишни, социологик таҳлилларда қўлланиладиган «Марков занжири», «Мерфи қонунлари», «Эрроу парадокслари», «Монте Карло схоластикаси» каби назарияларни билишни талаб этади. Статистик маълумотларни эса математик формулаларда бериш, моделлаштириш ва улардан илмий мақсадга мувофиқ хulosалар чиқариш учун маҳсус тайёргарлик зарур. Аммо математик моделлаштириш илмий-назарий хulosалар чиқаришни рад этмайди, ҳар қандай ижтимоий-гуманитар тадқиқот илмий-назарий хulosалари, асосланган тавсиялари билан қимматлидир.

Илмий адабиётларда мантиқий, математик, механик, физиковий, кимёвий, юридик, биологик, психологик, педагогик, ижтимоий, прогностик-футуристик (башорат-хаёлий) моделлар ҳам борлиги қайд этилади. Илм-фан соҳаларида бугун ўзига хос моделлаштириш анъанаси шаклланмоқда. Бу энг аввало ушбу соҳаларнинг мураккаб ижтимоий ҳодисаларни англашга интилаётганини ва муаммоларни ечишнинг самарали йўлларини излаётганини кўрсатади. Илм-фан соҳалари ўртасидаги интеграция мураккаб ижтимоий ҳодисаларни ўрганишда рўй бермоқда. Уларнинг деярли барчаси моделлаштиришдан муаммони ечишнинг самарали усулларини, механизmlарини топиш, объект (предмет)нинг идеал ҳолатини башорат қилиш (прогнозлаш) методи сифатида фойдаланмоқда.

Моделлаштиришда аналог ва имитацион моделлардан фойдаланиш кенг тарқалган. «Анолог» ва «имитацион моделлар» моҳиятан яқин тушунчалардир. Улар оригинал объект (предмет)нинг асосий

хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган андозаси, нусхаси, ифодасидир. Ҳар қандай нусхани, андозани аналог, имитацион модел сифатида қараса бўлади, бироқ улар эксперимент объектлари эканини унутмаслик керак. Эксперимент-объектлар одатда оригиналга халақит бермайдиган жойда, муҳитда ўтказилади. Анолог ва имитацион моделлар эксперимент-объектлар сифатида оригиналга яқинлигини кўрсатади ва илмий мақсадга ёки гипотезага мувофиқ келадиган хусусиятларга эга экани билан ажралиб туради. Дуч келган аналог ва имитацион моделни оригиналга яқин деб бўлмайди, баъзан улар ўртасида яқинлик уларнинг ташқи шаклида бўлиши мумкин. Масалан, эгизак шахслар орасидаги яқинлик, энг аввало уларнинг ташқи кўринишидадир, ички руҳий олами билан Ҳасан ҳеч қачон Ҳусанга, Ҳусан эса Ҳасанга айнан бўлолмайди. Улар бир-бирига аналог, моделлаштириш обьекти бўлиб хизмат қилганида, илмий мақсаддан ёки гипотезадан келиб чиқилади.

Моделлаштириш методининг барча илм-фан соҳаларида қўлланилаётгани уни универсал тадқиқот усулига айлантирган. Аммо бу универсаллик чеклангандир. Яъни моделлаштириш методи мутлақ тўғри, обьект (предмет)нинг идеал ҳолатини мутлақ тўғри прогнозлаштиради, деган холосага бормаслик зарур. У бошқа методлар билан ёнма-ён қўлланилганида, позитив натижаларга олиб келади.

## **18-мавзу. Илмий тадқиқотда моностилистика ва полистилистика услублари**

«Стиль» ҳар бир тадқиқотчига ёки ижодкорга хос бўлган фикрлаш, ёзиш, гапириш услубидир. Моностилистика деганда илмий тадқиқотда бир стил ёки бир услубда фикрлаш, ёзиш назарда тутилади. Унда тадқиқотчининг индивидуал стили устувор бўлади, бошқалариникидан фарқ қилувчи фикрларини бошқаларникоидан фарқ қилувчи стилистикада, ёзишда ифода этади.

Илмий тадқиқот мустақил изланиш ҳисобланади, шунинг учун у моностилистик хусусиятга эга. Мавзу, муаммо танлашдан тортиб холосалар чиқариш, иловаларни келтиришгача тадқиқотчи ўз стилини ифода этиши мумкин. Масалан, мавзу танлаш ва унинг илмий муаммо сифатида долзарблигини асослашни олайлик. Мавзу танлаш ижтимоий зарурият, реал ҳолат талаби билан боғлиқ бўлса-да, тадқиқотчи ушбу зарурият ва талабга ижодий ёндашади. Яъни зарурият ва талабни ўзининг илмий салоҳияти, муаммони тушуниши,

гоҳо интуициясига мувофиқ ифода этади. Мутлақ реал ҳолатни ифода этадиган, айнан реал ҳолатдаги мавзу йўқ, у илмий мақсадга мувофиқ ифодаланади. Мазкур илмий мақсад эса тадқиқотчи тасаввур ва дунё-қарашининг маҳсулидир. Мавзу долзарблигини асослашда ижтимоий зарурият ва талабдан келиб чиқилса-да, уни ҳам тадқиқотчи яратади. Унинг субъектив муносабати ўзига хос фикрлаш услубидир.

Илмий тадқиқот мустақил изланишлар маҳсули бўлса-да, у бошқа тадқиқотларга таянади, улардаги пастулатларни, ғояларни давом эттиради, ҳатто улардаги стилни қабул қилиши мумкин. Демак, илмий тадқиқот мутлақ янги, ҳеч қандай тадқиқотларга, қарашларга таянмаган мутлақ мустақил изланиш натижаси бўла олмайди. Илмий тадқиқот илм-фан соҳасидаги изланишлардан, уларда илгари сурилган концепциялардан яхши хабардор бўлишни тақозо этади. Бу эса илмий тадқиқотнинг полиститистика услубига мувофиқ олиб борилишини кўрсатади.

«Полиститистика» деганда кўп услубларга таяниш, улардан фойдаланиш назарда тутилади. Илмий изланишлар моҳиятан полиститистика маҳсулидир. Турли ранг-баранг фикрлар, матнлар, талқинлар ва ифодалар тадқиқот услубига таъсир этмай қолмайди. Аммо бу моностилистикани мутлақ рад этмайди. Илмий тадқиқот моҳиятан полиститистика маҳсули, лекин у моностилистика синтезидан ўтганидагина мустақил, бетакрор, ўз услубига эга изланишга айланади.

Илмий услубнинг белгиларига фикрнинг тушунарлилиги, лўнда ифодаланиши, илмий мақсадга мувофиқлиги, рационаллиги, конструктив хulosаларга олиб келиши, баҳс-муроқаба ва келгуси изланишларга жой қолдириши кабилар киради.

Фикрнинг тушунарли ифодаланишига қараб, услубни тез аниқлаш мумкин. Мавҳум фикр абстрактлаштириш илм-фанга хос услубдир, бироқ улар фикрнинг тушунарли ифодаланишига халақит бермаслиги лозим. Теомифологик, эзотерик, трансцендентал изланишларда абстрактлаштириш ва мавҳумлаштириш одатий услублардир, бироқ илмий изланишлар улардан фарқ қиласи. Илмий тадқиқотнинг ифода тили: матнлар, талқин ва пастулатлар тушунарли ифодаланиши шарт. Тушунарли ифодаланмаган ғоя, фикр, фаразни экспериментал асослаш мумкин эмас. Эксперимент илмий мақсаднинг ҳаётйлигини асословчи услубдир.

Тўғри, фалсафий изланишларда гоҳо дарров тушуниш қийин иборалар, талқинлар, концепциялар учрайди. Уларни маҳсус

тайёргарликсиз тушуниш қийин. Буни классик фалсафада маълум бир из қолдирган барча файласуфлар асарларида учратиш мумкин. Лекин бу мазкур асарлардаги рационалликни рад этмайди. Баъзан абстраклаштириш ва мавхумлаштириш услуби тафаккур чўққиси сифатида тақдим этилади, сўз ўйинларига берилиш, ақлу идрокни чалғитадиган стилда фикрлаш, ёзиш баъзи файласуфларда етакчилик қиласди. Гегель ана шундай файласуфдир. Ақлу тафаккурни менсимаган Гегель стилини К.Поппер танқид қилганида ҳақ эди.

Фикрлаш, ёзиш, ифода илмий мақсадга мувофиқ келиши даркор. Агар у ёки бу концепцияни, қарашларни танқидий таҳлил қилиш илмий мақсад бўлмаса-ю, тадқиқотчи диққатини фақат танқидга қаралса, бутун фикри рад этиш, қоралаш билан банд бўлса, бу услугуб илмий мақсадга зиддир. Ҳа, танқид илмий мақсад бўлиши мумкин, бу тақдирда матн, ифода, фикрлаш ҳам танқидий бўлиши керак. Ҳатто мазкур услубда ҳам илмий рационалликни, яъни танқиднинг рационал бўлишини унутиб бўлмайди.

«Рационаллик» ва «конструктивлик» бир-бирига боғлиқ тушунчалар. Ҳар қандай рационал фикр конструктив, бирор реал нарсани, ҳодисани ақлу идрокка мувофиқ ташкил этиш, бошқариш ёки такомиллаштиришга қаратилади. Илмий фикрнинг қиммати рационаллиги ва конструктивлиги билан белгиланади. Тўғри, баъзи фалсафий фикрларни рационаллаштириш, айниқса, конструктив томонга йўналтириш мушкул. Улар «ўзи билан ўзи сухбатлашиш» принципига қурилган бўлиб, кўпроқ рефлексияга тааллуқлидир. Аммо ушбу рефлексив фикрлардан ҳам инсон ўзига рационаллик топиши, фаолиятига конструктивлик баҳш этадиган ғояларга келиши мумкин. Моностилистика ҳам, полистилистика ҳам илмий рационал ва конструктив моҳият касб этиши, матн, ифода, фикрлашни илмий мақсадга йўналтириши зарур.

Моностилистика бетакрорлик яратади. Унда ижодкорнинг фикрлаш услуби, уни тушунарли, илмий, баъзи ўринларда бадиий ифодалаш маҳорати мужассамдир. Илмий тил, матн, қуруқ ифодани талаб этади, деган фикр нотўғри. Ҳар қандай илмий тадқиқот инсон, унинг қалби ва ҳаётини янада гўзал, олижаноб қилиш учун ўтказилади. Инсонга эса ички, руҳий кечинмаларга берилиш хос. Ушбу психологияк омил матнда, ифодада ҳисобга олиниши мумкин. Бу талқинни таъсирчан, қизиқарли қиласди, ўзига хос услугуб яратади. Бироқ матнни қизиқарли, таъсирчан қилиш илмий мақсадга кирмайди, шунинг учун аффектив кечинмаларни ифодалаш илмий мақсад доирасида бўлиши лозим.

Кузатишлиар кўрсатадики, ўзига хос услуг, ифода стилини яратиш мураккаб илмий изланишлар жараёнида шаклланади. Стиль шу заҳоти, ҳатто китоб ёзган билан ҳам шаклланмайди. Зерикарли ақлу идрок ва қалбга ҳеч нима бермайдиган асарлар ўзига хос стиль, услугнинг йўқлиги туфайли яратилади. Стиль, услуг тадқиқотнинг ўзи каби тинимсиз изланишлар туфайли яратилади. Демак, стиль, услуг яратиш билан илмий тадқиқот олиб бориш ёнма-ён кечадиган жараёнлардир. Сувга тушмаган одам сузишни ўргана олмаганидек, мустақил тадқиқот ўтказишга киришмаган изланувчи ҳам бетакрор стиль, услуг ярата олмайди.

Илмий тадқиқот – ёзма асардир. Яъни ўтказилган илмий тадқиқот диссертация, монография ёки китоб ҳолида эълон қилингач, жамоатчилик томонидан ўқилади, баҳоланади. Хуллас, ёзиш услубини эгаллаган шахсгина ўзини тадқиқотчи эканини исбот қиласди.

Ёзиш услуби илмий асарларни ўқиши ва мақолалар, асарлар ёзиш жараёнида шаклланади. У муаммони, унинг ечимларини, тафаккурий қарашларни ёзма тарзда ифодалаш маҳоратидир. Ҳар қандай асар ҳам услуг ифодаси эмас. Бошқаларнидан деярли фарқ қилмайдиган, мустақил изланишдан узоқ, кўпинча конъюктура талабига эргашадиган асар эътиборли услуг яратмайди. Тўғри, услугбизлик ҳам услубдир, аммо биз бу ўринда илмий асарни ўқимишли, қизиқарли, шу билан бирга онгни, ақлни рационал фикрлашга ундайдиган стилни назарда тутаяпмиз. Гоҳо конъюктура талабига мувофиқ келадиган асар қизиқарли услубда ёзилади, ундаги талқин тушунарли тилда ифодаланади. Лекин бундай услубдаги асар камдан-кам учрайди, уларнинг аксарияти санохонлик, маълум фикрларни қайта такрорлаш, компиляциялар тўқишдан иборат бўлади. Мустақил изланиш ва фикрлашнинг йўқлиги услубни зерикарли қиласди, саёзлаштиради.

Илмий тадқиқот ё объект (предмет)нинг реал ҳолатини ёки унга тааллукли концепцияларни, илмий мақсадларни баҳолашга интилади. Тадқиқотчи ўзидан аввалги изланишларни баҳололмай, уларга ўз муносабатини билдирамай ўтолмайди, чунки у «ўз ўтмишдошларнинг елкасида ўтиради» (И.Ньютон). Баҳолаш услубида тадқиқотчининг моностилистикаси, фикрлаш тарзи намоён бўлади. Баҳолаш бошқанинг фикрини такрорлаш эмас, у мудом индивидуаллик белгисидир. Индивидуалликка эга тадқиқотчи моностилистикада ижод қилишга мойиллик сезади.

Баҳолаш услуби итератив (натижаларни тақрорлаш) хусусият касб этмаслиги, балки тадқиқот мақсадидан келиб чиқиши, объект (предмет)нинг реал ҳолатига янгича ёндашиш натижаси бўлиши лозим. Баҳолашни умумий фалсафий мушоҳадалар, прогностик-футуристик тасаввурлар, символик моделлар орқали амалга ошириш мумкин. Бу эса баҳолаш усулини бошқа усуллар билан боғланиб келишини таъминлайди. Танқид ҳам баҳолаш усулидир. Рационал танқид ижобий натижаларга олиб келади, нообъектив танқид изла-нишнинг қиммати ва тадқиқотчи хислатлари, меҳнатини камайтира-ди, бузиб талқин этади. Моностилистикада нообъектив танқидга берилиш имкони мавжуд, ушбу хислатни камайтиришнинг йўли моностилистикани полистилистик ёндашув билан тўлдириш, бойитишдир.

Илмий тадқиқотларда хulosалар чиқариш энг муҳим ҳисобланади. Олинган натижаларни санаб бериш ёки итератив келтириш ҳали илмий хulosа эмас. Хulosа тадқиқотдаги фалсафий концептуал аҳамиятга эга фикрларни, мавжуд ёндашувларни лўнда, илмий тилда ифодалаш усулидир. Агар кириш қисмида илмий мақсад ва концепция шакллантирилса, хulosада ушбу мақсад ва концепция нималарга, қандай илмий ғояларга, пастулатларга олиб келгани баён қилинади.

Таҳлил ва услуб диалектик боғлиқ. Таҳлилда услуб акс этганидек, услуб энг аввало таҳлилда намоён бўлади. Лекин таҳлил услубнинг бир қирраси, услубни шакллантириш имконидир. Бутун тадқиқот таҳлилга қурилмайди, лекин услуб бутун тадқиқот давомида қатнашади. Ҳатто таҳлилни мақсад қилиб қўйган тадқиқот ҳам бошқа – интерпретация, баҳс, танқид, баён усулларидан фойдаланади. Ушбу усулларнинг барчасида моностилистика ёки полистилистика услуби қатнашади.

Танқид рад этиш ёки қоралаш эмас, у объектив баҳолаш усулидир. Баъзан танқидни салбий муносабат ифодаси сифатида тушунишади, бу тўғри эмас. Агар танқид объектив, рационал бўлса. ундаги фикрларга қулоқ солиш ва илмий мақсадга мувофиқ келадиган, уни тўлдирадиган, изланиш қимматини ва аҳамиятини оширадиган тавсияларга амал қилиш керак. Моностилистика ва полистилистика танқид методида ёрқин кўзга ташланади. Тўғри, стиль танқидни шакллантиrmайди. Аммо танқид стильни қизиқарли, тушунарли қиладиган, муаммо долзарблигини ошириб, стильни чархлайдиган метод эканини унутмаслик зарур.

Моностилистика ва полистилистика ижодкор шахсига қатор талаблар қўяди. У:

- илмий мақсад билан шахсий мақсад ўртасида фарқлар борлигини билиши;
- тадқиқотда эгоистик «Мен»ни намоён қилишга интилмаслиги, бошқа «Менлар»ни менсимаслик позициясида турмаслиги;
- таҳлил ва танқидда холисона йўл тутиши, объектив бўлишга интилиши;
- шахсий муносабатларини илмий баҳсга кўчирмаслиги, симпатия ва антипатияга берилмаслиги керак.

Илмий тадқиқотда ижодкор шахси стиль ва талқинга таъсир этмай қолмайди. Бу ўринда икки нарсани унумаслик керак. Биринчиси, илмий тадқиқот ижтимоий зарурият, объект (предмет) реал ҳолатини идеал ҳолатга кўтариш усуллари ва механизmlарини излашдир. Мазкур зарурият ижодкор шахсига, ўз «Мен»ини намоён этишга маълум бир чекловлар қўяди. Яъни тадқиқотчи объектив ҳаёт талабларини бажараётганини билиши керак. Иккинчиси, илмий тадқиқот билан чоп этилган адабиёт (монографик тадқиқот натижаси эмас) ўртасида фарқлар бор. Кўпинча тадқиқотчилар адабиётларга мурожаат этишади, адабиётлардаги эркин публицистик стиль уларни «маҳлиё этади». Натижада муаммога оид, гоҳо тушуниш қийин стиль эътиборга олинмайди, ўрганилмайди. Бу аслида муаммони енгилелпи тушуниш, ўрганиш натижасидир. Тадқиқотчи энг аввало ўрганаётган муаммога оид илмий изланишларни билиши, улардаги стилни ўзлаштириши керак. Илмий тил билан публицистик тил айнан эмас, иккинчиси биринчисига хизмат қилганида, ундан фойдаланиш ўринлидир.

Илмий тадқиқотда ижодкорнинг шахси унинг стилида, услублардан қандай фойдаланганида намоён бўлади.

Полистилистикадан фойдаланмай тадқиқотчи муаммони тасаввур ва ифода эта олмайди. Муаммо унинг кашфиёти эмас, буни тадқиқотчи яхши билиши керак. У илмий тафаккур изланишлари юзага келган даврдан бери мавжуддир. Тўғри, у етарли қайд этилмаган, тадқиқотчилар дикқатини тортмаган бўлиши мумкин. Тадқиқотнинг долзарблиги ушбу жиҳатга эътиборни жалб этганидадир. Полистилистика ана шу жиҳатларни етарли ўрганиш имконини беради.

Полистилистика турли, ранг-баранг услублар, ёндашувларга таянган ҳолда моностилистикани яратиш услубидир. Тадқиқотчи қандай услубларга таянмасин, пировард натижада ўз стилига эга

бўлиши даркор. Полистилистикадан моностилистикага бориш биринчисини рад этмайди, балки унинг аҳамиятини кўрсатади. Гоҳо полистилистикадан фойдаланишнинг ўзи моностилистикадир.

Полистилистикада бошқаларнинг услуби, фикр ва ғояларига таяниб тадқиқотчи ўзининг гносеологик билимларини намоён этади. Гносеологик билимлар мавжуд қарашлар, концепциялар ва илмий тажрибалардан орттирилган билимлардир. Айнан шунинг учун ҳам гносеологик билимлар полистилистик изланишлар маҳсулидир.

Полистилистика гносеологик кашфиётлар яратмайди, аммо уларга етаклайди, йўл очиб беради.

Полистилистикада таклидчилик хавфи мавжуд. Тадқиқотчи моностилистикасини унутган заҳоти у ёки бу тадқиқотчи стилига эргашади, полистилистик изланишларга маҳлиё бўлиш, эргашиш унга осон кўринади. Натижада хулосалар тавталогик ёки итератив хусусият касб этади. Кўп вақт ва кучни талаб қилса-да, моностилистика яратиш муҳим илмий аҳамиятли машғулот, изланишдир.

Моностилистика ўзига хос услубни яратишга интилиш сифатида новация ва инновацияга мойил методдир. Ўзига хос фикрлаш, ёзиш, ифодалаш услубини яратган ҳар қандай изланиш новацион ва инновацион хусусиятга эгадир. Тўғри, бундай изланишлар илм-фан оламида, гносеологик билимлар тизимида ҳар доим ҳам муносиб ўрин эгаллайвермайди. Бу ўринда Л.Г.Гумилевнинг пассионарлик ғоясини эслаш мумкин. Лекин полистилистика қарор топган илмий муҳитда бир пайлар унутилган ёки рад этилган ғоялар, концепциялар қайта тикланиши мумкин. Моностилистикада эса бундай ғояларни қўллаб-қувватлаш, давом эттириш имкони янада кенгдир.

Моностилистикадаги новация ва инновацияга мойиллик тадқиқотчининг ҳаётий ва илмий позицияси билан белгиланади. Бу ўринда ҳаётий ва илмий позиция уйғун келади, тадқиқотчининг новацион ёки консерватив ёндашувларга мойиллиги маълум бўлади. Илмий мақсад шахсий мақсаддан фарқ қилса-да, у ҳаётий позициядан йироқ кетмайди. Илмий мақсад ҳаётий мақсад билан уйғун келганида, иккинчиси биринчисига таъсир этиш имконига эга бўлганида, тадқиқотчини дадил изланишга, ўз концепциясини ҳимоя қилишга ундайди. Ҳаётий позицияси билан мустаҳкамланмаган илмий мақсад тадқиқотчини моностилистикани яратишга ва уни ҳимоя қилишга ундамайди. У полистилистик изланишлар доираси билан чегараланишга мажбурдир.

## **ХУЛОСА**

Илмий тадқиқот ўтказиш маълум бир тамойиллар, усуллар ва шакллар асосида амалга оширилади. Илмий тадқиқот ўтказишнинг қонуниятларини (қоидаларини) яхши эгаллаган катта илмий ходим-изланувчи, мустақил изланувчи илм-фанни илмий тадқиқот (Олий Аттестация Комиссияси) талабларига мувофиқ келадиган янги фикрлар, ғоялар, қашфиётлар билан бойитади.

Мазкур қўлланмада келтирилган тадқиқот усулларини икки гуруҳга ажратиш мумкин:

*биринчиси* – барча фанларда (тадқиқотларда) қўлланиладиган умум-илмий тадқиқот усуллари;

*иккинчиси* – айрим фанларда қўлланиладиган хусусий илмий тадқиқот усуллари.

Мавзу долзарблигини асослаш, тадқиқот концепциясини аниқлаш барча йўналишдаги илмий изланишлар учун шартдир. Эксперимент, тизимли функционал ёндашиш, сўровномалар ўтказиш, моделлаштириш барча илмий йўналишларда қўлланилмайди. Шунинг учун ҳар қайси катта илмий ходим-изланувчи, мустақил изланувчи тадқиқот мавзуси, концепцияси, обьекти (предмети)дан келиб чиқиб, илмий изланиш усулларини танлайди. Бунда танланган усул тадқиқот мақсадига хизмат қилиши шарт.

## МУНДАРИЖА

<b>СЎЗБОШИ</b> .....	3
<b>1-мавзу.</b> Илмий тадқиқот мавзусини танлаш ва унинг долзарбилигини асослаш .....	4
<b>2-мавзу.</b> Мавзу (муаммо)нинг ишланганлик (ўрганилганлик) даражасини аниқлаш .....	9
<b>3-мавзу.</b> Тадқиқотнинг концепцияси, мақсади ва вазифаларини шакллантириш .....	13
<b>4-мавзу.</b> Илмий тадқиқотнинг объекти ва предметини белгилаш .....	18
<b>5-мавзу.</b> Илмий тадқиқот методлари. Анализ ва синтез .....	24
<b>6-мавзу.</b> Комплекс ёндашув .....	29
<b>7-мавзу.</b> Тизимли-функционал ёндашув .....	33
<b>8-мавзу.</b> Ретроспектив ёндашиш .....	38
<b>9-мавзу.</b> Қиёсий таҳлил .....	43
<b>10-мавзу.</b> Эмпирик ва дала материалларини йиғиш .....	47
<b>11-мавзу.</b> Сўровномалар ўтказиш усули .....	52
<b>12-мавзу.</b> Кузатиш .....	58
<b>13-мавзу.</b> Эксперимент .....	63
<b>14-мавзу.</b> Контент-анализ ва статистик маълумотлардан фойдаланиш ....	71
<b>15-мавзу.</b> Интервью ва экспресс-интервью .....	76
<b>16-мавзу.</b> Илмий тадқиқотда социометрия методидан фойдаланиш .....	81
<b>17-мавзу.</b> Моделлаштириш .....	86
<b>18-мавзу.</b> Илмий тадқиқотда моностилистика ва полистилистика услублари .....	92
<b>ХУЛОСА</b> .....	99

**Алемасов** Виктор,  
*фалсафа фанлари доктори;*

**Мамадалиев** Шавкат Олмасбаевич,  
*фалсафа фанлари доктори, профессор*

## **ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ: МЕТОДОЛОГИЯ, МЕТОДИКА, ИЖОДИЁТ**

*Катта илмий ходимлар-изланувчилар ва  
мустақил изланувчилар учун ўқув қўлланма*

*Муҳаррир* М. С. Раҳмонова

*Техник муҳаррир* Д.Р. Джалилов

Босишга рухсат этилди 08. 02. 2015. Нашриёт-хисоб табаги 7,5

Адади 50 нусха. Буюртма №

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,  
100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68.